

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт ва филология фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

2.2017

Вестник Хорезмской академии Маъмуна

Издаётся с 2006 года

Хива – 2017

	ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:	МУАССИС:
АХБОРОТНОМА 2006-ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН	АБДОЛНИЁЗОВ Бахтиёр, к.-х.ф.д. АБДУЛЛАЕВ Икром, б.ф.д. АБДУЛЛАЕВ Равшан, тиб.ф.д., проф. АБДУҲАЛИМОВ Бахром, т.ф.д., проф. АХМЕДОВ Джамалхон, б.ф.д. БОБОЖОНОВ Мақсуд, тех.ф.д., проф. ДУРДИЕВА Гавҳаржон, тех.ф.н. ДЎСИМОВ Зарипбой, фил.ф.д., проф. ДЎСЧАНОВ Бахтиёр, тиб.ф.д., проф. ЖУМАНИЁЗОВ Мақсуд, тех.ф.д., проф. ИСҲОҚОВ Мирсодиқ, т.ф.д.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими - Хоразм Маъмун академияси Бош муҳаррир Шавкат ҚОДИРОВ
	АХБОРОТНОМА БИР ЙИЛДА ТЎРТ МАРТА НАШР ҚИЛИНАДИ	КУТЛИЕВ Джуманияз, б.ф.д., проф. МАҲМУДОВ Мадраим, т.ф.д., проф. НАВРЎЗОВ Қуралбой, ф.-м.ф.д., проф. НАРИМАНОВ Абдужалил, к.-х.ф.д. РАҲИМОВ Раҳимбой, тех.ф.д., проф. РЎЗИБОЕВ Рашид, тиб.ф.д., проф. РЎЗИМБОЕВ Сапарбой, фил.ф.д., проф. РЎЗМЕТОВ Бахтиёр, и.ф.д., проф. САЛАЕВ Санъатбек, и.ф.д., проф. САФАРОВ Каримджон, б.ф.д., проф. САЪДУЛЛАЕВ Азимбой, ф.-м.ф.д., акад. СОБИРОВ Ражаббой, фарм.ф.д., проф. ТЕЛЛЯЕВ Рихсивой, к.-х.ф.д., проф. ЎРОЗБАЕВ Абдулла, фил.ф.н. ГУЛОМОВ Саидахор, и.ф.д., акад. ҲАЖИЕВА Мақсуда, фал.ф.д. ҲАКИМОВ Акбар, с.ф.д., акад. ҲАСАНОВ Акназар, ф.-м.ф.д., проф.
2017 2(43)		РАҲИМОВ Раҳимбой, тех.ф.д., проф. РЎЗИБОЕВ Рашид, тиб.ф.д., проф. РЎЗИМБОЕВ Сапарбой, фил.ф.д., проф. РЎЗМЕТОВ Бахтиёр, и.ф.д., проф. САЛАЕВ Санъатбек, и.ф.д., проф. САФАРОВ Каримджон, б.ф.д., проф. САЪДУЛЛАЕВ Азимбой, ф.-м.ф.д., акад. СОБИРОВ Ражаббой, фарм.ф.д., проф. ТЕЛЛЯЕВ Рихсивой, к.-х.ф.д., проф. ЎРОЗБАЕВ Абдулла, фил.ф.н. ГУЛОМОВ Саидахор, и.ф.д., акад. ҲАЖИЕВА Мақсуда, фал.ф.д. ҲАКИМОВ Акбар, с.ф.д., акад. ҲАСАНОВ Акназар, ф.-м.ф.д., проф.
		Техник муҳаррир Умида АВАЗБАЕВА Мусаххих Лочинбек АБДУКАРИМОВ ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ 220900, Хива, Марказ-1. Тел/факс: (0 362) 375-70-01. E-mail: mamunaxborot@umail.uz Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. ГУВОҲНОМА № 13-040. Теришга берилди: 02.10.2017. Босишга рухсат этилди: 03.10.2017. Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 150. Ҳажми: 9 б.т. Буюртма: № «Қуванчбек-Машхура» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Урганч шаҳри, Ислон Каримов шоҳкўчаси 16-уй. ISSN 2091-573 X Нашр учун масъул А.Р.МАТНИЁЗОВ

Мундарижа

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Жуманиязов А., Рахимова М. Туркистон термити морфологиясининг алгебраик хусусиятлари.....	2
Хайитов Ё.К., Каландарова Д.Д. Биотехнологические методы очистки сточных вод.....	5

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

Abdullaeva F.E. Turli xil o'g'it va sug'orish me'yorlarining "Zimnitsa" kuzgi bug'doy navining hosildorligiga ta'siri.....	8
Таджиев А., Янгибаева И. Кузги буғдой алмашлаб экишда тупроқнинг инвертаза ферменти фаоллиги.....	12
Янгибаева И., Таджиев А. Полиз экинлари ва кузги буғдой алмашлаб экишда тупроқнинг аспарагиназа ферменти фаоллигини ўрганиш	15

ИҚТИСОД ФАНЛАРИ

Джуманиязов У.И. Давлат – хусусий шерикчилик асосида корпоратив бошқарувни шакллантиришнинг илғор хорижий тажрибалари.....	18
Саидов Д. Хоразм вилоятида аҳолига транспорт хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш йўналишлари.....	26
Шаназарова Г.Б. Саноат корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашнинг айрим назарий-услубий масалалари.....	30
Машарипова М. Миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳалари ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш хусусиятлари.....	38
Худайберганов Д. Товар ва хизматлар бозорида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари.....	46
Абдуллаев Ф.О., Исмаилов А.Б. Минтақа иқтисодиётида лизинг хизматлари диверсификацияси.....	51

ТАРИХ ФАНЛАРИ

Мавлонов Ў.М., Каримов Я.А. Амударё сув йўлининг Марказий Осиё коммуникация тизимида тугган ўрни.....	55
Собиров Қ., Абдиримов Р. Қадимги Хоразмда шаҳарсозлик маданияти ва давлатчиликнинг илк манбалари.....	58
Исмоилов Ш.З. XVIII-XX асрнинг бошларида Хива хонлиги ва Россия империясининг дипломатик ва иқтисодий алоқалари тарихидан.....	61
Маткаримова Н.М. Миллий урф-одат ва маросимлар – юксак маънавиятнинг мезони.....	66
Egamberganova M.J. Xorazm vohasi o'zbeklari to'y marosimlarining transformatsiyalashuv jarayonlari.....	68

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ғаипова Ҳ. Матназар Абдулҳаким публицистикасида сўз ва шоирлик талқини.....	73
Ўразбоев А. Огаҳий тарихий асарлари тилидаги айрим теонимлар хусусида.....	76
Худайберганова Д. Хоразм дostonлари тилида форсий қатлам.....	79
Матниёзов А.Р. Қадимги Хоразм ёзма ёдгорликлари.....	84

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

Собиров Б. Влияние сложного нагружения на деформации бетона при трехосном сжатии.....	91
---------------------------------------------------------------------------------------	----

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

Бабаджанова С.Х., Рахимова Ш.О., Сиддиқов Х., Матқурбанов Н. Соғлом авлод тарбиялашда сколиоз касаллигининг салбий оқибатлари.....	95
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**Авазяз Жуманиязов, Моҳира Раҳимова (Хоразм Маъмун академияси)
ТУРКИСТОН ТЕРМИТИ (*ANACANTHOTERMES TURKESTANICUS JACOBSON, 1904*)
МОРФОЛОГИЯСИНИНГ АЛГЕБРАИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация. Мақола (*Anacanthotermes turkestanicus Jacobson, 1904*) Туркистон термитининг ишчи табақасига мансубларининг геометрик катталиклари ва уларнинг бир бирлик ҳажмга жойлашадиган миқдорларини оддий алгебраик формулалар ёрдамида ҳисоблашга бағишланади.

Аннотация. Статья посвящена вычислению геометрических размеров и определению количества их расположения в одном объёме относящихся к рабочему слою особь Туркестанского термита (*Anacanthotermes turkestanicus Jacobson, 1904*) при помощи простых алгебраических формул.

Abstract. The article is devoted to the calculations with simple algebraic formulas, the geometrical size and amount of working class of the Turkestan termites (*Anacanthotermes turkestanicus Jacobson, 1904*) which fits into one unite.

Калим сўзлар: диаметр, цилиндр, параметр, геометрик, ҳажм, сон.

Ключевые слова: диаметр, цилиндр, параметр, геометрический, объём, количество.

Key words: diameter, cylinder, parameter, geometrical size, amount.

Кириш. Термитлар қадимги ҳашаротлар бўлиб, ерда Мезазой эрасининг Триас даврида, бундан 230 млн, Марказий Осиёда эса, геохронологик маълумотларга кўра, Тесиз денгизи(Турон пасттекислиги)ни қум босгандан кейин, яъни 40 млн. йил илгари пайдо бўлган.

Термитлар ҳали ер юзиде сут эмизувчилар ва кўпчилик гулли ўсимликлар мавжуд бўлмаган даврлардан муқаддам шаклланган. Археобиологик изланишлар туфайли қўлга киритилган манбалардаги тош қотган қолдиқларга асосан фақат айрим қадимий дарахтларнинг термитлар томонидан зарарланганлиги улар оламининг узоқ тарихий ривожланишининг исботи ва далилларидир. Игнабаргли ва уларга яқин бошқа турдаги ўсимликларни термитлар томонидан зарарланганлиги тўғрисидаги археобиологик маълумотлар уларни узоқ тарихий эволюцион жараёнларни босиб ўтганликларидан дарак беради.

Термитларнинг ҳозиргача 3000 га яқин тури аниқланган бўлиб, шундан 120 тури халқ хўжалигида зараркунанда сифатида қайд қилинган. Шулардан мамлакатимизда икки тури, Туркистон термити (*Anacanthotermes turkestanicus Jacobson, 1904*) ва катта Каспий орти термити (*Anacanthotermes ahngerianus Jacobson, 1904*) кўплаб тарқалган.

1875 йил Термиз шаҳри атрофида термитлар бўлгани илмий манбаларда қайд этилган. Шундан сўнг мутахассислар 1903 йил Мирзачўл ҳудудида термитларни 16 метр чуқурликгача тарқалганини аниқлаб, уларнинг яшаш тарзини ўрганишни бошлаганлар.

Бу ҳашаротларнинг яшаш тарзи маълум бир қонуниятлар асосига қурилган бўлиб, термитларнинг ҳаммаси унга амал қилади. Она термит тухум қўяди, энагалар тухум ва личинкаларни парваришлайди, ишчилар сув ва озуқа ташиди, кўриқчилар эса, уни кўриқлайди, рухсат берилмаган термитларни унинг ёнига ўтказмайди, мабодо биронтаси касалланса, ўша заҳоти ўлдирилади. Уларнинг иш фаолияти бир-бирига боғлиқ, бир гуруҳи озуқа йиғиш билан банд бўлганда, бошқалари уларга сув етказиб беради. Термитлар сувни ер остидан олиб чиқишади. Африкада термитлар сув олиб чиқиш учун хатто 115 метр чуқурликгача тушиши аниқланган.

Сўнги тадқиқотларда тропик мамлакатлардаги термитлар бир уяда 25 мингдан 5 миллионгача яшаши, гуруҳларига қараб, 6 йилдан 30 йилгача умр кўриши мумкинлиги, она термит бир суткада эса 43 минггача тухум қўйиши аниқланган.

Муаммо. Бу ҳашаротни инсоният жамияти иқтисодиётига келтираётган зарари йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги даврга келиб фақатгина Океан орти мамлакатларида 5 млрд., дунё бўйича эса келтираётган зарари йилига 40 млрд. доллар миқдорига баҳоланмоқда.

Дунёда инсон томонидан бунёд этилган кўплаб иншоот ва буюмларга термитларчалик жиддий ва тартибли равишда зарар етказувчи бирон-бир ҳашарот йўқ. Термитлар ёғочдан қурилган турар жойлар, тарихий обидаларнинг ёғоч қисмлари, саноат, гидротехник ва бошқа иншоотларнинг деворлари оралиғидаги ёғочларда, ёғоч дераза ва эшикларда, томларнинг ёғоч бостирмалари ва қалин тупроқ оралиғи ҳамда поллар остида йирик, ўзига хос уя қуриб, ёғоч ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари билан фаол озикланиб катта талофат келтирадилар. Шунингдек, термитлар темир йўл шпаллари, телеграф симёғочларига ҳам жиддий зарар етказади. Уларни ёғоч ва ўсимликлардан ташқари қоғоз, картон, мато, намат, жун ва бошқа 70 турдаги материаллар билан озикланишлари қайд этилган.

Мамлакатимиз ҳудудида жойлашган бир қатор иншоотларнинг ёғоч ва тахта қисмларига асосан Туркистон термити (*Anacanthotermes turkestanicus* Jacobson, 1904) мисли кўрилмаган даражада зарар етказмоқда. Айниқса, маҳаллий ёғоч-тахтадан қурилган турар жой ва бинолар, шунинг билан бир қаторда тарихий обидаларнинг ёғоч қисмлари ҳам термитлардан жиддий зарар кўрмоқда.

Бу ҳашаротнинг юқорида келтирилганидек малика, шоҳ, аскар, ишчи ва ёш термитчаларининг геометрик катталиклари, бир бирлик ҳажмдагиларининг сони, шунингдек, малика термитнинг геометрик катталиклари тўғрисида маълумотлар термитларга тааллуқли адабиёт ва бошқа манбаларда атрофлича баён қилинмаган, баён қилинганларида эса ноаниқликлар мавжуд.

Муаммонинг келиб чиқиши. Термитлар экологик ва биологик жиҳатдан олиб қаралганда, уларга табиат томонидан жуда катта вазифа, яъни ҳар хил норганик жинсларнинг табиий емирилишидан, жумладан термитларнинг ўзлари ҳам бу жараёнда ўта фаол иштирок этишидан ҳосил бўлган тупроқнинг она жинси ҳисобланмиш рухлякка ўзининг органик чикиндиларини аралаштириб ҳосилдор тупроқ ҳосил қилиш ва уни унумдорлигини ошириш юклатилган. Бундан ташқари термитлар табиатдаги бир неча тур жонзотларнинг озикаси ҳисобланиб уларнинг оқсилга бўлган талабини қондиришга ҳам хизмат қилади.

Термитлар ҳам денгиз ва қуруқликда яшовчи барча жониворлар сингари наботот оламининг улкан танасидаги текинхўрларнинг бир туридир.

Туркистон термити (*Anacanthotermes turkestanicus* Jacobson, 1904)нинг асосий озикаси целлюлоза ҳисобланади. Шу сабаб улар кўпчилик ҳолларда фақат ўсимликларнинг турли қисмлари билан озикланади.

Ер юзиде инсониятнинг фаолиятини кенгайтириш туфайли термитлар яшайдиган табиий шароитлар қискариб бормоқдаки, бу инсоният билан термитлар ўртасида ҳам турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ана шу муаммоларни ҳал қилиш жараёнида термитлар табақаларининг ўлчамлари, геометрик катталиклари тўғрисида турли тасаввурлар, ҳаттоки ваҳимали миш-мишларга ҳам тўқнаш келинмоқда.


Масала. Хоразм вилоятида иншоотлар ва тарихий обидалар, жамоат ва аҳоли турар жойларининг ёғоч қисмларига катта зарар етказаётган Туркистон (*Anacanthotermes turkestanicus*) термитларининг геометрик ўлчамларининг алгебраик хусусиятлари тўғрисида тасаввурларни янада ойдинлаштириб, тушунчаларни кенгайтириш лозим.

Термитларнинг геометрик ўлчамлари уларнинг турига, яшаш шароитига, овқатланишга, табақасига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, Жанубий Американинг Тринидад ва Гайана оролларида учрайдиган дунёдаги энг кичик *Atlantitermes snyderi* (*Nasutitermitinae*) термитининг аскарларининг узунлиги 2,5 мм, энг йирик Аризона (АҚШ) да ва Мексикада учрайдиган *Zootermopsis laticeps* (*Termopsidae*) термити аскарининг узунлиги 22 мм. Африкада учрайдиган катта *Macrotermes* термитининг жинсий етук табақаларининг узунлиги қанотлари билан 45 мм, кичик *Serritermes serrifer* (*Serritermitidae*) турига мансуб термитларнинг узунлиги эса, қанотлари билан 6 мм.гача етади. Тропик минтақаларда учрайдиган айрим термит маликаларининг узунлиги 10 см.гача боради [1].

Хива шаҳри Мевастон маҳалласида 2013 йилнинг 7 декабрида кўчирилган хонадонларнинг ўринларини қовлаб Туркистон термити (*Anacanthotermes turkestanicus* Jacobson, 1904)нинг тарқалиш даражаси ўрганилганда, ишчиларининг геометрик ўлчамлари расмларда келтирилган катталиқда эканлиги қайд қилинди.



1-расм. Ишчи термитнинг эни(йўғонлиги).



2- расм. Ишчи термитнинг узунлиги.

1-масала. Ана шу расмлардаги катталиқларга асосланган ҳолда ишчи термитнинг ҳажм катталиги, 1 см^3 ва 100 см^3 ҳажмга жойлашадиган ишчи термитлар сони, шу катталиқдаги 25000 дона термит жойлашадиган камера ҳажми ва 100 см^3 га жойлашадиган 25000 дона термитлардан биттасини геометрик ўлчамларини ҳисобланг.

Масалани олий математиканинг математик (анализ) таҳлилларига мурожаат қилмасдан ўрта ва ўрта махсус таълим ҳажмидаги ҳисоб-китоблар бўйича ечишга ҳаракат қиламиз.

Бунда термитларнинг расмдаги кўринишини цилиндр шаклида фараз қилиб, мўйлов ва оёқларини инобатга олмаймиз.

Фаразимиз бўйича расмлардаги термитнинг геометрик ўлчамлари диаметри ўртача 3,4 мм, бўйи эса 10 мм га тенг. Ишчи термитнинг узунлиги $c = h = 1\text{ см}$ ёки = 10 мм; диаметри $d = 3,4\text{ мм}$; бунда термитнинг ҳажми $V = \pi r^2 * h$ формула бўйича ҳисобланади.

Бунда $r = \frac{d}{2}$ $V = \pi \left(\frac{d}{2}\right)^2 * h = 3,14 * \left(\frac{3,4}{2}\right)^2 * 10\text{ мм} = 3,14 * 2,89\text{ мм}^2 * 10\text{ мм} = 90,1\text{ мм}^3 = 0,09\text{ см}^3$ 100 см^3 ҳажмга; $n = 100\text{ см}^3 / V = 100\text{ см}^3 / 0,09\text{ см}^3 = 1111,1$ дона ишчи термит жойлашар экан.

100 см^3 катталиқ – бу параметрлари, яъни эни 4 см, бўйи 5 см ва баландлиги 5 см бўлган қутичадир. Ёки 3,5 та гугурт қутисини устма-уст қўйилса, ё баландлиги (қалинлиги) 1 см, эни 1 см ва узунлиги 100 см ёнки, балоғат ёшидаги (айримлари бундан мустасно) қиз болаларнинг жимжималоқ бармоғининг йўғонлигига баробар, узунлиги 100 см бўлган жисм ҳажми 100 см^3 га тенг бўлади.

Битта ишчи термитнинг катталиги $0,09\text{ см}^3$ бўлганда 25000 дона термит $V = 25000 * 0,09 = 2250\text{ см}^3$ ҳажмни эгаллайди. 100 см^3 ҳажмга 25000 дона термит жойлашиши учун термитларнинг геометрик параметрлари қанча бўлиши керак?

Бунинг учун $100 \text{ см}^3 = 100000 \text{ мм}^3$ эканлигини инобатга олиб, $n = 25000$ дона $v = 100000 \text{ мм}^3$ $V = ?$ битта ишчи термит катталиги $V = \frac{v}{n} = \frac{100000 \text{ мм}^3}{25000 \text{ дона}} = 4 \text{ мм}^3/\text{дона}$.

Демак, 100 см^3 ҳажмга 25000 дона термит жойлашиши учун термитларнинг ҳажм катталиги 4 мм^3 бўлиши керак экан. Бу диаметри $1,14 \text{ мм}$; бўйи 4 мм бўлган (*Anacanthotermes turkestanicus* Jacobson, 1904) термитининг оддий ишчи термитидан деярлик 2,5 баробарга кичик бўлган термитдир.

2-масала. Термит маликасининг бўйи 10 см тенг, ишчи термитдан 100 баробар катта бўлгандаги унинг геометрик ўлчами ва диаметрини ҳисобланг.

Бу масалани ечишда ҳам юқоридаги сингари оддий алгебраик усуллардан фойдаланган ҳолда, термитларнинг оёқ ва мўйловларини инобатга олмаймиз ва термитларнинг шаклини аниқлашда аввалги масалаларни ечишда қўллаган фарздан фойдаланамиз.

Ишчи термитнинг узунлиги $c = h = 1 \text{ см}$ ёки $= 10 \text{ мм}$; диаметри $d = 3,4 \text{ мм}$. Бунда термитнинг ҳажми $V = \pi r^2 * h$ формула бўйича ҳисобланади.

$$V = \pi \left(\frac{d}{2}\right)^2 * h = 3,14 * \left(\frac{3,4}{2}\right)^2 * 10 \text{ мм} = 3,14 * 2,89 \text{ мм}^2 * 10 \text{ мм} = 90,1 \text{ мм}^3$$

Малика термитнинг бўйи $c = h = 10 \text{ см}$ ёки $= 100 \text{ мм}$; диаметри $d = ?$

Масаланинг шартига биноан малика термит ҳажми ишчи термит ҳажмидан 100 баробар катта, яъни $V_{\text{малика}} = V_{\text{ишчи}} * 100 = 90,1 * 100 = 9010 \text{ мм}^3$.

Малика термитнинг диаметрини топишда юқоридаги $V = \pi r^2 * h$ формуладан фойдаланамиз.

Бунда $r = \sqrt{\frac{V}{\pi * h}} = \sqrt{\frac{9010 \text{ мм}^3}{3,14 * 100 \text{ мм}}} = \sqrt{28,7 \text{ мм}^2} = 5,34 \text{ мм}$; диаметри $d = 2r = 2 * 5,34 = 10,68 \text{ мм}$ ёки $10,7 \text{ мм}$.

Демак, узунлиги 100 мм га тенг малика термитнинг йўғонлиги $3,4 \text{ мм}$, бўйи 10 мм бўлган ишчи термитга нисбатан диаметри $10,7 \text{ мм}$ га тенг экан.

Хулосалар. Натижалардан аниқланишича (*Anacanthotermes turkestanicus* Jacobson, 1904) термити оддий ишчисининг катталиги энига $3,4 \text{ мм}$ бўлганда 1 см^3 ҳажмга $11,100 \text{ см}^3$ ҳажмга 2250 та термит жойлашиши ва малика термитнинг ишчи термитдан 100 баробарга катталиги бўйича унинг геометрик ўлчамлари, узунасига 100 мм ва диаметри $10,7 \text{ мм}$ га тенг эканлиги ҳисобланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://klopsos.ru/nasekomye/termity-i-ih-koloniya/>
2. Термитларга қарши кураш тизимига оид тавсиялар. Тошкент. 2015. 5-11 Б.

УДК 582.26

Хайитов Ё.К. (УзНУ им. Мирзо Улугбека), Каландарова Д.Д. (БухГУ)
БИОТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД
 (На примере животноводческих комплексов Бухарского вилоята)

Аннотация. В работе рассматриваются вопросы очистки сточных вод животноводческих комплексов Бухарского вилоята. При этом используется биологический способ очистки сточных вод с применением зелёных микроводорослей.

Аннотация. Мақолада Бухоро вилоятидаги қорамолчилик комплекси оқава сувларини тозалаш масаласи кўриб чиқилади. Бунда оқава сувлар биологик усулда яшил сув ўтларини қўллаган ҳолда тозаланади.

Abstract. The issues of wastewater treatment of cattle-breeding complexes of the Bukhara region is considered in the paper. A biological method of wastewater treatment with green micro water-plants are used.

Ключевые слова: возвратные воды, сточные воды, биологический метод, растворенные кислород и хлорелла.

Калим сўзлар: оқар сувлар, турғун сувлар, биологик метод, кислород ва хлорелла аралашмаси.

Key words: return water, wastewater, biological method, dissolved oxygen and chlorella.

При культивировании зелёных микроводорослей на сточных водах животноводческих комплексов образуется большое количество биомассы водорослей и одновременно сточная вода очищается от органо-минеральных и бактериальных загрязнений на 95-97 %. Сточная вода, гидрохимии, культивирование, микроводоросли, биомассы, очистки, животноводство, отходы [1].

Введение. Охрана окружающей среды, в частности гидросферы, от загрязнений различной природы выдвинулась в число глобальных проблем мирового масштаба. Вопросы экологии и охраны окружающей среды в мире, в том числе в Узбекистане, приобрели в последние годы чрезвычайно острый характер.

Вследствие нарушения водного баланса региона многие промышленные, коммунально-бытовые и сельскохозяйственные стоки без предварительной очистки непосредственно сбрасываются в открытые водоёмы, в частности, в бассейны рек Амударьи и Сырдарьи. Некоторые водоемы находятся в угрожающем для природы и здоровья человека состоянии, так как многие стоки содержат высокие концентрации органических веществ, токсичных элементов и ионов тяжелых металлов. Такие стоки в промышленных очистных сооружениях практически не подвергаются очистке из-за бездействия или малоэффективного действия очистных сооружений.

Важную водоочистительную роль в природе выполняют микроводоросли. Они как автотрофные организмы в ходе фотосинтетических процессов обогащают водную среду кислородом, ускоряя тем самым окислительные процессы [2].

Материал и методика исследований. Объектом исследований служили сточные воды промышленного комплекса Гиждуванского тумана Бухарского вилоята. Материалом для исследований служили альгологически чистые штаммы хлорококковых водорослей *chlorella vulgarie* – 157, выделенные нами из загрязненных водоемов Бухарской области.

Видовой состав и сапробность микроводорослей очистных сооружений определялись методом Голлербаха (1951).

Альгологически чистые штаммы водорослей выделяли методом Гурьева (1956) [3].

Результаты исследования. Изучен видовой состав микроводорослей в сточных водах животноводческих комплексов Гиждуванского тумана Бухарской вилоята.

Сточные воды указанных выше животноводческих комплексов относятся к категории сильнозагрязненных, а их очистные сооружения представляют собой бетонированные бассейны-накопители. В этих водоемах нами обнаружено 23 вида и разновидности микроводорослей, из которых выделены альгологически чистые штаммы хлорококковых водорослей *chlorella vulgarize* [4]. Именно эти виды и штаммы впоследствии использовали в исследованиях по биологической очистке сточных вод животноводческих комплексов, в результате чего можно получить 150-200 кг пастообразной биомассы в сутки.

Годовая производительность установки – 36 тонн биомассы хлореллы, которая рассматривается в качестве сырья для комплексной безотходной переработки и направляется на получение кормовых гидролизатов, кормового белка и др. [6].

Обсуждение результатов. Хлорококковые микроводоросли - широко распространенная группа микроорганизмов, обитающая в природе в различных водоемах и принимающая участие в их самоочищении.

Наибольшее внимание ученые уделяли родам *chlorella vulgarize* (Гитальзов и др., 1964., Музафаров и др., 1965, 1972), установлена высокая продуктивность по выработке биомассы предводителей этих родов. Они содержат в своем составе белок, витамин,

углеводы и др. соединения в количествах, которые можно накапливать для использования в разных отраслях народного хозяйства (Барашков, 1963., Малоградова, Музафаров, 1966., Музафаров, Таубаев, 1974) [5].

В сточных водах животноводческих комплексов содержится большое количество органических и минеральных веществ, обеспечивающих массовое развитие микроорганизмов. Наши исследования показали возможность культивирования из них хлорококковых водорослей (хлорелла и сцендесмус) при температуре 18-30 °С, освещенность 5,0-15,0 тыс. люкс. Продуктивность их при таких условиях составляла 0,9-1,2 г/л сухого вещества и не уступала продуктивности водорослей, выращенных на питательной среде 04, которая широко применяется в условиях Узбекистана [2].

Установлена возможность использования биомассы микроводорослей, выращенных на сточных водах животноводческих комплексов, в рыболовстве, хлопководстве, а также для получения из нее различных биологически активных препаратов путем комплексной переработки.

Список литературы:

1. Голлербах М.М., Полянский В.И. Определитель пресноводных водорослей СССР. вып. 1. Москва. 1951.
2. Владимирова М.Г., Семенов В.Е. Интенсивная культура одноклеточных водорослей. Москва. 1962.
3. Киселев И.А. Пирофитовые водоросли (определитель пресноводных водорослей). вып. 6. Москва. 1954.
4. Лурье Ю.Ю. Аналитическая химия промышленных сточных вод. Москва: «Химия». 1984.
5. Строганов Н.С., Бузинова Н.С. Практическое руководство по гидрохимии. Москва, МГУ, 1980.
6. Эргашев А.Э. Альгофлора искусственных водоемов Средней Азии. Ташкент. 1974.

КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ**Abdullaeva F.E. (Urganch davlat universiteti)****TURLI XIL O'G'IT VA SUG'ORISH ME'YYORLARINING "ZIMNITSA" KUZGI BUG'DOY NAVINING HOSILDORLIGIGA TA'SIRI**

Annotatsiya. Ushbu maqolada Davlat reestriga kiritilgan kuzgi bug'doyning "Zimnitsa" navini Xorazm vohasi o'loqi alluvial tuproqlari sharoitida o'sishiga, rivojlanishiga hosildorligiga va urug'sifatiga ta'danli o'g'itlarning hamda suv berishning ta'siri o'rganilgan.

Аннотация. В этой статье изучено влияние минеральных удобрений и полива на повышение урожайности и качества зерна озимой пшеницы в условиях аллювиально луговой почвы Хорезма.

Abstract. In this article, the influence of mineral fertilization and different irrigation norms on growth, development, yield and seed quality of the winter wheat cultivar "Zimnisa" is investigated.

Kalit so'zlar: "Zimnitsa" kuzgi bug'doy navi, ChDNS (cheklangan dala nam sig'imi), azotli o'g'itlash, sug'orish.

Ключевые слова: сорт озимой пшеницы «Зимница», полив, ирригация.

Key words: winter wheat cultivar "Zimnisa", limited field water capacity, nitrogen fertilizer, irrigation.

Mamlakatimiz aholisining don va non mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojining o'sib borishini hisobga olib, sifatli va arzon don yetishtirishni ko'paytirish hamda uning sifatini, hosildorligini oshirishni taqazo etadi [1].

Bugungi kunda respublikamizda sug'oriladigan yerlarda kuzgi bug'doy hosildorligi juda ko'p xo'jaliklarda o'rtacha gektaridan 30-40 s ni tashkil etmoqda, ammo fermerlar tomonidan to'g'ri agrotexnologiya qo'llanilsa, ekilayotgan yangi va istiqbolli bug'doy navlaridan gektaridan 70-80 s hosil olinadi. Potensial hosildorlik va amaldagi hosildorlik o'rtasida bunday katta farqni asosiy sabablaridan biri yetishtirish texnologiyasining shu jumladan kuzgi bug'doyni o'g'itlash va sug'orishning ilmiy asoslari to'la ishlab chiqilmaganligidir. O'simlikni o'suv davrida yetarli namlik bilan ta'minlash kam suv sarflagan holda hosildorlikka putur yetkazmasdan mo'l va sifatli don hosili yetishtirish bugungi kunda mamlakatimiz g'allachiligidagi asosiy muammolardan biridir. Binobarin, kuzgi bug'doyning biologik xususiyatlarini, mintaqaning tuproq-iqlim sharoitini hisobga olgan holda, mineral o'g'itlar – azot, fosfor va kaliyning eng maqbul me'yorlarini hamda sug'orish tartiblarini aniqlab, ishlab chiqarishga joriy etish don yetishtirishdagi eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

O'g'itlardan samarali foydalanish hisobiga Angliyada 1982 yilda kuzgi bug'doydan rekord hosil – 156,5 s/ga don olingan. Germaniya fermer xo'jaliklardan birida 72 ga maydondagi o'rtacha hosildorlik 101,3 s ni tashkil qilgan. Niderlandiyada esa 76,2 s don hosili olingan.

Jahon dehqonchiligi tajribasining ko'rsatishicha, ekinlar hosildorligi tuproqqa kiritiladigan o'g'itlar miqdori bilan uzviy bog'liqdir (1-jadval)

1-jadval. Don ekinlari hosildorligi va o'g'it me'yori o'rtasidagi munosabat (T.K.Chanda va boshqalar)

Davlatlar	Qo'llanilgan o'g'it miqdori. (NPK), kg/ga	Don hosildorligi, s/ga
Niderlandiya	588,9	76,2
Yaponiya	395,1	43,4
Misir Arab Respublikasi	347,7	56,1
Angliya	320,7	61,2
Xitoy	307,0	42,6
Italiya	165,8	45,6
Bangladesh	110,6	24,1
Hindiston	75,2	17,2

O'g'itlardan olinadigan iqtisodiy samara tuproq – iqlim sharoitlari, o'g'itlarni me'yori, muddati va suv berish tartibi, ko'chat qalinligi, yuksak agrotexnika tadbirlari asosida qo'llash bilan uzviy bog'liq.

Sug'oriladigan yerlarda kuzgi bug'doydan yuqori va sifatli hosil olishning asosiy shartlaridan biri yetarli miqdorda o'g'itlarni o'z vaqtida qo'llashdir [2].

So'nggi yillarda respublikamiz shimoliy hududi hisoblangan, Xorazm viloyatining sug'oriladigan yerlarida kuzgi bug'doyning "Krasnodar-99", "Tanya", "Asr", "Yaksart", "Grom", "Durдона", "Yonbosh", "Zimnitsa", "Andijon-1" va "Andijon-2" kabi navlari yetishtirilmoqda. Bu yangi va istiqbolli kuzgi bug'doy navlari o'g'it va suvga juda ta'sirchan. O'suv davrida tuproqda oziqa elementlarining yetishmasligi kuzgi bug'doy navlarining o'sishi va rivojlanishiga donni hosili va sifatining pasayib ketishiga sabab bo'ladi. O'g'itlashni va sug'orishni to'g'ri tashkil qilish natijasida, kuzgi bug'doy navlarining rivojlanishiga va sifatli hosil olishga erishiladi [3].

Izlanishlar uslubi va o'tkazish sharoitlari. Ilmiy tadqiqot ishlari 2013-2016 yillarda O'zbekiston g'oz'a seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnikasi ilmiy tadqiqot instituti Xorazm filiali tajriba dalalari sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlari sharoitida o'tkazildi. Tajribada kuzgi bug'doyning "Zimnitsa" navidan yuqori va sifatli hosil olish agrotexnologiyasini o'rganish maqsad qilib olindi.

Tajriba dalasining tuproqlari eskidan sug'oriladigan madaniylashgan, sho'rlanish darajasiga ko'ra kam sho'rlanlan ($E_{Ce}=0.9-3.25$ ds/m), mexanik tarkibiga ko'ra o'rtacha qumoq, sizot suvlar sathi 1,7-2,2 m chuqurlikda joylashgan.

Tajriba dalasi haydov qatlamining dastlabki agrokimyoviy tavsifi quyidagicha: gumus-0,602 %, yalpi azot-0,045%, mineral azot-7,8 mg/kg, harakatchan P_2O_5 - 41 mg/kg (o'rtacha) va almashinuvchi K_2O - 207 mg/kg (o'rtacha).

Tajribada mineral o'g'itlar (sof holda) azot 180 kg/ga, fosfor 90 kg/ga va kaliy 90 kg/ga hamda 220 kg/ga, fosfor 140 kg/ga va kaliy 140kg/ga azot qilib belgilandi. Mineral o'g'itlardan karbamid (46 % N), ammofos (N-12, P_2O_5 46 %) va kaliy xloridi (51-60 % K_2O) qo'llanildi. Sug'orishlar cheklangan dala nam sig'imi (ChDNS) ga nisbatan 60 %-60 %-60 %, 65 %-65 %-70 % va 70 %-70 %-70 % qilib belgilandi.

Dala tajribalari 3 variant 3 takroriylikda o'tkazildi. Ekish muddati 1 oktyabr, me'yyori 5 mln. dona (200 kg/ga). Tajribadagi har bir qaytariq yuzasi 50 m² maydon bo'lib, paykallar rendomitsion tartibda bir yarusli qilib joylashtirildi. Tajriba dalasida qo'llanilgan barcha agrotexnologik tadbirlar O'zG'SUEAITI da qabul qilingan tavsiyalar asosida bajarildi.

Tajriba tizimlari. Ilmiy tadqiqot ishining maqsad va vazifalari bo'yicha bajariladigan ishlar dala va laboratoriya sharoitida bajarildi. Tajribalar quyidagi sxema bo'yicha amalga oshirildi:

Variant tartib raqami	Mineral o'g'itlar me'yori (kg/ga)	Sug'orish tartibi (ChDNS ga nisbatan foizda)
1		<i>Nazorat</i>
2		60-60-60
3		65-65-70
4	N-180; P-90; K-90	70-70-70
5		60-60-60
6	N-220; P-140;K-140	65-65-70
7		70-70-70

Fosfor va kaliyli o'g'itlarning 100 % i ekish bilan qo'llanildi. Azotli o'g'itlarning 30 foizi ekish bilan, 35 foizi tuplash, 35 foizi naychalash fazasida qo'llanildi.

Tuproq chirindisi - Tyurin, umumiy azot, fosfor, kaliy (NPK) miqdori - L.P. Gritsenko, I.M.Machigin, P.B. Protasov usullarida har yili 0-30, 30-50 sm qatlamlarda, o'suv davrining oxirida o'simlik, ang'iz va ildiz qoldiqlari tarkibidagi azot, fosfor va kaliy miqdorlari aniqlandi. Sho'rlanish 1/5 nisbatda suvli so'rim tayyorlash uslubida, mexanik va mikroagregat tarkibi Kachiniskiy uslublarida aniqlandi.

Ilmiy tadqiqot uslublari. Tajribada barcha fenologik kuzatishlar va biometrik o'lchash jarayonlari qabul qilingan uslublar "Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях

орошения (1981)” va “Dala tajribalari uslubiyati (2007)” bo'yicha olib borildi. Donning unib chiqishi, tuplanishi, o'simlikning o'sishi rivojlanishi, quruq massasi, poyalar soni, 1000 dona don massasi, boshqoq uzunligi, boshqodagi don soni va og'irligi, boshqochalar soni, don hosili va iqtisodiy samaradorligi o'rganildi.

Izlanishlar davrida, agrokimyoviy tahlillarni bajarishda “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах (1963)”, “Агрохимические исследований почв (1975)”, “Методы агрохимических исследований (1980)” hamda “Практикум по агрохимии (1987)” nomli uslubiy qo'llanmalardan foydalanildi.

Hosildorlik har bir paykaldan 1 m² maydondan o'rib olinib, gektar hisobida sentnerga aylantirildi va tajriba natijalarining statistik tahlili B.A.Dospexov (1985) bo'yicha amalga oshirildi.

Tadqiqot natijalari. Ilmiy tadqiqot dasturiga binoan kuzgi bug'doyning “Zimnitsa” navi urug'lari kam sho'rlangan tajriba dalasiga 1 oktyabrda ekildi. Vegetatsion yillar davomida ham urug'lar 4-5 kunda unib chiqdi. Barcha variantlarda urug'lar to'liq unib chiqqach, unib chiqqan urug'lar soni, unuvchanlik darajasi va qishlab chiqqan maysalar soni va qishlash darajasi o'rganildi.

Fenologik kuzatuvlar (1-jadval) urug'lar unib chiqqandan so'ng har 3 kundan to'liq unib chiqquncha sanalib borildi. 1 noyabrda barcha variantlarda o'simliklarning tup soni va unuvchanlik darajasi o'rganildi. 1 va 2 variantlarda (nazorat va tavsiya etilgan me'yordan kam azotli variantlar) unib chiqqan o'simlik soni 3 va 4 variantlarga nisbatan kamroq o'simlikni tashkil qildi.

2-jadval. Turli o'g'it va suv me'yorlarining kuzgi bug'doy “Zimnitsa” navining unuvchanligiga va qishlab chiqish darajasiga ta'siri, (2013-2016 y.).

Tajriba variantlarda	1 noyabr holati bo'yicha						1 mart holati bo'yicha					
	tup soni, dona			unuvchanlik, %			tup soni, dona			qish. chiq.dar-si.%		
	ChDNS ga nisbatan foizda			ChDNS ga nisbatan foizda			ChDNS ga nisbatan foizda			ChDNS ga nisbatan foizda		
	60	65	70	60	65	70	60	65	70	60	65	70
1	416	422,6	437,1	83,6	84,5	87,4	240,8	251,9	276,3	56,2	59,6	63,2
2	425,3	428,4	449,3	86,6	85,2	88,8	316,6	329,3	359,5	76,2	77,3	80,0
3	420,2	439,2	463,9	85,4	87,8	92,7	346,8	367,5	402,0	82,9	83,6	86,6

Jadval ma'lumotlariga ko'ra kuzgi bug'doy urug'larining unuvchanligi nazoratga nisbatan 2 va 3 variantlarida yuqori ekanligi, ayniqsa, suv va o'g'it me'yorlari yuqori bo'lgan variantlarda unib chiqqan tuplar soni 463,9 donani, unuvchanlik 92,7 % ni tashkil qildi. Qishlab chiqish darajasiga ko'ra ham 2 va 3 variantlarda yuqoriligini ko'rish mumkin, Unda ayniqsa 3 variantda qishlab chiqish darajasi 82,9-86,6 % ni tashkil qildi.

Tajriba jarayonida kuzgi bug'doyning har bir fazada o'simlik namunalari olinib, uning quruq massasi aniqlandi (2-jadval).

3-jadval. Turli o'g'it me'yorlarining “Zimnitsa” kuzgi bug'doy quruq massa to'planishiga ta'siri, i1m²/gr (2013-2016 y.).

Tajriba variantlari	Tuplash			Naychalash			Boshqoqlash				Mum pishish			
	ildiz	pova	barg	ildiz	pova	barg	ildiz	pova	barg	boshqoq	ildiz	pova	barg	boshqoq
1	14,4	13,5	25,4	24,1	71,7	44,4	41,5	177,4	105,6	87,9	40,6	165,2	0	408,9
2	37,6	29,8	39,2	77,8	184,2	198,2	103,4	463,4	203,9	285,8	173,2	535,6	65,3	1130,6
3	30,5	24,2	45,2	80,1	202,7	228,2	134,4	598	288	320,5	193,5	550	95,7	1230,9

Jadval ma'lumotlariga ko'ra, barcha variantlarda o'simlikning quruq massa to'plashi o'simlikning vegetatsiya fazasi bo'yicha ortib borishi kuzatildi. Kuzgi bug'doyning "Zimnitsa" navini naychalash fazasida asosan poya va barglari kuchli rivojlanganligi sababli quruq massa miqdori ortgan. Boshloqlash fazasiga kelib kuzgi bug'doyning quruq massa to'plashi barcha organlarida keskin ortganligini ko'rish mumkin (2-jadval).

Hosildorlik va 1000 ta don o'g'irligi bo'yicha olingan ma'lumotlarga ko'ra nazorat variantga nisbatan 2 va 3 variantlarda yuqori ko'rsatkichni tashkil qildi. 2 va 3 variantlarda hosildorlik ChDNS ga nisbatan 60 % qilib sug'orilganda 26,4 va 38,1 s/ga ni tashkil qilgan bo'lsa, 65 % qilib sug'orilganda 40,9 va 53,5 s/ga ni tashkil qildi. Eng yuqori hosildorlik gektariga 220 kg azot qo'llanilgan va ChDNS ga nisbatan 70 % qilib sug'orilgan variantda kuzatildi (66,1 s/ga). 1000 ta don o'g'irligi bo'yicha ham eng yuqori ko'rsatkich 2 variantning ChDNS ga nisbatan 70 % qilib sug'orilgan variantda (41,1 g) kuzatildi (3-jadval).

4-jadval. Turli o'g'it va sug'orish meyyorlarining "Zimnitsa" kuzgi bug'doy hosildorligiga ta'siri 1m² (2013-2016 y.).

Tajriba variantlari	Hosildorlik, s/ga			1000 ta don og'irligi, g		
	ChDNS ga nisbatan foizda			ChDNS ga nisbatan foizda		
	60	65	70	60	65	70
Nazorat	10,4	14,3	17,0	26,1	27,0	28,9
N _{180 kg/ga} K _{90 kg/ga} P _{90 kg/ga}	26,4	40,9	48,8	31,5	34,2	35,2
N _{220 kg/ga} K _{140 kg/ga} P _{140 kg/ga}	38,1	53,5	66,1	35,8	39,8	41,1

Xulosa. Izlanishlar natijasi shuni ko'rsatdiki, Xorazm viloyatining o'tloqi allyuvial tuproqlari sharoitida kam sho'rlangan dalalarda kuzgi bug'doyning "Zimnitsa" navini gektariga azot 220 kg/ga, kaliy 140 kg/ga, fosfor 140 kg/ga qilib qo'llanilganda hamda ChDNS ga nisbatan 70 % qilib sug'orilganda, kuzgi bug'doy unuvchanligi, qishlab chiqish darajasi hamda quruq biomassa to'planishining yuqori bo'lishiga va shu bilan birgalikda yuqori hosil (66,1 s/ga) olishga erishildi. Bu ko'rsatkich hosildorlik nazoratga nisbatan 49,1 s/ga, 2 variant N_{180 kg/ga} K_{90 kg/ga} P_{90 kg/ga} qilib berilib, ChDNS ga nisbatan 70 % qilib ekilgan variantga nisbatan 17,3 s/ga ziyod hosil olinganligi kuzatildi. Ko'p yillik izlanishlar natijasiga ko'ra Xorazm viloyati o'tloqi allyuvial tuproqlarida kuzgi bug'doyning "Zimnitsa" navidan yuqori va sifatli hosil olish uchun bu navni N_{220 kg/ga} K_{140 kg/ga} P_{140 kg/ga} ma'danli o'g'it bilan, namlikni esa (ChDNS) 70 % qilib berishni tavsiya qilaman.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etish yo'llari va choralari. Toshkent. 2009.
2. Генкель П.А. Физиология жаро и засухоустойчивости растений. Москва: "Наука". 1982.
3. Халилов Н.Х. Научные основы возделывания пшеницы осеннего посева на орошаемых землях Узбекистана. Автореф.дисс.док.наук. Самарканд. 1994.
4. www.stat.uz

УДК 579.22:633.11

Анвар Таджиев, Инобат Янгибаева (УрДУ)
КУЗГИ БУҒДОЙ АЛМАШЛАБ ЭКИШДА ТУПРОҚНИНГ ИНВЕРТАЗА ФЕРМЕНТИ
ФАОЛЛИГИ

***Аннотация.** Тупроқдаги целлюлозанинг парчаланиши ва унинг микроорганизмлар томонидан глюкозага айлантирилиши натижасида инвертаза ферменти фаоллиги ортади.*

***Аннотация.** В результате разложения целлюлозы в почве и превращения её на глюкозу с помощью микроорганизмов активизируется и увеличивается фермент инвертазы.*

***Abstract.** As a result of decomposition of cellulose in the soil and its transformation into glucose by means of microorganisms, the enzyme invertase becomes more activate.*

***Калим сўзлар:** инвертаза ферменти, микроорганизмлар, глюкоза, тупроқ, органик қолдиқлар.*

***Ключевые слова:** фермент инвертазы, микроорганизмы, глюкоза, почва, органические остатки.*


***Key words:** invertase enzymes, microorganisms, glucose, soil, organic residues.*

Кириш. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини оширишда минерал, органик ва микроэлементли ўғитларнинг роли ниҳоятда катта бўлиб, озика моддалари элементлари ичида мамлакатимиз тупроқларининг катта қисмида кам ўзлаштириладиган ҳолатда тарқалган. Бу озика элементларини ўзлаштириш учун тупроқнинг микробиологик фаоллиги юқори даражада таъминланган бўлиши талаб этилади. *Burkholderia cepacia* DA-23 минерал фосфорпарчаловчи бактерия штамми культивацияланган тупроқдан ажратиб олинди ва улар тупроқнинг рН кўрсаткичига таъсир этиб, кислоталик даражасини оширади. Штамми суюқ хроматографияда анализ этиш жараёнида ўртача юқори босим қайд этилиб, асосий органик кислоталардан 2 кетоглюкон кислотасини *Burkholderia cepacia* DA-23 штамми ажратиб чиқариши аниқланди. Тупроқдаги дегидрогеназа ферменти фаоллигининг глюкозадан ҳосил бўлган асосий маҳсулоти 2 кетоглюкон кислота бўлиб, у тупроқдаги фосфорнинг тартибга солиб турилишини таъминлайди [1]. Тупроқда бактериал инокулянтларнинг самарали таъсир этишини ошириш учун, юқори популяцияга эга бўлган бактерияларни танлаб олиш ва ўсимликнинг ризосферасига киритиш лозим. Илдиз тизимининг илдиз ажратмаларини кўп миқдорда ишлаб чиқиши ризосферанинг озикага бўлган талабини оширади, ундаги микроорганизмлар миқдорининг кўпайишига олиб келади [2]. Полиз ва кузги буғдой алмашлаб экишда тупроқдаги фосфор тупроқда асосан икки хил турда – органик (ўлган ҳайвонларнинг суяклари ва чириган ўсимликларнинг шунингдек, тупроқдаги микробларнинг ҳосил қилган маҳсулотлари таркибида) ва минерал моддаларнинг таркибида бўлади. Тупроқнинг тарқалиши ва фосфор элементи билан таъминланишига қараб органик фосфор тупроқдаги умумий фосфорнинг 25-85 % ини ташкил этади. Минерал фосфор бирикмалари эса, Са, Mg, Al, Fe каби элементлар билан бирикиб, минерал фосфатлар ҳолида учрайди ва тупроқнинг ҳар-хил минераллари таркибига киради [3]. Шу билан бирга, тупроқдаги фосфорнинг кўп қисми ўсимликлар учун ўзлаштирилмайдиган, сувда эримайдиган фосфорит ва апатитлар ҳолида, минерал ва органик ўғитлар таркибида учрайди. Тупроқдаги фосфорнинг ўзлаштирилиши ва парчаланишида микроорганизмлар жуда катта аҳамият касб этади ва улар бу жараённинг фаол иштирокчиси ҳисобланади [4, 5]. Тупроқдаги органик моддалар таркибига кирувчи фосфор элементи ҳам ўсимликлар учун ўзлаштирилмайдиган ҳисобланади ва ўсимликлар фақат фитин моддасини аста-секинлик билан ўзлаштиради. Органик моддалар таркибидаги фосфорни ўсимликлар фақат микроорганизмлар воситасида мобилизацияга учраганидан

сўнг ўзлаштириш хусусиятига эга [6, 7]. Кенг экологик тадқиқотлар олиб борилиши натижасида, тупроқдаги микроорганизмларнинг ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган, қийин парчаланувчи органик ва минерал фосфорнинг бирикмаларини парчалаб, ўзлаштириш хусусиятига эга микроорганизмлар борлиги намоён бўлди. Кўпчилик микроорганизмлар фосфорнинг минерал бирикмаларини парчалаб, ўсимликлар учун осон ўзлаштириладиган ҳолга олиб ўтади ва бу жараёнда тупроқдаги бактериялар, актиномицетлар, замбуруғлар ва бошқа гуруҳ микроорганизмлари иштирок этади [8]. Микробларнинг оқсилга фосфорнинг бирикиши тупроқдаги углерод ва фосфорнинг нисбатларига қараб белгиланади. Агар С ва Р нисбатлари 100 га тенг бўлса, фосфор элементи тупроқдан микроорганизмлар воситасида ўзлаштирилади. Нисбатлар кўрсаткичи 100 дан кам бўлса, тупроқдаги органик моддалар таркибидан фосфор минерализацияга учрайди [8, 9]. Аниқланишича, тупроқда намлик етишмаслигининг оқибатида ўсимликларнинг фосфорни кам ўзлаштиришига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, ўсимликларнинг бу элементга бўлган эҳтиёжи ортади ва озикланиш нисбати бузилади. Натижада, у фосфорли ўғитларни ўзлаштира бошлайди [10].

Тадқиқот усуллари ва услублари. Гидролитик гуруҳга мансуб ферментларнинг фаолликларини А.Ш.Галстян услуги бўйича [11], куйидаги субстратларда ўрганилди: инвертаза ферментининг фаоллиги 20 % сахароза эритмасидаги глюкозани ҳисоблаш ишлари ацетат буфер рН 5,5 ёрдамида титрлаш усулидан фойдаланиб, глюкозанинг тўпланиш жараёни аниқланади. Инвертаза ферментларининг фаолликларини аниқлашда, 1 грамм тупроқ намунасини шунга мос келадиган 20 мл субстрат билан (уреаза ферменти учун – мочевиначининг 20 % эритмаси, инвертаза ферменти учун эса, сахарозанинг 10 % эритмаси) аралаштирилди. Субстратлар рН 5,5 гача буферлаштирилди. Микроорганизмларнинг фаолиятини тўхтатиш учун толуол ишлатилди. Тайёрланган суспензия 24 соат мобайнида, 30 °С ҳароратда термостатда инкубацияланди. Инкубация вақти тугагач эса, суспензияга симоб йодид порошоги қўшилди ва филтрдан ўтказилди. Филтратда, ферментлар таъсири остида кечадиган кимёвий реакция натижасида содир бўлаётган маҳсулот аниқланди.

Тадқиқот натижаси ва уларнинг муҳокамаси. Инвертаза табиатда кенг тарқалган ферментлар қаторига кириши билан бирга, кўпчилик микроорганизмларда, шунингдек барча тупроқ типларида учрайди. Унинг фаоллиги, тупроқ типларининг ўзига хос тавсифловчи кўрсаткичи бўлибгина қолмасдан, балки унинг биологик фаоллигини ҳам белгисидир. Кузги буғдой билан олиб борилган дала тажрибасининг дастлабки тупроғидаги инвертаза ферментининг фаоллиги 13 мг/г $C_6H_{12}O_6$ борлиги таҳлиллар натижасида аниқланди.



1-расм. Инвертаза ферменти фаоллигининг динамик ўзгариши

$N_{180}P_{90}K_{60}$ фониға экилган кузги буғдой ривожланиш даврларида тупроқдаги инвертаза ферментининг фаоллиги 26-40 мг/г $C_6H_{12}O_6$ атрофида ўзгариб туриши кузатилди. Ривожланишнинг майсалаш, бошоқлаш ва гуллаш даврларида энг юқори инвертаза фаоллиги қайд этилди. Яъни: 40, 39 ва 38 мг/г $C_6H_{12}O_6$. Инвертаза ферментининг фаоллиги $N_{90}P_{45}K_{30}$ 50 % + ФПБ фонида кузги буғдойнинг ривожланиш даврлари мобайнида 30-40 мг/г $C_6H_{12}O_6$ миқдорида ўзгариб туриши кузатилиб, майсалаш, бошоқлаш ва гуллаш даврларида унинг фаоллиги 40, 40 ва 38 мг/г $C_6H_{12}O_6$ ташкил этиши тажриба таҳлилларида аниқланди.

Кузги буғдойнинг ривожланиш давридаги ФПБ+БУ фонда тупроқдаги глюкозанинг миқдори 33-44 мг/г ҳисобида ўзгариб туриши таҳлиллар натижасида аниқланди ва майсалаш, тулланиш, бошоқлаш ва гуллаш даврларидаги инвертаза фаоллиги 41, 40, 44 ва 39 мг/г $C_6H_{12}O_6$ ташкил этди. Келтирилган 1-расмга мувофиқ, ФПБ+БУ фонда олдинги фонларга нисбатан тупроқдаги инвертаза ферментининг фаоллик даражаси ошганлиги қайд этилган.

Хулоса. Полиз экинлари ва кузги буғдой алмашлаб экишда тупроқдаги инвертаза ферментининг фаоллиги ривожланиш даврларининг бошоқлаш фазасида юқори фаолликка эга бўлди. Бу эса, тупроқдаги целлюлозали ва органик моддаларнинг парчаланиш жараёни ҳамда микроорганизмларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ok-Ryul Song, Seung-Jin Lee, Yong Seok Lee, Sang Cheoll Lee, Keun-Ki Kim, Yong-Lark Choi. Solubilization of insoluble inorganic Phosphate by Burkholderia cepacia DA23 isolated from cultivated soil // Brazilian Journal Microbiology. Brazil, 2008. № 11. P. 151-154.
2. Klopffer J.W., Lifshitz R., Zublotowich R.M. Free-living bacterial inocula for enhancing crop productivity // Trends in Biotechnology. Germany, 1997. № 7. P. 39-44.
3. Середа Н.А., Халиулин К.З., Тропников В.К. Сезонная и многолетняя динамика фосфора в черноземье выщелоченном под влиянием доз и способов внесения удобрений // Агрохимия. Москва. 1988. № 5. С. 5-11.
4. Касицкий Ю.И., Игнатов В.Г., Хлыстовский А.Д. Последствие фосфора минеральных удобрений и эффективность прямого действия пониженных доз фосфора на дерново-подзолистой, тяжелосугленистой почве // Агрохимия. Москва. 1998. № 9. С. 71-74.
5. Кефели В.И., Сидоренко О.Д. Физиология растений с основами микробиологии. Москва: "Агропромиздат". 1991. 336 с.
6. Макаров М.И., Малышева Т.И., Недбаев Н.П. Фосфор органических соединений в гранулометрических фракциях некоторых типов почв // Агрохимия. Москва, 1999. № 7. С. 24-32.
7. Демин В.А., Мусса Ауду. Влияние длительного применения разных систем удобрения в севообороте на содержание общего, органического и минерального фосфора в дерново-подзолистой среднесугленистой почве // Агрохимия. Москва. 2001. № 11. С. 5-9.
8. Туев Н.А. Экологические проблемы интенсивного земледелия // Вестник с/х науки. Минск. 1988. № 6. стр. 91.
9. Христенко А.А. Проблема изучения фосфатного состояния почв // Агрохимия. Минск. 2001. № 6. С. 89-95.
10. Никитишен В.И., Личко В.И., Орехова Е.В. Эффективность последействия фосфорного удобрения в зависимости от остаточного количество фосфатов в почве и обеспеченности растений азотом и влагой // Агрохимия. Минск. 2001. № 11. С. 34-42.
11. Галстян А.Ш. Ферментативная активность почв Армении. Ереван: "Айастан". 1974. С. 253.

Инобат Янгибаева, Анвар Таджиев (УрДУ)
ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КУЗГИ БУҒДОЙ АЛМАШЛАБ ЭКИШДА ТУПРОҚНИНГ
АСПАРАГИНАЗА ФЕРМЕНТИ ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Аннотация. Полиз экинлари ва кузги буғдой алмашлаб экишда тупроқдаги аспарагиназа ферменти фаоллиги кузги буғдойнинг вегетация даврида кузатилганда аспарагин моддасининг аммиак ва аспарагин кислотасигача парчаланиши жараёни тезлашиши кузатилди.

Аннотация. В процессе разложения почвенного аспарагина на аммиак и аспарагиновую кислоту в севообороте бахчевых культур и озимой пшеницы наблюдалась активизация фермента аспарагиназы на фазе роста и развития озимой пшеницы. При изучении активности почвенного фермента аспарагиназы в период вегетации озимой пшеницы в ее севообороте с бахчевыми культурами наблюдалось ускорение процесса разложения аспарагина на аммиак и аспарагиновую кислоту.

Abstract. While observing the activity of the asparagine enzyme in soil, during the winter wheat vegetation period, in the crop rotation of melons and winter wheat, it was found out that, the process of decomposition of asparagine into ammonia, and aspartic acid accelerates.

Калим сўзлар: аспарагиназа ферменти, аспарагин кислотаси, микроорганизмлар, аммиак, полиз экинлари, кузги буғдой.

Ключевые слова: фермент аспарагиназы, аспарагиновая кислота, микроорганизмы, аммиак, бахчевые культуры, озимая пшеница.

Key words: asparagine enzyme, aspartic acid, microorganisms, ammonia, melons, winter wheat.

Кириш. Аҳоли сонининг ортиб бориши озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот ҳамда полиз экинларига бўлган талабнинг ортиб бориши, экин майдонларидан самарали ва интенсив, янги агротехнологиялар асосида фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйилиши, ўтмишдош экинларни тўғри танланиши ҳамда тупроқнинг унумдорлигини йил сайин ошириб бориш аҳамият касб этади. Буғдой илдизининг нитрогеназа фаоллигини ўрганишда энг кўп азотфиксация қилиш хусусияти ўсиш-ривожланишнинг 14 суткасига тўғри келиб, унинг максимал даражаси эса, *Mixococcus sp*+*Aphorobacter sp* азотфиксация культуралари билан уруғларни биргаликда инокуляция қилишда кузатилган [1].

Тажрибада микроорганизмларнинг маданий ўсимликларга таъсири ўрганилиб, унда *Agrobacterium radiobacter* 204 ва кузги буғдойнинг “Обрий” нави тажрибада синалган. Ўсимлик уруғини экишдан аввал азотфиксациялаш, фосфорпарчалаш ва тупроқнинг фитопатоген замбуруғларига қарши курашувчи *Agrobacterium radiobacter* 204 микроорганизми штамми билан инокуляция қилинганда, етиштирилаётган ўсимлик ризосферасида микромицетлар ва олиготроф бактерияларнинг камайишига олиб келган ва аспарагин моддасининг парчаланиши тезлашган [2]. Ассоциатив diaзотроф *Agrobacterium radiobacter* 204, *Bacillus polytuxa* 604 ва 8301 штамлари кузги буғдойнинг илдиздан озиқланадиган қисмига киритилганда, азот ўзлаштирувчи бактерияларнинг миқдори ошиб, микромицетлар сони камайиши кузатилган. *B.polytuxa* 6М штамми тупроққа киритилганда эса, фитопатоген антогонист микроорганизмлар замбуруғларнинг миқдори ошганлиги, бошқа физиологик гуруҳ микроорганизмларини эса, сезиларли даражада ўзгариши кузатилмаган [3].

Кузги буғдой ўсиш-ривожланишининг найчалаш даврида микроорганизмлар биомассаси ва ферментлар фаоллиги юқори даражада ўзгариб, кимёвий ўғитлар қўлланилган вариантларга нисбатан органик ўғитлар ишлатилган вариантларнинг ҳаммасида микроорганизмлар биомассаси турли даражада ошиб, каталаза, ишқорий


фосфатаза ва аспарагиназа ферментларининг фаоллиги кучайганлиги қайд этилиб, уреаза ферментининг фаоллиги бу умумий қонуниятга мос келмаслиги аниқланган [4]. Тажрибада “Агрика”, “Агрофил”, “Мизорин”, “Ризоагрин” каби бактериал ўғитлар самарадорлигининг “Прохоровка” баҳорги буғдой навига таъсири ўрганилган ва экишдан аввал бактериал препаратлар билан уруғлар инокуляцияланган. Қурғоқчилик келган 2002 йилда назорат вариантдан 18,6 ц/га ҳосил олинган бўлса, бактериал ўғитлардан “Агрика”, “Ризоагрин” ва “Мизорин” қўлланганда, 20,3, 19,7 ва 19,9 ц/га ҳосил олинган. Биопрепаратлар ишлатилганда, доннинг шишасимонлиги 88,5 % дан то 79,2-82,5 % га пасайганлиги қайд этилган. Аммо, дон натураси 786-787 г/л бўлиб, назорат вариантида эса, 762 г/л.ни ташкил этган. Дон таркибидаги оғир металлларнинг миқдори ПДК(Чекланган рухсатдаги назорат)га нисбатан кам бўлиб, айрим вариантларда Cu, Cd, Pb ва Zn каби элементларнинг миқдори ошиб-камайиб туриши акс эттирилган [5]. Азотли ўғит билан бирга “Никфан” препарати ва азотфиксатор ассоциациясининг баҳорги буғдойга самараси ўрганилган. Экишдан олдин уруғларни “Никфан” ва “Экофит” препаратлари билан инокуляция қилинганида, ўсимликнинг ўсиш-ривожланишига ва ҳосил элементларига самарали таъсири кузатилган. Найчалаш фазасида ўсимликка препаратлар билан қўшимча ишлов берилганида, маҳсулдорлик яна ҳам ортиши кузатилган. “Никфан” ва “Экофит” препаратлари уруғларнинг дала унувчанлигини ошириб, ўсимликнинг барг кенглиги сатҳини, маҳсулдор поялар миқдорини, бошоқнинг маҳсулдорлигини ва 1000 та дон вазнини оширган ва юқори ҳосил олишни таъминлаган. Шу билан бирга доннинг сифат кўрсаткичларидан, шишасимонлигини, оксил ва клейковина миқдорларининг ошишига олиб келган [6].

Тадқиқот усуллари ва услублари. Аспарагиназа ферментининг фаоллигини аниқлашда 1 грамм тупроқ намунасини шунга мос келадиган 20 мл субстрат билан аралаштирилди. Субстратлар рН 5,5 гача буферлаштирилди. Микроорганизмларнинг фаолиятини тўхтатиш учун толуол ишлатилди. Тайёрланган суспензияни 24 соат мобайнида, 30 °С ҳароратда термостатда инкубацияланди. Инкубация вақти тугагач эса, суспензия филтрдан ўтказилди. Филтратда, ферментлар таъсири остида кечадиган кимёвий реакция натижасида содир бўлаётган маҳсулот фотоэлектроколориметр ФЭК-56М ёрдамида аниқланди. Бунда тупроқдаги аспарагин аммиак ва аспарагин кислотасига парчаланиши аниқланди [7, 8].

Тадқиқот натижаси ва уларнинг муҳокамаси. Аспарагиназа тупроқдаги аспарагиннинг гидролизланишини тезлаштирувчи фермент ҳисобланади ва уни аспарагин кислотаси ҳамда аммиаккача парчаланишида иштирок этади. Аспарагиназа ўсимлик ва тупроқда азотли алмашилиш жараёнида катта вазифани бажариб, моддалар алмашинувининг оралиқ маҳсулоти бўлмиш аспарагиннинг парчаланиши жараёнини тезлаштиради.

Полиз экинларидан бўшаган майдонларда кузги буғдой экилмасдан олдин олинган дастлабки тупроқда аспарагиназа ферментининг фаоллиги 0,032 мг/г NH₃ ташкил этди. N₁₈₀P₉₀K₆₀ фонида кузги буғдой ўсимлигининг ўсиш-ривожланиш даврларида тупроқнинг аспарагиназа ферменти фаоллиги 0,034-0,053 мг/г NH₃ атрофида ўзгариб туриши кузатилди ва пишиш даврида тупроқнинг аспарагиназа ферменти фаоллиги энг юқори кўрсаткичга етиб, 0,053 мг/г NH₃ ташкил этди. N₉₀P₄₅K₃₀ 50 % + ФПБ фонида эса, тупроқдаги аспарагиназа ферменти фаоллиги кузги буғдойнинг вегетация даври мобайнида 0,044-0,068 мг/г NH₃ атрофида ўзгариб туриши аниқланиб, майсалаш, бошоқлаш, гуллаш ва пишиш даврларида олдинги фонга нисбатан тупроқдаги аспарагиназа ферментининг устунлиги қайд этилди.

1-расмда берилганидек, ФПБ+БУ фонида олдинги N₁₈₀P₉₀K₆₀ ва N₉₀P₄₅K₃₀ 50 % + ФПБ фонларга нисбатан тупроқнинг аспарагиназа ферменти фаоллиги устунлиги билан ажралиб турди ва вегетация даврларида 0,048-0,081 мг/г NH₃ атрофида ўзгариб туриши олиб борилган тажриба таҳлиллари асосида аниқланди. Тупланиш даврида энг максимал фаолликни намоён қилиб 0,081 мг/г NH₃ ташкил этди.



1-расм. Кузги буғдойда аспарагиназа ферменти фаоллик кўрсаткичининг ўзгариш динамикаси.

Демак, олиб борилган тажриба таҳлиллари асосида шундай хулосага келиш мумкинки, минерал ўғитлар фонида нисбатан $N_{90}P_{45}K_{30}$ 50 % қўлланилиб, уруғларни ФПБ ассоциациясида инокуляциялаш – бу ферментнинг тупроқдаги фаоллигини оширади. Лекин, уруғларни фосфорпарчаловчи фаол бактериялар штамлари билан инокуляция қилиб, 2 т/га биоўғит қўллansa, тупроқдаги моддалар алмашинуви жараёни натижасида ҳосил бўладиган аспарагиннинг парчаланиши тезлашиши аниқланди.

Хулоса. Олинган натижалар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, полиз экинларини кузги буғдой билан алмашлаб экиш натижасида тупроқдаги аспарагиназа ферментининг фаоллиги ортади ва бунинг натижасида тупроқнинг умумий ферментатив фаоллик кўрсаткичи ҳам сезиларли даражада юқорилайди. Тупроқдаги мавжуд микроорганизмлар ва органик моддаларнинг парчаланиши натижасида тупроқда ҳосил бўладиган аспарагин моддаси аммиак ва аспарагин кислотасигача парчаланиши тезлашади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Биабанц А.Х., Ковальская Н.Ю., Умаров М.М. Новый биотехнологический подход к увеличению азотфиксирующей активности на корнях растений пшеницы в модельном опыте // Сб. науч. труд. МБЦ МГУ. Москва. 2003. С. 64-68.
2. Шерстобоева О.В. Влияние нитродукции агрономически полезных штаммов микроорганизмов на микробное сообщество ризосферы растений // Микробиол. Ж. Москва. 2003. № 6(65). С. 43-48.
3. Шерстобоева О.В. Реакция микробного группования корневой зоны озимой пшеницы на интродукцию диазотрофов // Агрэкология. Ж. Москва. 2003. № 3. С. 42-46.
4. Wei Zi- min, Zhao Yue, Gu Si-yu, Zhou Lian-gen. Влияние внесение органического вещества в ветровыдуваемую почву на биомассу микроорганизмов и активность ферментов // J. Northeast Agr. Univ. Canada. 2003. № 1(10). С. 81-87.
5. Мачиева В.Б., Семина С.А. Влияние бактериальных удобрений на урожайность и качество яровой мягкой пшеницы // Биосфера и человек: проблемы взаимодействия. Сб. мат. 7-Межд. конф. Пенза. 2003. С. 103-104.
6. Климентьев А.Н. Формирование урожая и качества зерна яровой пшеницы в зависимости от сочетания гормонального препарата “Никфан” с азотными удобрениями и ассоциативными азотфиксаторами на юго-востоке Волго-Вятского региона: Автореф. дис. на соиск. уч. степ. канд. с/х наук. Рос. аграр. заоч. унив-т. 2001. стр. 20.
7. Звягинцев Д.Г., Асеева И.В., Бабьева И.П., Мирчинк Т.Г. Методы почвенной микробиологии и биохимии. Москва. Издательства Моск. ун-та. 1980. 223 с.
8. Галстян А.Ш. Ферментативная активность почв Армении. Ереван: «Айастан». 1974. 253 с.

ИҚТИСОД ФАНЛАРИ

Джуманиязов У.И. (Тошкент давлат иқтисодиёт университети) ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

***Аннотация.** Мазкур мақолада давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) асосида корпоратив бошқарувни шакллантириш ва ривожлантиришининг илгор хорижий тажрибалари қараб чиқилади. Бундан ташқари, чет мамлакатларда ДХШнинг амал қилиш шарт-шароитлари ва шакллари, илгор тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш бўйича илмий тавсия ҳамда таклифлар ҳам келтирилган.*

***Аннотация.** В данной статье рассматривается передовой зарубежный опыт по формированию и развитию корпоративного управления на основе государственно-частного партнёрства (ГЧП). Кроме того, приводятся условия и формы функционирования ГЧП в зарубежных странах, научные рекомендации и предложения по использованию их передового опыта в Узбекистане.*

***Abstract.** The article deals with the advanced foreign experience in the formation and development of corporate management on the basis of public-private partnership (PPP). Besides, conditions and forms of functioning, advanced experience of PPP in foreign countries, scientific recommendations and suggestions on their implementation in Uzbekistan are cited.*

***Калим сўзлар:** давлат сектори, хусусий сектор, давлат-хусусий шерикчилиги, корпоратив бошқарув, хорижий тажриба, ДХШ маркази.*

***Ключевые слова:** Государственный сектор, частный сектор, государственно-частное партнерство, корпоративное управление, зарубежный опыт, центр ГЧП.*

***Key words:** Public sector, private sector, public-private partnership, corporate management, foreign experience, PPP center.*

Кириш. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашаётган, рақобат кескинлашаётган ҳозирги шароитда хусусий капитал учун давлат мулки соҳасини очиш йўналишида давлат идоралари ва бизнеснинг молиявий муносабатларини фаоллаштириш йўналиши кучайиб бормоқда. Бундай ҳамкорлик, яъни ДХШ каби ҳамкорлик муносабатлари давлат секторига кўшимча ресурсларни жалб этиш, бюджет тақчиллиги каби муаммолар кескинлигини камайтириш, давлат бошқаруви салоҳияти ва хўжалик юритишдаги хусусий тамойиллар, инвестициялар, менежмент, инновацияларни бирлаштириш имконини беради.

Маълумки, бутун дунёда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар капиталталаб ва кўпинча норентабел ҳисобланади, бюджетлар эса, уларни мустақил қўллаб-қувватлашни таъминлай олмаслиги сабабли давлатнинг молиявий мажбуриятлари тобора ортиб боради. Бундай вазиятда ДХШ орқали корпоратив ва хусусий бизнеснинг маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестор киритган маблағлар давлат бюджетига солиқ тушумлари ҳисобига, шунингдек, истеъмол хизматларидан ҳақ ундириш йўли билан маълум қисмларга бўлиб қайтарилади. Мазкур вазиятда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда давлат капитали ва хусусий капиталнинг ўзаро муносабатлари бўйича ривожланган чет давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ўзимизга хос ва мос хусусиятларни маҳаллий иқтисодий ўзига хосликларга мослаштирган ҳолда самарали тизимларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келади.

Шунингдек, Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4. бандининг охири хатбошисида устувор вазифалардан бири сифатида давлат-хусусий шериклигини кенгайтириш деб алоҳида келтириб ўтилган [1].

Айнан давлат-хусусий шерикчилиги бўйича қонун ишлаб чиқилиши жараёнида бўлиб, бевосита меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилаётган мазкур ҳамкорликни турли шаклларда ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, минтақаларда ДХШнинг турли-туман шакллари рағбатлантириш, мамлакат ва минтақаларни стратегик ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурларга мувофиқ ДХШнинг қўлланиш соҳасини кенгайтириш ва ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий хусусий инвесторларнинг таклифларини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг “ўсиш нуқтаси”ни қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларни амалга оширишга ўзга субъектларнинг фойдаланилмаётган ресурсларини жалб этиш орқали ДХШ фаолиятини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш ўз ечимини қутаётган долзарб илмий-амалий муаммолардан ҳисобланади.

Қўлланилган материаллар ва услублар. Илмий мақолани тайёрлашда мавзуга оид хорижий ва миллий илмий адабиётлардан, интернет сайтларидаги маълумотлардан фойдаланилди. Шунингдек, мақолада илмий мушоҳада, абстракт-манتيқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Илмий адабиётларда хорижий ва маҳаллий олимларнинг ДХШни ташкил этиш масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлари келтирилган. Хусусан, ДХШнинг илмий-назарий хусусиятлари МДХ олимларидан К.А.Антонова, А.А.Алпатов, О.С.Белокрылова, И.Е.Болехов, Б.Г.Варнавский, Е.А.Дынин, Л.И.Ефимова, В.А.Михеев сингари олимларнинг асарларида, Жаҳон банкининг маърузаларида кўриб чиқилган [2, 3, 4].

Иқтисодчи олим К.А.Антонова ДХШни – “давлат ва бизнес ўртасида давлат бошқаруви идоралари ва хусусий тузилмалар орасида шартнома асосида амалга оширилувчи институционал ташкилий иттифоқ” деб атайди [2].

И.Е.Болехов эса, “ДХШ – давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат”, деб қайд этади [4].

Шунингдек, В.Г.Варнавский, А.В.Клименко ва В.А.Королевлар “ДХШ – давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустақамланган шаклини намоён этади” деб таъкидлашади [3].

Е.А.Дынин эса, “ДХШ – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир” деб уқтириб ўтади [4].

Давлат ва хусусий шерикчилиги турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ, ингл. OECD – Organisation for Economic Cooperation and Development) ДХШни – ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарақ бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ [5].

М.Б.Жерард эса, ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради деб таъкидлайди [6].

Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса, “ДХШ – давлат томонидан анънавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир” деб таърифланади [7].

Таҳлил ва натижалар. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, жаҳонда юз берган молиявий-иқтисодий инқироз давлат-хусусий шерикчилиги(ДХШ)ни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш миллий иқтисодиётлар даражасида инфратузилмавий лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилишнинг энг самарали механизмларидан бири эканлигини тасдиқлади. Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, мазкур ДХШни тизимли ривожлантириш учун тегишли қонунчилик базаси бўлишини тақозо этади. Энг муҳими, ҳар қандай мамлакатда ДХШ муносабатларини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ҳамда миллий, минтақавий даражада ДХШ бўйича тегишли тадбирларни, ўрнатилган тартибда амалий ишларни амалга оширувчи махсус институт ташкил қилиниши зарур.

БМТнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича Комиссияси қайд қилишича, бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида ДХШнинг 51 та институтлари, шулардан 24 таси Европада, 2 таси Шимолий Америкада, 5 таси Жанубий Америкада, 7 таси Африкада ва 1 таси Осиёда фаолият юритади. Бундан ташқари, бугунги кунда дунёда бошқа вазифалари қаторида яна бир вазифаси ДХШни тартибга солиш бўлган 9 та халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕТТБ, Халқаро Молия корпорацияси ва ҳ.к.) фаолият кўрсатади [9].

Буюк Британия. Буюк Британияда ДХШ асосида хусусий капитални инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш ўтган асрнинг 80-йилларида бошланди. Мазкур тадбирлар М.Тэтчер томонидан давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш мақсадида ўтказилди. Амалий жиҳатдан “Хусусий молиявий ташаббус мақсадли дастури амалга оширила бошланди ва 1992 йилга келиб амалдаги (Private Finance Initiative – PFI)” ҳолат бироз ўзгариб самара бера бошлади [9].

Бугунги кунда PFI Буюк Британияда ДХШни ривожлантириш бўйича умумий ҳукумат дастурининг бир қисми бўлиб, ўз ичига хусусийлаштириш жараёнлари ва ҳукумат билан бўладиган барча ҳамкорликдаги фаолият турларини, кафолатлар тақдим этишгача бўлган ваколатларни қамраб олди. PFI ларнинг энг асосий фаркли ўзига хос хусусияти шундаки, Буюк Британияда ҳукумат активларни сотиб олиш нуқтаи назаридан ДХШ лойиҳаларини қараб чиқмасдан, балки амалга оширилиши кутилаётган лойиҳа аҳолининг турмуш даражасини ошишига қанчалик таъсир этади ва бунда хусусий томон бирон-бир активга узоқ муддатли хизмат ёки сервис кўрсатиш мажбуриятини олса, ҳукумат эса ўз навбатида муайян товар ёки хизматларга, маҳсулотларга доимий талабни таъминлаб туриш мажбуриятини олади. Лойиҳа бўйича мавжуд рискларнинг бир қисмини хусусий томон олади ва ДХШ лойиҳаси бўйича қарор қабул қилишда асосий мезон ўрнида баҳо ва сифат нисбати (Value for money – VFM) майдонга чиқади. Бунда VFMни баҳолаш деганда хизмат, товар ёки жараённинг самарадорлиги, натижадорлиги, иқтисодиёти билан боғлиқ мезонлар тушунилади. Масалан, харажатлар қийматини натижалар қиймати билан таққослаш, ресурсларни жалб қилиш, фойдаланиш ва бошқариш бўйича баҳолаш усулларини таққослаш ва ҳ.к.

Бугунги кунда Буюк Британияда ДХШ лойиҳалари турли тармоқ мансублиги йўналишига эга бўлиб, жумладан ижтимоий соҳада (мактаб, касалхона, суд, қамоқхона, ёнғин хавфсизлиги, полиция, чиқиндиларни қайта ишлаш ва уй-жой қурилиши), транспорт инфратузилмаси, информацион технологиялар, ҳарбий йўналишдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ҳордиқ чиқариш. Энг йирик лойиҳалар транспорт тармоғида амалга оширилади. Хусусан, булар Лондон метросини реконструкция қилиш, автомагистраллар тармоғини кенгайтириш ва йирик кўприкларни қуриш.

Буюк Британия ДХШ сиёсатининг самарадорлигини – амалга оширилган лойиҳаларнинг 2/3 қисми бўйича мустақил аудиторлик ҳисоботларида келтирилган лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда ўз вақтида, бюджетда кўрсатилган маблағлар

доирасида бажарилганлиги тўғрисидаги ахборотлар тасдиқлайди. Таққослаш учун эса, дунёда 1/3 қисм ДХШ лойиҳалари ўз вақтида белгиланган бюджет доирасида бажарилади. Бундан ташқари, Буюк Британияда ДХШ лойиҳалари давлат томонидан молиялаштиришга нисбатан исталган манбаларга қараганда молиявий ресурсларни барқарор равишда тежашни таъминлайди [8].

PFI дастурларини амалга оширишнинг ижобий натижалари айнан Буюк Британияда дунё тарихида биринчи бўлиб, 1999 йилда махсус ДХШни ривожлантириш маркази – Partnerships United Kingdom (PUK) ташкил этилди ва унинг акцияларининг 51 фоизи хусусий инвесторларга ва 49 фоизи давлат секторига, шу жумладан 44,6 фоизи Буюк Британия ғазначилигига ва 4,4 фоизи эса, Шотландия ҳукуматига тегишли эди. Ташкил қилинган вақтда ходимлар сони 20 киши бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 75 кишига етган [10].

PUKнинг асосий вазифалари давлатга харидларни амалга оширишда етказиб берувчиларни танлашга ҳамда ДХШ лойиҳаларини бошқаришда ташқи маслаҳатчиларни жалб қилишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, ташкилот низомида PUK фаолиятининг асосий мақсади – “VFM тамойиллари асосида давлат манфаатлари бўйича иш олиб боришдир”, дейилган.

Шу билан бирга, давлат ва хусусий бизнес манфаатларининг мумкин бўлган низоларини камайтириш мақсадида Буюк Британия ғазначилиги томонидан Маслаҳат Кенгаши таъсис қилинган бўлиб, унинг аъзолари фақат давлат хизматчилари бўлиши мумкин. Бу Кенгаш PUK томонидан қарорлар қабул қилиниши жараёнларига аралаша олмайди. Аммо давлат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ДХШ маркази фаолият кўрсатишининг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилишни амалга оширади [10].

PUK томонидан олинadиган даромадларнинг асосий қисми ДХШ шаклидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишда кўрсатиладиган хизматлар учун давлат буюртмачиларининг тўловидан шаклланади.

Бундан ташқари, PUK ДХШ лойиҳасини амалга оширишнинг дастлабки босқичларида ташкил қилинадиган махсус лойиҳа ташкилотларида (Special purpose vehicle, SPV) акционер томон бўлиб ҳам иштирок қилиши мумкин. Мисол сифатида PUKнинг “Мактаблар ҳамкорлиги” лойиҳа ташкилотида маориф вазирлиги билан биргаликда акциядор сифатида иштирокини айтиш мумкин. Ўз навбатида, бу ташкилот “Келажак мактабини курамуз” номли мақсадли инвестиция дастурини амалга оширишда масъул ҳисобланади.

2007 йилдан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг чуқурлашуви шароитида кўпгина ДХШ лойиҳалари хусусий бизнес томони ўз инвестиция режаларини амалга ошира бошлаганлиги сабабли охиригача молиялаштирилмасдан қолди. Бундай шароитларда хусусий бизнесни ДХШ лойиҳаларидаги иштирокини янада рағбатлантириш мақсадида 2009 йилда ғазначилик қошида инфратузилмавий молиялаштириш бўйича махсус тузилма (Infrastructure finance unit, TIFU) ташкил этилди. Мазкур тузилманинг бирламчи энг асосий вазифаси олдиндан ўрнатилган мезонлар асосида ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш, узоқ муддатли инфратузилма лойиҳалари бўйича ҳукуматга маслаҳатлар бериш ҳамда йирик лойиҳаларни тижорий экспертизадан ўтказишни таъминлаш эди.

Шундай қилиб, Буюк Британиянинг мамлакат иқтисодиётига ДХШни тизимли жорий қилиш бўйича тажрибаси ўзига хос намуна ва бошқа давлатлар учун андоза бўлди.

Ирландия. Ирландияда хусусий сектор билан давлатнинг ўзаро алоқалари диний ташкилотлар иштирокида касалхоналар ва мактаблар куриш ҳамда пуллик автотўлларни бошқаришдан бошланди. ДХШни тизимли ривожлантириш мамлакатда 1998 йилдаги инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришдаги улкан тақчилликдан сўнггина бошланди. Ирландия иш берувчилари ва ишчилари Иттифоқи, Курувчилар ва миллий ижтимоий-иқтисодий Кенгаш ҳаракатларининг қўшилиши натижасида 1999 йил декабрида 2000-2006 йилларда Миллий иқтисодиётни ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди ва ДХШ

миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг бир йўли сифатида қабул қилинди. Бунда ДХШ – давлат харидларидан фарқли ўлароқ, давлат ва хусусий сектор ўртасида рискларни конкрет тақсимланишини, хусусий сектор томонидан ижтимоий инфратузилмадан фойдаланган ҳолда ижтимоий аҳамиятга молик хизматларни кўрсатиш ҳуқуқини берувчи келишув деб тарифланади.

Дастлаб ДХШни амалиётга жорий қилиш бўйича қадамлар ўта эҳтиёткорлик билан ташланди ва 1999 йилда ҳукумат 8 та тажриба тариқасидаги мактаблар, ижтимоий транспорт, йўллар ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни эълон қилди. Шунга қарамадан, Миллий ривожланиш режаси жуда катта кўламдаги ДХШ бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз ичига олган эди ва бу ҳукумат ҳисоботларида тегишли исботини топди. Масалан, 2000-2006 йилларда амалга оширилган инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига сарфланган 17,6 млрд. ирланд фунтларининг қарийб 1,85-2,0 млрд. фунти ДХШ шаклидаги лойиҳаларга сарфланган.

ДХШнинг ўсишига қуйидаги 3 та омиллар хизмат қилган:

1. Қизикқан томонларнинг ДХШ асосидаги лойиҳаларига тезда киритиш имконияти яратилди. Амалга оширилиши кўзда тутилган ДХШ лойиҳалари бўйича ҳукумат барча ахборотларни қулай ва шаффоф бўлишини таъминлади.

2. Бюджетдан молиялаштириш жараёнининг яхшиланиб бориши ҳукуматга кўпроқ ДХШнинг макроиқтисодий, ижтимоий ва бошқа лойиҳалардаги ижобий самараларига эътибор қаратишига имкон берди.

3. Тажриба тариқасидаги лойиҳаларни амалга оширишдаги институционал қийинчиликларга қарамадан, дастлаб бошланган ҳар бир лойиҳани охирига етказиш бўйича қарор қабул қилинди ва бу охир оқибатда ДХШ ёндошувларини муваффақиятли жорий қилинишига олиб келди.

Бевосита ДХШ тўғрисидаги қонуннинг ўзи 2002 йил 22 мартда қабул қилинди ва бу эса, ДХШ дастурининг келгусида ривожланишига имкон берди. 2003 йилнинг ўрталарида ДХШ бўйича ҳар бирининг лойиҳа қиймати 6,4 млн. евро бўлган 36 та йирик лойиҳалар ҳамда шу билан бирга 100 дан ортиқ унча катта бўлмаган ДХШ лойиҳалари амалга оширилди. Лойиҳаларнинг кўпчилиги сув ресурслари билан ва энг йириклари эса йўл қурилишлари билан боғлиқ эди ва уларнинг кўпчилиги муниципал даражада амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳукумат муниципалитетларга унча катта бўлмаган ДХШларни амалга ошириш учун грантлар ажратиш тажрибасини синовдан ўтказди ва асосан лойиҳалар инфратузилмани ривожлантиришга (бизнес парклар, маданият, дам олиш, туризм, арзон турар жой ва ҳ.к.) йўналтирилди. Шундай бўлишига қарамадан, ДХШ лойиҳалари аста-секинлик билан ошиб борди. Чунки бу асосан шартномалар тузиш жараёнларининг узок муддат талаб қилиши билан боғлиқ эди. Шунингдек, миллий ривожланиш режасида умумий инфратузилма лойиҳаларига 10 фоиз ажратилиши кўзда тутилган бўлсада, ДХШ лойиҳалари 5 фоизни ташкил қилар эди [11].

ДХШни ривожланиш босқичларини янада рағбатлантириш мақсадида асосий мақсади ДХШ лойиҳаларига молиявий ресурсларни жалб қилиш ва вазирлик ҳамда идораларга ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишга маслаҳат кўмаги бериш бўлган Миллий молиявий ривожланиш агентлиги ташкил қилинди.

Франция. 2004 йил 17 июнда Франция президенти томонидан № 2004-559 сонли “ДХШ контрактлари тўғрисида”ги буйруқ имзоланди ва унда мамлакат ҳудудида ДХШни ташкил қилишнинг асосий ёндошувлари аниқланди. Хусусан, ДХШ шартномасига – “бу давлат манфаатлари номидан иш кўрувчи давлат ёки компания учинчи томонга инвестиция даври мобайнида молиялаштириш шарти билан лойиҳа бўйича қурилиш, қайта лойиҳалаш, таъмирлаш, асосий восита ва номоддий активларга жорий хизмат кўрсатиш ёки бошқариш бўйича комплекс ишларни бажаришни топширишни назарда тутувчи фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси”, деб таъриф берилди.

Мазкур буйруқнинг кучга кириши натижасида молия вазирлиги 2005 йил май ойида расмий равишда Франция ДХШ маркази - MAPPP (Mission d'Appui aux PPP) ни ташкил қилди. MAPPP нинг асосий мақсади бутун Франция худуди бўйлаб ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органларига кўмак бериш эди [12].

ДХШ маркази молия вазирлигининг таркибий тузилмаси сифатида ташкил қилиниб, унда 6 нафар киши ишлайди ва марказ томонидан қабул қилинадиган фаолият юритиш билан боғлиқ барча қарорлар вазирлик билан келишилади.

MAPPP нинг асосий вазифалари ДХШ лойиҳаларини баҳолаш ва давлат харидларини етказиш методологиясини ишлаб чиқиш, ДХШ лойиҳасини амалга оширишда ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий ҳужжатларнинг тўлиқлигини текшириш, лойиҳанинг техник ва иқтисодий асосномасини тўғрилиги ва ишончилигини текшириш, хусусий маслаҳатчиларни танлашга кўмаклашиш, молия вазирлиги тасдиқлашдан олдин лойиҳани комплекс баҳолаш саналади. Бундан ташқари, марказ тегишли вазирликлар ва идораларга ДХШ лойиҳаларини ривожлантириш жараёнида методик ёрдам кўрсатиш учун материалларни ишлаб чиқади. Шунингдек, марказ ДХШни фаолият соҳасини кенгайтиришга қаратилган информацион бюллетенлар чоп қилиш ва анжуманларда қатнашиш каби тадбирларни амалга оширади. Бироқ, бунда марказ ўзи мустақил тарзда тендерлар ўтказиш, ДХШ лойиҳаларини ёки давлат харидларини амалга ошириш ишларини ўтказиш ваколатига эга эмас.

MAPPPнинг жорий фаолиятини молиялаштириш фақат давлат бюджетининг тегишли моддалари ҳисобига амалга оширилади ва мос равишда MAPPP ДХШ лойиҳаларининг ташаббускорлари бўлган бошқа вазирликлар ҳамда идоралардан мукофотлар олиш ҳуқуқига эга эмас.

ДХШнинг кейинги ривожланишига ва юқорида тилга олинган буйруқ қоидаларини тўлдирилишига 2008 йил 28 июлда № 2008-735 сонли “ДХШ шартномалари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши туртки берди. Хусусан, қонунга тузиладиган ДХШ шартномаларининг самарадорлик мезонлари киритилди. Кейинги йилларда Францияда ДХШ лойиҳалари асосан қурилиш, йўлларга хизмат кўрсатиш, сув таъминоти соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

АҚШ. АҚШда ДХШ лойиҳаларини амалга оширилишини тартибга солувчи ягона Федерал қонун йўқ. Шу билан бирга шталарнинг ҳар бирида у ёки бу ДХШ соҳасини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Мамлакатда ДХШни ривожланишига жавоб берувчи асосий институт бу – 2005 йилда ташкил қилинган ДХШ бўйича кенгаш (The National Council for Public-Private Partnerships, NCPPP) ҳисобланади. Кенгаш Колумбия штати ҳукумати таркибидаги нотижорат ташкилоти бўлиб, асосий миссияси ҳукуматнинг барча даражаларида ДХШ ёндошувларини тарғиб қилиш ва юритиш, давлат ва хусусий секторнинг ишбилармонлик ҳамкорлигини яхшилаш бўйича мамлакатнинг тегишли соҳаларида аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматларнинг сифатини оширишга кўмаклашиш саналади [13].

NCPPP куйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- ДХШ лойиҳаларининг оммалашувини кучайтириш бўйича ахборотларни тарқатиш;
- ДХШ лойиҳаларини амалий рўёбга чиқаришда давлат ва хусусий сектор ўртасида ахборот алмашинувига кўмаклашиш;
- ДХШ бўйича ўқитиш, семинарлар ва тренинглари ўтказиш;
- халқаро ДХШларни амалга оширишда методик ва ҳуқуқий ёрдам ҳамда қўллаб-қувватланишини таъминлайди.

Кенгашда иштирок қилиш, аъзоликнинг иккита тури кўзда тутилган:

1. Ҳомий сифатида қатнашиш. Аъзолик бадалларини тўлашга тайёр бўлган бизнес, нотижорат жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари бўлиши мумкин. Ҳомий аъзолар директорлар кенгашининг аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Асосий иштирокчи. Бундай аъзо сифатида исталган тармоқ ёки соҳанинг ташкилотлари қатнашиши мумкин. Бундай аъзолар кенгаш номидан қарорлар қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Бундай қатнашиш ДХШни ривожлантириш бўйича директорлар кенгашига ўз шахсий ташаббусларини киритишга имкон беради.

Бундан ташқари, АҚШда мамлакатда ДХШни ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор ташкилотлар мавжуд: транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида – Автомобил йўллари Федерал агентлиги (Federal Highway Administration, FHWA), халқаро лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш соҳасида – Глобал ташаббусларни қўллаб қувватлаш агентлиги (Department of State: Global Partnership Initiative) ва минг йиллик корпорацияси (The Millenium Challenge Corporation, MCC), ҳамда бир қатор минтақавий ДХШ марказлари (масалан, California: Performance Based Infrastructure; Maryland: Transport Authority; Texas: Transportation Authority).

Канада. Канада қонунчилиги ДХШни давлат ва хусусий секторнинг ҳар бирининг тажрибасига асосланган ўзаро кооперациянинг шакли сифатида тарифлайди. Канадада Федерал даражада фаолияти бевосита ДХШни ривожлантиришга йўналтирилган иккита ташкилот мавжуд. Жумладан:

Биринчиси – 2009 йилда ташкил қилинган ДХШ Федерал лойиҳаларини ривожлантириш Маркази (PPP Canada) бўлиб, у федерал миқёсидаги ДХШнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи Канада ДХШ инвестиция жамғармасини (PPP Canada Fund) бошқаради [14]. Бундан ташқари, PPP Canada ҳукуматга инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда маслаҳат беради, инфратузилмани ривожлантириш бўйича федерал инвестиция дастурларини жорий қилишга фаол ёрдамлашади.

Иккинчи ташкилот – 1993 йилда ташкил қилинган Канада ДХШни ривожлантириш қўмитаси (Canadian Council for Public-Private Partnerships, C3PPP) бўлиб, доимий равишда ҳар йили анжуманлар ва семинарлар ташкил қилиш, тизимли илмий тадқиқотлар ўтказиш йўли билан жамоатчилик эътиборини ДХШ муаммосига қаратишга йўналтирилган [15].

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, Канадада лойиҳа қиймати 50 млн. канада долларидадан ортиқ бўлган барча лойиҳалар фақат давлат харидлари тамойиллари асосида амалга оширилиши керак. Ундан кам бўлган лойиҳалар эса, ДХШ асосида амалга оширилади.

Ўтказган таҳлилларимиз ривожланган мамлакатларда ДХШни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатишини бажарадиган вазифаларига қараб 3 та асосий гуруҳга мансуб ДХШларни ажратиш имконини берди:

1. Вазифаси фақат давлат ижроия органлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни баҳолаш ва ДХШни амалга ошириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш билангина чекланувчи марказлар.

2. ДХШни ривожлантириш бўйича максимал вазифаларни бажарувчи, жумладан, ижро ҳокимияти органларига ҳам маслаҳатлар берувчи, ДХШ ривожланиши учун ишбилармонлик ва сиёсий муҳитни ривожлантиришга кўмаклашиш, ижобий амалиёт ва тажрибаларни тарқатиш бўйича марказлар.

3. Фақат илғор амалиётларни тарқатиш билангина шуғулланувчи марказлар.

Шунингдек, халқаро тажрибаларни ўрганиш бўйича таҳлилларимиз кўрсатишича, учинчи гуруҳга мансуб марказлар вақт ўтиши билан ўз фаолиятини кенгайтириб биринчи ёки иккинчи гуруҳга ўтишади.

Бундан ташқари, тадқиқотларимизга кўра, ривожланган мамлакатларда молия вазирлиги билан муносабатларнинг сифат даражаси бўйича ҳам ДХШ марказларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Молия вазирлигининг таркибий бўлими сифатида фаолият юритувчи марказлар. Бундай марказларнинг афзал томони шундаки, давлат билан ўзаро сифатли ҳамкорлик алоқалари амалга ошади ва қарорлар қабул қилиниши жараёнларида турли низолар келиб чиқиш ҳоллари камаяди. Шу билан бирга бундай марказларнинг камчилиги сифатида

мустақил қарор қабул қилиш ваколатининг йўқлиги, лойиҳаларни муҳокама қилиш умумий муддатининг чўзилиши, давлат органининг таркибий қисми бўлганлиги учун бироз бўлсада бюрократияниг намоён бўлишини айтишимиз мумкин.

2. Мустақил институционал бирлик бўлган ДХШ марказлари. Бундай марказлар хусусий томонда кўпроқ ишонч уйғотади, ишловчилар меҳнатини рағбатлантиришга чекловлар қўймайди ва юқори малакали ходимларни жалб қилишга имкон беради. Бирок, бунда лойиҳаларни давлат органлари ва тузилмалари билан келишиш жараёнлари суръатлари пасайиши мумкин.

Таҳлилларимизга кўра, ДХШ марказларини яна фойдаланиладиган молиялаштириш манбалари бўйича бюджетдан молиялаштирилувчи, ўз-ўзини қоплаш, яхши хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи ва кўрсатган хизматларига мукофотлар олувчи ва ҳар иккала молиялаштириш манбаларидан фойдаланувчи марказлар каби 3 та гуруҳга ажратилади.

Шу билан бирга ривожланган мамлакатларда барча ДХШ марказларига хос бўлган қуйидаги қирраларни келтиришни лозим деб топдик:

1. Улар у ёки бу ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ваколатлар одамда молия вазирлиги ёки бошқа мутасадди органлар ихтиёрида қолади. Барча ДХШ марказлари у ёки бу турдаги бизнесни режалаштириш билан шуғулланишади.

2. Лойиҳа ташаббускорларига ДХШ томонидан иқтисодий, ҳуқуқий ва техник маслаҳатчилар ёрдами кўрсатилади.

3. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнларида қатнашишади, шартномлар тузиш таклифи билан чиқишади, давлат ижроия органларига ДХШ бўйича шартномалар тузишда кўмаклашишади.

Хулоса. Умумий қилиб айтганда, АҚШдан ташқари, барча давлатларда ДХШни амалга оширишнинг барча қоидалари, шароитлари қонуний-меъерий жиҳатдан қонунчиликда мустаҳкамланиб қўйилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқоридаги барча давлатларда ДХШ лойиҳалари сонининг ортиши ва жараённинг мураккаблашиб бориши билан бирга махсус ДХШ марказлари, лойиҳалар мониторинги бўйича тузилмалар ташкил қилина бошланди. Таъкидлаш жоизки, ДХШнинг миқдоран ва сифат жиҳатдан юксалиши айнан қонунчилик билан мустаҳкамланган махсус институтлар пайдо бўлгандан кейингина жадаллашди.

Демак, хулоса сифатида Ўзбекистонда ҳам ДХШни тартибга солувчи миллий ва минтақавий даражадаги махсус қонунни ишлаб чиқиб, қабул қилиш ва яқин 3-5 йил ичида ДХШни самарали ривожлантириш учун алоҳида ваколатларга эга мустақил махсус марказ ҳамда тузилмаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони \\\ lex.uz.
2. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации /учебное пособие/. Москва: “Дело”. 2010. стр.120.
3. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика /учебное пособие/. Москва: ГУ-ВШЭ. 2010.
4. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве // Общество и экономика. 2007. № 5-6. стр. 111.
5. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.
6. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? // Finance & Development. 2001. Vol. 38.
7. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004.

8. БМТнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича комиссиясининг расмий сайти.
URL:<<http://www.unescap.org/ttdw/ppp/PPPUUnits.html>>
9. Буюк Британия ғазначилигининг расмий сайти. URL:<<http://www.hmtreasury.gov.uk>>
10. Буюк Британия ДХШни ривожлантириш марказининг расмий сайти.
URL:<<http://www.partnershipsuk.org.uk>>
11. Ирландияда ДХШни ривожлантириш миллий молия агентлигининг расмий сайти.
<URL:<http://ppp.gov.ie>>
12. Францияда ДХШга кўмаклашиш марказининг расмий сайти.
<URL:<http://www.cefoppp.org>>
13. ДХШ бўйича АҚШ Миллий кенгашининг расмий сайти. <URL:<http://www.ncppp.org>>
14. ДХШни ривожлантириш бўйича Португалия марказининг расмий сайти.
<URL:<http://www.parpblica.pt>>
15. ДХШни ривожлантириш бўйича Канада кўмитасининг расмий сайти.
<URL:<http://www.pppcouncil.ca>>

Дилшодбек САИДОВ (Урганч давлат университети)
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

***Аннотация.** Мазкур мақолада Хоразм вилоятида аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш ҳамда вилоятда мавжуд автобус йўналишлари, уларда мавжуд автобуслар сони таҳлилий ўрганилган. Шунингдек, такси уюшмалари, улар таркибидаги таксилар сонини вилоят ҳудудлари бўйича тақсимланиши таҳлил қилиб ўтилган. Олиб борилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда соҳани янада ривожлантиришига хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.*

***Аннотация.** В этой статье анализируются транспортные услуги по перевозке пассажиров в Хорезмской области и количество автобусных маршрутов и количество автобусов на этих маршрутах. Кроме того, проанализировано распределение ассоциаций такси и количество такси, объединенных в эти ассоциации между районами Хорезмской области. Приведенные предложения и рекомендации, основанные на результатах анализа, будут способствовать дальнейшему развитию сферы автотранспорта.*

***Abstract.** In the paper, analytical studies were conducted on transport services in transportation of passengers in Khorezm region and the number of bus routes, as well as the number of buses on these routes. Moreover, taxi associations and distribution of number of taxis united in these associations among the districts of Khorezm region is analyzed. As well as, proposals and recommendation based on the results of analysis, on the further development of the sector are included.*

***Калит сўзлар:** Автомобиль саноати, жамоат транспорти, автобус, автобус йўналишлари, микроавтобус, такси, такси уюшмалари.*

***Ключевые слова:** Автомобильная промышленность, общественный транспорт, автобус, автобусные маршруты, микроавтобус, такси, ассоциации такси.*

***Key words:** Car industry, public transport, autobus, bus routes, micro autobus, taxi, taxi associations.*

Кириш. Мамлакатда аҳоли фаровонлигини ошириш, уларнинг транспорт хизматларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш, транспорт хизматлари таннархини пасайтириш, ҳамда сифатини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқишда транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони асосида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” номли тўртинчи устувор йўналишининг учинчи бўлимини “Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш” деб номланганлиги соҳага қаратилаётган эътиборни юқориликни асослайди [1].

Аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 2017 йилда республика ҳудудлари бўйича 86 та янги автобус йўналишини ташкил этиш ва йўлга қўйиш, йўловчи ташиш корхоналари томонидан 537 та янги автобус сотиб олиш ва қатновга қўйиш, шунингдек транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ҳудудларда 13 та автостанциялар қуриш ва реконструкция қилиш Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида кўрсатиб ўтилган [1].

Бундан кўринадики, жойларда транспорт хизматларини кўрсатиш аҳоли, у ердаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш ва олинган натижалар асосида илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш соҳани янада барқарор ривожлантиришга хизмат қилади.

Кўлланилган материаллар ва услублар. Илмий мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси томонидан чоп қилинган статистик тўпламлар, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ҳисоботлари ҳамда интернет сайтларида келтирилган статистик маълумотлардан фойдаланилди. Шунингдек, ўтказилган ижтимоий кузатиш натижасида шакллантирилган статистик маълумотлар базасидан фойдаланилди. Таҳлилни амалга оширишда тренд, қиёсий таҳлил ҳамда нисбий кўрсаткичлардан кенг фойдаланилди. Шунингдек, олдинги олиб борилган ишлар ва кузатишлар натижасида йиғилган билим, кўникмаларга асосланган ҳолда эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Асосий қисм. Мамлакатимизда йўловчи ташишда автомобил транспорти ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, жами ташилган йўловчиларнинг 98,9 фоизи мазкур соҳа улушига тўғри келмоқда [2]. Буни инобатга олган ҳолда ҳудудлардаги вазиятни таҳлилий ўрганиш мақсадида Хоразм вилоятида йўловчи ташишда автомобиль транспортининг аҳамиятини баҳолаб ўтмоқчимиз.

Вилоятда 2016 йил 1 январь ҳолатида 66 та автобус йўналишлари мавжуд бўлиб, мазкур йўналишлар бўйлаб жами 313 та автобус хизмат кўрсатмоқда. Жами йўналишлар сонининг учдан бир қисми Урганч шаҳрига тўғри келади ва уларда жами 120 та автобус хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, шаҳар ташқарисига 23 та йўналиш бўйича микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилган бўлиб, уларда жами 182 та микроавтобус аҳолига хизмат кўрсатмоқда [3].

Кейинги йилларда вилоятда такси уюшмалари сонининг ошиши йўловчи ташишда такси хизматининг аҳамиятини янада оширмоқда. Бу мазкур хизмат сифатини яхшиланиши ҳамда нархини камайишида намоён бўлмоқда. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 2012 йилда вилоятдаги жами такси уюшмаларининг сони 24 тани ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб 82 тани ташкил қилганига мос равишда улар таркибидаги автомобиллар сони 390 ва 1096 тани ташкил қилган [3].

Натижада вилоятда автомобиль транспортда йўловчи ташиш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. 2016 йилда ташилган йўловчилар сони 442.777 миллион кишини ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилган [3].

Илмий адабиётлар обзори. Мамлакатимизда автомобиль саноати ва автотранспорт хизматлари, аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича илмий изланишлар янги йўналишлардан бири ҳисобланиб, мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бориш истикболли йўналишлардан бири саналади. Олиб борилган илмий изланишлар

натижасида соҳага тааллуқли илмий адабиётларнинг етишмаслиги муаммоси аниқланди. Биз мазкур мақолани ёзишда соҳада илмий иш олиб бораётган олимлар томонидан амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларидан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Транспорт тизимининг ривожланиш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолашда иқтисодий таҳлил усуллари ҳамда эконометрик моделлардан фойдаланиш масалалари Т. Қодиров илмий изланишларида келтириб ўтилади [4]. Б.Б.Холов илмий ишлари Ўзбекистонда ички туризмни такомиллаштиришда транспорт хизматларининг аҳамиятини муҳимлигини асослаш ҳамда ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. [5]

Натижалар. Вилоятда автомобиль транспортида йўловчи ташиш йилдан йилга ривожланиб бораётганлигига қарамадан, натижалар соҳада айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, вилоятда автобус йўналишларини ташкил қилишда ҳудудий нотекисликни учратиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Хоразм вилоятида 2016 йил 1 январь ҳолатига автобус ҳамда микроавтобуслар йўналишлари сони ва уларда банд автобус ҳамда микроавтобуслар сони (“Ўзавтодарётранс” агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси)

Худудлар	автобус йўналишлари сони	йўналишларда банд автобуслар сони	микроавтобуслар йўналишлари сони	йўналишларда банд микроавтобуслар сони
Урганч ш	22	120	0	0
Урганч т	5	16	9	42
Хазорасп	5	38	2	40
Боғот	3	8	1	4
Хонқа	2	25	3	30
Янгиерик	3	12	1	7
Хива	5	28	2	15
Кўшкўпир	6	18	1	5
Янгибозор	3	6	1	8
Шовот	6	20	2	16
Гурлан	6	22	1	15
Вилоят бўйича	66	313	23	182

Вилоятда Урганч шаҳридан ташқари 10 та ҳудуд мавжуд бўлиб, жами автобус йўналишларининг учдан икки қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари Кўшкўпир, Шовот, Гурлан туманларига 6 та йўналиш бўйича автобус қатнови йўлга қўйилган бўлса, Хонқа туманига фақат 2 та йўналиш бўйича қўйилган. Худди шу жараёни микроавтобуслар йўналишлари бўйича ҳам кузатишимиз мумкин.

Шунингдек, йўналишлар бўйича қўйилган автобуслар сонидан ҳам дисбаланс мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Яъни, Янгибозор ва Боғот туманларида 3 та йўналиш бўйича мос равишда 6 ва 8 та автобус қўйилган бўлса, Хонқа туманида 2 та йўналишга 25 та автобус қўйилган. Бу ўз навбатида автобуслар қатнови орасидаги вақтни узун ва қисқалигига таъсир кўрсатади. Шунингдек, кейинги йилларда вилоятда аҳолига транспорт хизматлари кўрсатишда такси хизматларини аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Вилоят бўйича жами 2016 йил 1 январь ҳолатига 82 та такси уюшмаси мавжуд бўлиб, улар таркибида 1096 та такси бўлган. Бироқ юқоридаги каби мазкур транспорт турида ҳам ҳудудий жиҳатдан тақсимланишда муаммолар мавжуд.

Статистик маълумотлардан кўришимиз мумкинки, вилоятдаги жами 82 та такси уюшмасининг 50 таси Урганч шаҳрига тўғри келмоқда, шу билан бирга ҳар бир такси уюшмасига тўғри келувчи автомобиллар сони ҳам Урганч шаҳрида бошқа ҳудудларга нисбатан юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Урганч туманида ҳам 11 такси уюшмаси мавжуд бўлиб, унда жами 129 та автомобиль хизмат кўрсатмоқда. Умуман олганда вилоятда мавжуд жами такси уюшмаларининг 74,3 фоизи, хизмат кўрсатаётган таксиларнинг 87 фоизи фақат икки ҳудуд – Урганч шаҳри ва тумани ҳиссасига тўғри келмоқда.

2-жадвал. Хоразм вилоятида 2016 йил 1 январь ҳолатига мавжуд такси уюшмалари сони ҳамда уларда банд автомобилларнинг сони.

Худудлар	Такси уюшмалар сони	Уларда банд бўлган автомобиллар сони	Ҳар бир уюшмага мос келувчи автомобиллар сони
Урганч ш.	50	826	16.5
Урганч т.	11	129	11.7
Хазорасп	3	12	4.0
Боғот	0	0	0.0
Хонқа	0	0	0.0
Янгиерик	3	31	10.3
Хива	2	3	1.5
Кўшкўпир	4	45	11.3
Янгибозор	2	25	12.5
Шовот	6	19	3.2
Гурлан	1	6	6.0
Вилоят бўйича	82	1096	13.4

Манба: “Ўзавтодарётранс” агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бироқ айрим туманларда умуман такси уюшмаси йўқлигини ёки бўлмаса, кам эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Боғот ва Хонқа туманларида умуман такси уюшмалари йўқ бўлса, Гурлан туманида фақат битта такси уюшмаси мавжуд бўлиб, унда 6 та автомобил хизмат кўрсатмоқда.

Яқуний қисм. Юқорида олиб борилган таҳлил ҳамда кузатувлар натижаларига асосланган ҳолда вилоятда аҳолига транспорт хизматларининг жорий аҳволини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий асосланган хулоса ҳамда таклифларни келтириб ўтмоқчимиз.

- вилоятда автобус йўналишлари ва уларга жалб қилинган автобусларни ҳудудий жойлашиш ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштириш;

- вилоятнинг туман ва шаҳар ҳудудларини ўзига хос геодемографик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳар бир йўналишга қўйилган автотранспортларнинг тури ва сонини, шунингдек йўналишлар харитасини янада такомиллаштириш;

- йўловчиларда вақтга амал қилиш маданиятини шакллантириш, транспорт хизматларига бўлган кундалик эҳтиёжларини самарали қондириш мақсадида аҳолининг ўқувчи, талаба каби турли ижтимоий қатламларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда йўловчи ташишда автобуслар қатнови графигига қатъий риоя қилинишини назорат остига олиш ва таъминлаш;

- вилоят ҳудудларида такси уюшмалари сонини оптималлаштириш, туманларда улар сонини ошириш ва яқка тартибда норасмий фаолият юритаётган йўналиш ҳамда йўналишсиз таксиларни улар таркибига жалб қилиш орқали транспорт хизматлари легаллашув даражасини ҳамда бюджетга тушумларни ошириш.

Ўйлаймизки, юқоридаги келтирилган таклиф ва тавсияларни амалга оширилиши вилоятда аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифати ва ҳажмларини янада оширишга ҳамда аҳолининг соҳа хизматларига бўлган талабини янада тўлароқ қондиришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони (www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари (www.stat.uz).
3. Хоразм вилояти Статистика бошқармаси статистик ахборотномаси. 2016.

4. Қодиров Т. Транспорт тизимининг ривожланиш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил.
5. Холов Б.Б. Ўзбекистонда ички туризмни такомиллаштиришда транспорт хизматларининг аҳамияти // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил.
6. “Ўзавтодарётранс” агентлигининг маълумотлари.

Гулёра Шаназарова (Тошкент давлат иқтисодиёт университети)
САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ
АЙРИМ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада саноат корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашнинг айрим назарий-услубий масалалари қараб чиқилади. Бундан ташқари, инновацион салоҳият ва унинг таснифланиши, инновацион салоҳиятнинг таркибий қисмлари ва уларни ташиқил этувчи ҳар бир унсурнинг ҳисобланиш усуллари, корхоналар инновацион стратегиялари ва уларни танлаш йўналишлари тўғрисида сўз юритилади.

Аннотация. В данной статье рассматриваются некоторые теоретико-методологические вопросы оценки инновационного потенциала промышленных предприятий. Кроме того, анализируются инновационный потенциал и его классификация, составные части инновационного потенциала и методика вычисления каждого элемента, инновационные стратегии предприятий и направления выбора конкретных стратегий.

Abstract. In this article, we consider some theoretical and methodological issues of assessing the innovative potential of industrial enterprises. In addition, the innovative potential and its classification, the components of the innovation potential and the methodology for calculating each element, innovative enterprise strategies and the direction of the choice of specific strategies are analyzed.

Калим сўзлар: инновация, инновацион салоҳият, ишлаб чиқариш-технологик салоҳият, кадрлар салоҳияти, ахборот салоҳияти, ташиқил салҳият, бошқарув салоҳияти, инфратузилмавий салоҳият, интеллектуал салоҳият, илмий-техник салоҳият, молиявий-инвестицион салоҳият, инновацион иқлим ва маданият, истеъмол салоҳияти.

Ключевые слова: инновация, инновационный потенциал, производственно-технологический потенциал, кадровый потенциал, информационный потенциал, организационный потенциал, управленческий потенциал, инфраструктурный потенциал, интеллектуальный потенциал, научно-технический потенциал, финансово-инвестиционный потенциал, инновационная среда и культура, потребительский потенциал.

Key words: innovation, innovation potential, production and technological potential, human potential, information potential, organizational potential, managerial potential, infrastructure potential, intellectual potential, scientific and technical potential, financial and investment potential, innovative environment and culture, consumer potential.

Барчамизга маълумки, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган миллий иқтисодиётнинг интеграциялашуви ва жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида исталган бир корхонанинг тараққиётини, бирон-бир мамлакат ёки унинг минтақаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишини инновацияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, кескинлашиб борувчи рақобат, “бозор иқтисодиётининг шафқатсиз денгизи” эски усулда ишловчи, янгиликларни жорий қилишни пайсалга солувчи, инновацияларга интильмайдиган микродаражадаги нафақат бир корхонани ёки мегадаражада фаолият юритувчи тармокни, балки бутун бошли бир минтақа ёки мамлакатни ҳам ўз қаърига тортиши муқаррар. Шу сабабли, бугунги кунда микродаражадан то мегадаражагача инновацион жараёнларни ва фаолиятни, инновацион салоҳиятни ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш иқтисодиёт соҳаси

олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, биз ушбу мақоламизда саноат корхонаси даражасида инновацион салоҳият ва унга таъсир этувчи омиллар, унсурлар ва уларни миқдоран баҳолаш асосида услубиётни такомиллаштиришга имкон берувчи илмий-амалий тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйдик. Саноат корхоналарида инновацион жараён тизимининг энг муҳим унсурларидан бири бу техник етакчилик қилишга йўналтирилганликни ифодаловчи инновацион салоҳият ҳисобланади. Инновацион салоҳиятга илмий ва иқтисодий адабиётларда бир қанча тарифлар берилган [1, 2].

Бир қатор олимларнинг фикрича, *корxonанинг инновацион салоҳияти* – бу корxonанинг мақсад ва стратегиясидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош товар ёки хизмат ишлаб чиқаришга янги ғоялар ва ишланмаларни жорий қилиш, йўналтириш билан боғлиқ бўлган илмий-техник, технологик, инфратузилмавий, молиявий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ва бошқа имкониятларнинг йиғиндиси сифатида қаралади [3, 4, 5, 6, 7].


Бизнинг фикримизча, *инновацион салоҳият* – бу нафақат янги ишланмаларни яратиш, усулларни ишлаб чиқиш ёки инновацияларни амалга ошириш, балки ушбу янгиликларни кейинчалик жаҳон андозалари даражасида самарали фойдаланиш учун қабул қилишдир. Ҳар бир корхонада инновацион салоҳият катталиги инновацион фаолият имкониятларини баҳолаш ва инновацион ривожланиш стратегиясини аниқлашга имкон берувчи кўрсаткич ҳисобланади. Корхонада инновацион салоҳиятнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда инновацион стратегияни танлаш ва амалга ошириш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади ва шунинг учун ҳам уни комплекс баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий адабиётларда инновацион салоҳиятни баҳолашнинг иккита ёндошуви фарқланади:

- муайян лойиҳани амалга ошириш мақсадида ҳар бир деталга йўналтирилган кўрсаткичлар тизими бўйича инновацион салоҳиятни баҳолаш ёндошуви;
- асосан эксперт методлари ёрдамида корxonанинг бир қатор ташқи ва ички кўрсаткичлари ҳолати таҳлили бўйича амалга ошириладиган ташҳис ёндошуви.

Кўпчилик ҳолатларда инновацион салоҳиятни баҳолаш методлари унинг таркибини ўз ичига камраб олмайди ва бу эса таҳлилларнинг тўлақонли бўлишини таъминламайди.

Бизнинг фикримизча, саноат корxonасининг инновацион салоҳиятини сегмент тарзидаги таркибий тузилишда ифодалаш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Инновацион салоҳиятнинг таркибий тузилиши.

Инновацион салоҳиятни ташкил этувчи ҳар бир унсур бир қатор кўрсаткичлар билан баҳоланади ва улар қуйида келтириб ўтилади.

1. Ишлаб чиқариш-технологик салоҳият ўз ичига қўлланиладиган технологиялар ва уларнинг турларини, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳолатини, технологик хизмат кўрсатишни, компьютер тизимларини, асбоб-ускуна ва материалларни, сифат тизимини ва бошқаларни қамраб олади.

Ишлаб чиқариш-технологик салоҳиятни баҳолашда ишлаб чиқариш ускуналарининг яратилаётган инновацион маҳсулотнинг техник даражасини аниқлашга имкон берувчи қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш муҳим саналади:

- **ускунанинг прогрессивлик коэффиценти;**

$$K_{\text{прог}} \approx \text{ПИЧТ}_{\text{БК}} / \text{УИЧТ}_{\text{БК}} \text{ бу ерда, } \text{ПИЧТ}_{\text{БК}} - \text{прогрессив ишлаб чиқариш}$$

технологиясининг таҳлил қилинаётган давр охирига баланс қиймати (сўмда); $\text{УИЧТ}_{\text{БК}}$ – умумий ишлаб чиқариш фондларининг таҳлил қилинаётган давр охирига баланс қиймати (сўмда).

- **технологияларнимодернизациялашкоэффиценти;**

$$K_{\text{мод}} \approx \text{ИЧТ}_{\text{мод}} / \text{УИЧТ}_{\text{БК}} \text{ бу ерда, } \text{ИЧТ}_{\text{мод}} - \text{модернизация қилинган}$$

технологияларнинг баланс қиймати (сўмда).

- **фойдаланиш муддати 10 йилгача бўлган технологиянинг солиштирма хажми;**

$$Y_{T_{10}} \approx C_{T_{10}} / C_{T_y} \text{ бу ерда, } C_{T_{10}} - \text{фойдаланиш муддати 10 йилгача бўлган технология}$$

бирликларининг сони (дона); C_{T_y} - умумий технология бирликларининг сони (дона).

- **ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган инновацион тадбирларнинг сони (дона).**

- **эскириш коэффиценти;**

$$K_{\text{эск}} \approx \text{Эск}_{\text{умум}} / \text{ББК} \text{ бу ерда, } \text{Эск}_{\text{умум}} - \text{эскиришнинг йиғилган умумий миқдори}$$

(сўмда); ББК – бошланғич бадал қиймати (сўмда).

2. Кадрлар салоҳияти инновацион жараённинг инсон ресурслари билан таъминланганлигини, инновацияларни тарқатишни ташкил қилишга жалб қилинган ходимларнинг малака ва ёш таркибини ифодалайди. Кадрлар салоҳияти қуйидагиларни аниқлайди:

- **ходимларнинг сони, тузилиши ва таркиби;**

$$X_{\text{ил}_1} \approx X_{\text{ил}} / X_{\text{КС}} \text{ бу ерда, } X_{\text{ил}_1} - \text{корxonанинг инновацион лойиҳаларига жалб}$$

қилинган ходимлар улуши (киши); $X_{\text{ил}}$ – корxonанинг инновацион лойиҳаларга жалб қилинган ходимларининг умумий сони (киши); $X_{\text{КС}}$ – корxonанинг рўйхатдаги ўртача ишчилари сони (киши). Бунда корxonанинг инновацион лойиҳаларига жалб қилинган илмий-техник мутахассисларнинг улуши ҳам катта аҳамиятга эга бўлади:

$$X_{\text{ИТМ}_1} \approx X_{\text{ИТМ}} / X_{\text{КС}} 100\%, \text{ бу ерда } X_{\text{ИТМ}} - \text{илмий-техник мутахассислар сони}$$

(киши).

Кўпчилик саноат корxonалари учун илмий ходимларнинг ўртача ёшининг ошириши ва қариши асосий муаммолардан ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам, инновацион салоҳият тизимида жалб қилинган ходимларнинг ёшини баҳолаш методикасига киритиш мақсадга мувофиқ.

-инновацион ишланмаларни яратиш билан банд бўлган 50 ёшдан юқори бўлган илмий-техник ходимларнинг умумий илмий-техник ходимлар сонига солиштирма улуши куйидагича баҳоланади.

$$X_{ИТ50} \approx X_{ИТМ50} / X_{ИТМ} \cdot 100\% \text{ бу ерда, } X_{ИТМ50} - 50 \text{ ёшдан юқори бўлган илмий-}$$

техник ходимлар сони (киши).

- **фойдаланилаётган меҳнатнинг малака даражасини** куйидагича баҳолаш мумкин.

$$X_{ИТМД} \approx X_{ИТ}^{ИУ} / X_{ИТМ} \cdot 100\% \text{ бу ерда, } X_{ИТМД} - \text{илмий-техник ходимларнинг малака}$$

даражаси (киши); $X_{ИТ}^{ИУ}$ – илмий даража, унвонга эга илмий-техник ходимларнинг сони (киши).

Корхоналарда ходимларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва уларнинг умумий ходимлардаги солиштирма улушини ошириш муҳим аҳамиятга эга ($X_{УС}$).

$$X_{КМОУ} \approx X_{КМО} / X_{УС} \text{ бу ерда, } X_{КМОУ} - \text{қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан ўтган}$$

ходимларнинг умумий ходимлар сонига улуши; $X_{КМО}$ - қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган ходимлар сони (киши).

- **меҳнатга ҳақ тўлаш, рағбатлантириш тизими.**

Янгиликлар яратиш билан шуғулланаётган ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг муҳим омилларидан бири иш ҳақи саналади ва шунинг учун ҳам саноат корхоналарида ўртача иш ҳақига нисбатан илмий-техник ходимларнинг ўртача иш ҳақи даражасини баҳолаш зарур бўлади.

3. Ахборот салоҳияти куйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- инновацион фаолият, илмий техник ва ҳуқуқий адабиётлар бўйича ахборотлар мажмуининг мавжудлиги;

- коммуникациялар ва компьютер тизимлари соҳасида инновацияларнинг имкониятларини мавжудлиги;

- ахборотни муҳофаза қилиш ва бошқа тизимларнинг мавжудлиги.

Ахборот куйидаги тавсифларга эга бўлиши керак: *ўз вақтидалик, етарлилик, қулайлик, ишончлилик, комплекслилик, ҳуқуқий мувофиқлик, долзарблик*. Саноат корхоналарида ахборотларни ҳимоялаш тизимларини лойиҳалаштиришда *саноат айгоқчилиги* мавжудлигини, яъни одатда бошқа корхоналар учун махфий деб ҳисобланувчи корхонанинг ички ахборотларини яширин равишда олиб, қарама-қарши стратегияларни ишлаб чиқиб, қўллаган ҳолда рақибларини синдиришга қаратилган тадбирлар уюштирувчи гуруҳ, кишилар жамоасининг борлигини инобатга олиш ўта зарур.

4. Молиявий салоҳият икки босқичда баҳоланади.

4.1. Инновацион лойиҳани дастлабки баҳолаш жараёнида *лойиҳани ишлаб чиқиш ёки харид қилишга харажатлар*, лойиҳани амалга оширишга харажатлар (ускуналар сотиб олиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, технологияларни ишга тушириш, ўзлаштириш), *бошлангич айланма капитал*, *лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишнинг биринчи натижаларини олиш билан боғлиқ жорий харажатлар*, *лойиҳа бўйича маҳсулотларни сотишдан ташқари, эскирган техника ва технологияларни, керакмас ускуна ва деталларни, эҳтиёт қисмларни сотишдан ва бошқа даромадлар таҳлил қилинади*.

4.2. Саноат корхонасининг молиявий ҳолатини баҳолаш эса, *тўловга қобиллик*, яъни *тўлов қобилияти (ликвидлик ва қоплаш коэффициентларини қўллаш мақсадга мувофиқ)*, *кредит лаёқати*, *молиявий барқарорлик*, *активлар ва ўз капиталининг рентабеллик даражаси (корхонанинг қўшимча имкониятларини аниқлаш учун уни баҳолаш*

зарур бўлади), инвестицион таваккалчиликлар каби кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади [3].

Саноат корхонасида қўлланиладиган инновацион стратегиялар (*хужумкор, мудофаа, имитация*), янгиликларнинг тури, шаклларида келиб чиққан ҳолда таваккалчиликлар бир нечта турларга ажралади:

- маҳсулот бўйича (мавжуд/янги);
- бозор бўйича (мавжуд/янги);
- технологиялар бўйича (мавжуд/янги).

Мос равишда ушбу ўзгарувчиларни уйғунлашувининг олтита вариантлари мумкин бўлади (1-жадвал).

1-жадвал. Инновацион стратегиянинг таваккалчиликларини баҳолаш.

Мавжуд маҳсулот	Мавжуд маҳсулот	Мавжуд маҳсулот
Мавжуд бозор	Янги бозор	Янги бозор
Мавжуд технология	Мавжуд технология	Янги технология
Янги маҳсулот	Янги маҳсулот	Янги маҳсулот
Мавжуд бозор	Мавжуд бозор	Янги бозор
Мавжуд технология	Мавжуд технология	Янги технология

Жадвалдаги катакларнинг оч ёки тўқ бўлиши танланган инновацион стратегиянинг қийёсий таваккалчилик даражасини билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги шароитида кам назорат қилинувчи ва ўз навбатида нисбатан юқори таваккалчиликли омил – бу янги бозорларга чиқиш ҳисобланади (*ички ва ташқи манбаларни баҳолаш (шу жумладан, давлат, минтақавий ва маҳаллий молиялаштириш дастурлари, шартномавий-буюртмалар ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари)*).

Инновацион салоҳиятнинг молиявий сегментини аниқлаш учун бир қатор кўрсаткичларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар инновацион фаолият учун бевосита харажатлар таркибига тегишли бўлади. Маълумки, инновацион фаолият ва унинг натижалари ўртасида тез-тез тўғри боғланиш борлиги кузатилади.

Инновацион салоҳиятнинг харажат кўрсаткичларини баҳолаш учун кўпгина ҳолатларда қуйидагиларнинг улушини топиш қўлланилади:

- *қараб чиқилаётган даврда умумий харажатлар таркибида ИТТКИга ва технологиялар сотиб олишга кетган харажатларнинг улуши;*
- *умумий ишлаб чиқариш харажатларининг таркибида ИТТКИга харажатларнинг улуши.*

Кўрсаткичларнинг тавсифларидан келиб чиққан ҳолда саноат корхонасининг технологик ҳолати ва такрор ишлаб чиқариш салоҳиятининг ҳолати хусусида хулоса қилиш мумкин.

Ресурслар турларининг ўзаро нисбатларини мувофиқлаштириш ва уларни такомиллаштириш устида ишлаган ҳолда корхона ўзининг ташкилий имкониятларини яхшилаган ҳолда инновацион салоҳиятнинг ўлчамларига таъсир кўрсатиши мумкин.

5. Юқоридаги чизмадан кўринадики, **илмий-техник салоҳият** марказда жойлашган ва ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ресурс блокига таянади. У ўз ичига ихтиролар, товар белгилари, саноат намуналари, ноу-хаулар, фойдаланишга тайёр бўлган янгиликлар, инновацион лойиҳа ва дастурлар, ҳамда корхона ҳамкорлик қилувчи илмий-тадқиқот, инновацион муассасалар тармоғини қамраб олади.

Илмий-техник сегмент ҳажмини корхона томонидан амалиётда қўллаш мумкин бўлган янгиликлар сони билан аниқлаш мақсадга мувофиқ [1].

Илмий-техник салоҳиятни баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия қилинади:

- **битта янгиликни ишлаб чиқишнинг ўртача давомийлиги:**

$$T_{\text{яв}} \approx \frac{\sum_{i=1}^N \Pi_i}{N}, \text{ бу ерда, } T_{\text{яв}} - \text{таҳлил қилинаётган даврда битта янгилик(ихтиро,}$$

техник ечим, ғоя)ни ишлаб чиқишнинг ўртача давомийлиги; N – таҳлил қилинаётган даврда ўтказилган *ИТТКИ* натижасида яратилган янгиликларнинг умумий сони; Π – i -чи янгиликни яратиш учун сарфланган вақт.

Саноат корхонасининг инновацион салоҳияти нафақат янгиликларни яратишни, балки уларни амалда қўллаш соҳасига жорий қилишни таъминлашни назарда тутати. Маълумки, амалиётда атиги 10-30 фоиз ғояларгина ихтиро бўлиши, 0,5-3,5 фоизигина ўзини қоплаши мумкин. Амалда корхона томонидан умумий илмий-техник ишланмаларнинг қанчалик кўп қисми реал ҳаётда қўлланилса, корхонанинг инновацион салоҳияти шунчалик самарали фойдаланилаётган бўлади. Шундай қилиб, янгиликларни ўзлаштиришнинг натижадорлиги уларнинг умумий сонидан жорий қилинганларнинг улуши билан белгиланади;

- **янгиликларни ўзлаштириш, жорий қилиш натижадорлиги:**

$$H_{\text{яв}} \approx \frac{\sum_{t=1}^N K_t^{\text{уя}}}{\sum_{t=1}^N K_t^{\text{учя}}}, \text{ бу ерда, } K_t^{\text{уя}}, K_t^{\text{учя}} - t\text{-йилда ўзлаштирилган ва ишлаб чиқилган}$$

янгиликлар сони;

- **битта янгиликни ўзлаштиришнинг ўртача давомийлиги:**

$$T_{\text{яв}} \approx \frac{\sum_{i=1}^N B_i}{N}, \text{ бу ерда, } B_i - i\text{-чи янгилик(ихтиро, техник ечим, ғоя)ни жорий қилиш,}$$

ўзлаштириш учун сарфланган вақт.

Ушбу кўрсаткични ҳисоблашда янгиликни инновацияга ўтиш моментини аниқлаш баҳс-мунозарали ҳисобланади. Ишлаб чиқариш йўналишидаги маҳсулотлар учун мазкур момент саноатда қўллана бошлаган санаси, истеъмол маҳсулотлари учун эса, товарнинг – биринчи партиясини сотиш санаси ҳисобланади. Саноат корхонасининг инновацион имкониятларини комплекс баҳолаш учун мазкур кўрсаткич зарур бўлиб, янгиликларни киритишнинг инновацион лагини камайтириш ҳозирги шиддатли ривожланиш даврида жуда муҳим аҳамият касб этади.

- *илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилган йўналишлар сони;*

- *ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотнинг улуши.*

Кейинги сегментларсиз иш жараёнида пайдо бўлган ёки юзага келган янгиликларни инновацияга айланиши анча мураккаб саналади.


6. Ташкилий салоҳият ўз ичига режалаштириш, қарорлар қабул қилиш, назорат, коммуникациялар тизими, айирбошлаш, таҳлил қилинаётган объект ҳамкорлик қилувчи илмий-техник муассасалар, лойиҳа-конструкторлик, инновацион корхоналар тармоғини олади.

Инновацион салоҳиятнинг ташкилий қисмини таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлар баҳоланади:

- корхонанинг тузилиши (бўлим, бошқарма ва бошқарув даражалари);
- корхонанинг ички ва ташқи, вертикал ва горизонтал, бевосита ва билвосита алоқаларининг сифати;
- муносабатлар (бўлимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиши).

7. **Бошқарув салоҳияти** инновацион фаолиятни бошқаришнинг замонавий шакллари, бошқарувнинг оптимал ташкилий тузилмасини ва менежмент тизимини, стратегик ва тактик режалаштириш тизимини, умумий уюшқоқликни, ривожланиш ва ўзгаришлар босқичларида мувофиқлаштириш моделларини, назорат тартиби ва моделларини.

8. **Инновацион маданият ва иқлим** – корхона, ходим ва бошқарув бўғинларини олинган янгиликларни ишлаб чиқаришга киритиш, муваффақиятсизликларни инобатга олиб, атроф-муҳитдаги ўзгаришларга мослашишга тайёрлигини ифодалайди. Шунингдек, корxonанинг инновацион салоҳиятига таъсир этувчи барча ташқи таъсирларни *инновацион иқлим* сифатида талқин этиш ва улар қаторига жараёнли ва технологик инновацияларни, кадрлар инновацияларини, бошқарув инновацияларини, бозор инновацияларини, ноу-хау, патентларни сотиб олиш имкониятларини, қонуний база, қайта молиялаштиришнинг паст ставкаси, имтиёзли солиққа тортиш, ҳокимият ва бизнеснинг ўзаро алоқалари, технологияларни тижоратлаштириш амалиёти кабиларни киритиш мумкин (2-расм) [4].



2-расм. Инновацион салоҳиятнинг мантиқий тузилиши.

Инновацион маданиятни баҳолашда коммуникатив тизим ва муомала тили, номолиявий ва молиявий рағбатлантириш тизими, устоз-шогирдлик моделлари ва ташкилотнинг кадриятларини ходимлар томонидан ўз шахсий кадрияти сифатида қабул қилиниши каби миқдор ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Инновацион маданият инновацион иқлимнинг таркибий қисми сифатида кишиларнинг янги ғояларни қабул қилишга мойиллигини оширгани ҳолда ҳаётнинг барча жабҳаларида янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга тайёргарлигини таъминлайди.

9. **Инновацион салоҳиятнинг истеъмолчилик сегменти** муҳим таркибий қисмлардан бири саналади. Айнан ушбу сегментда яратилаётган янгилик истеъмолчиларга қанчалик кераклиги ва уни келгусида тарқатиш, кенг миқёсда тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги баҳоланади.

Истеъмолчилик сегменти бир томондан, ўзлари ҳам инновацияларнинг истеъмолчилари бўлган барча юридик ва жисмоний шахсларни ўз ичига олади ҳамда бошқа томондан эса, инновацияларга талаб билдириш, маркетинг салоҳияти, сотув бозорлари ва сотишни ташкил қилиш, баҳо сиёсати, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва реклама орқали уларни рағбатлантиради.

Истеъмол салоҳияти маҳсулотни сотиш ҳажмининг қиймат ва ассортимент кўриниши, хом ашёни асосий етказиб берувчилари ва маҳсулотни асосий истеъмолчилари, асосий сотиш бозорлари, омбордаги маҳсулот қолдигининг қиймат ва натура кўринишида ҳажмлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг максимал ва минимал баҳо чегаралари, рақобат стратегияси каби кўрсаткичларни баҳолашни назарда тутди.

10. Инфратузилмавий ва интеллектуал салоҳиятлар инновацион салоҳиятнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида гўё олдинги сегменларга мансубдек кўринади. Масалан, интеллектуал салоҳият кадрлар салоҳияти, илмий-техник салоҳиятга, инфратузилмавий салоҳият эса, ташкилий, ишлаб чиқариш-технологик сегментга тегишли бўлиб кўринсада, аслида уларнинг ҳар бири ўз кўрсаткичлари тизимига ва омилларига эга.

Инфратузилмавий салоҳиятнинг ўзи ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт, илмий-техник, бозор инфратузилмаларининг мавжудлиги ва ўзаро уйғунлиги билан баҳоланади (улар ўз ичига *транспорт турлари, қувур, темир йўл, автомобиль, ҳаво, сув транспорти, порт иншоотлари, электр узатиш тармоқлари, сув, газ таъминоти, омборлар, алоқа ва ахборот-коммуникация, биржа, банк, савдо, маданият, фан, таълим, хизмат кўрсатиш кабиларни олади*). Ваҳоланки, инфратузилмавий салоҳият ва муайян корхона ёки ҳудуд бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инфратузилманинг асосий хусусияти унинг кўчмаслиги билан белгиланади ҳамда ушбу салоҳият юқори бўлса, ишлаб чиқариш ва бошқа харажатлар бошқа корхоналарникига нисбатан паст бўлишига имкон беради.

Инновацион салоҳиятни корхонанинг янгиликларни ишлаб чиқишга лаёқати ва тайёрлиги деб мантиқан қарайдиган бўлсак, у ҳолда саноат корхонасининг янгиликлар портфели барча соҳалардаги янги ишланмалар, патент ва ихтироларни, жорий қилинган инновацияларни ўз ичига олади. Мазкур портфелдаги янгиликлар сотиб олинадиган, ўзи ишлаб чиққан, сотиладиган ёки корхонага жорий қилинадиган турларга бўлинади [2].

Агар ишланмалар портфели корхонанинг мавжуд ресурслардан, янгилик ва салоҳиятдан фойдаланишга тайёргарлигини ифодаловчи манба бўлса, у ҳолда инновациялар портфели эса, мазкур янгиликларни корхона томонидан амалиётга жорий қилиш имкониятларини кўрсатади. Инновацион салоҳият ва унинг кўрсаткичларининг таркибини бундай тасаввур қилиш инновацион салоҳиятни чуқур, комплекс таҳлил қилишга имкон беради.

Минтақада саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини тадқиқ қилишда таклиф қилинган мазкур усулни саноат корхоналарига тарқатилган ҳолда тўлдирилиб олинувчи, минтақавий инновацион инфратузилмани, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича турли йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган анкеталар тўплами билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Олинган маълумотларни турли хил усуллар (SWOT-таҳлил, гуруҳлаш, прогнозлаш) ёрдамида таҳлил қилиш ҳамда олинган натижаларни тегишли маъмурий, минтақавий ҳокимият органларига етказиш ва жойларда инновацион ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштиришда самарали фойдаланиш мумкин. Айнан ушбу мақсадда ривожланган давлатлар ва республикамизнинг бошқа минтақаларининг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда инновацион салоҳиятни амалга ошириш тавсия қилинади.

Умуман олганда, бирон-бир минтақанинг инновацион салоҳияти саноат корхоналари инновацион салоҳиятлари йиғиндиси сифатида қаралмасада, бироқ саноат корхоналари йирик ёки кичик ўлчамга мансублигидан қатъий назар исталган бир минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи асосий индикаторлардан бири саналади. Шу сабабли ҳам, маҳаллий ҳокимият органларининг асосий вазифаси – минтақанинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ёки ривожлантиришда албатта ҳар бир иқтисодиёт тармоғи инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртлари, молия-кредит институтлари, вилоятни бошқариш бўйича мутасадди органларнинг инновацион йўналишдаги имкониятларини тўлақонли амалга ошириш ва мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атоян В.Р. Инновационный комплекс региона: проблемы становления и развития // Саратов: СГТУ. 2003. С. 90-93.

2. Карпов Э.А. Управление инновационным потенциалом промышленных предприятий. Старый Оскол: ТНТ. 2001. С. 16.
3. Киселёв М.Ю. Оценка финансового инновационного потенциала промышленных предприятий // ЭКО Всероссийский экономический журнал. 2001. № 3. С. 42-49.
4. Лисин Б., Фридлянов Б. Инновационный потенциал как фактор развития (Межгосударственное социально-экономическое исследование) <http://masters.donntu.edu.ua>.
5. Трифилова А.А. Использование инновационного подхода в стратегическом управлении предприятием: Автореф. дисс. ... к.э.н.: 08.00.05. Нижегородский ГАСУ. Н. Новгород. 2000. 23 с.
6. Гунин В.Н., Баранчев В.П., Устинов В.А., Ляпина С.Ю. Управление инновациями: 17-модульная программа для менеджеров «Управление развитием организации». Модуль 7. Москва: «Юнити». 1999. 328 с.
7. Гусаков М. Формирование потенциала инновационного развития // Экономист. 1999. № 2. С. 3-38.

Манзура Машарипова (Урганч давлат университети)
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ВА КИЧИК
БИЗНЕСНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш борасида ўтказилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари қараб чиқилади. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари таҳлил қилиниб, соҳани янада жадал ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифлар ҳам келтирилган.

Аннотация. В данной статье рассматриваются основные направления проводимых реформ по развитию сферы услуг и сервиса, а также малого бизнеса в Узбекистане. Кроме того, проанализированы нормативно-правовые документы и государственные программы по развитию малого бизнеса в отраслях сферы услуг, приведены научно-практические рекомендации и предложения по дальнейшему ускоренному развитию данной сферы.

Abstract. The article is focused on the main directions of ongoing reforms in the development of service sector and small business in Uzbekistan. Besides, normative legal documents and state programs on the development of small businesses in the branches of service sector were analyzed, and scientific and practical recommendations and suggestions for further accelerated development of this sector were presented.


Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, сервис, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ягона дарча, ишибилармонлик муҳити, тадбиркорлик инфратузилмаси, давлат дастурлари, ҳудудий дастурлар.

Ключевые слова: сфера услуг, сервис, малый бизнес, частное предпринимательство, единое окно, деловая среда, предпринимательская инфраструктура, государственные программы, региональные программы.

Key words: Service sector, service, small business, private enterprise, single window, business environment, business infrastructure, government programs, regional programs.


Маълумки, республикаимизни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ва КБХТни давлат томонидан доимий ва тизимли равишда қўллаб-қувватланаётгани самараси ўлароқ, КБХТ субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, 2000 йилдаги 31 фоиздан 2016 йилда 56,9 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2015 йилдаги 40,6 фоиздан 2016 йилда 45 фоизга, фаолият юритаётган КБХТ субъектлари сони эса, 621 мингга етди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2004-2016 йилларда тадбиркорлик субъектлари сони (мингта).

Шунингдек, КБХТ фаолиятининг кенгайиши иқтисодийнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлгани ҳолда, 2015 йилда асосий капиталга инвестициялар 23,1 фоиздан 2016 йилда 40,3 фоизга, қурилишда – 68,4 фоиздан 70,7 фоизга, чакана савдо айланмасида 87,1 фоиздан 89,6 фоизгача ошди (2-расм) [1].



2-расм. Кичик бизнеснинг ЯИМ ва саноатдаги улуши.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда КБХТни давлат томонидан ҳар томонлама изчил равишда рағбатлантирилиши, ишбилармонлик муҳити яхшиланиб бораётганлиги халқаро молия ва рейтинг ташкилотларининг ҳисоботларида ҳам ўз аксини топмоқда. Жаҳон банкининг 2015 йил октябр ойида тақдим этилган “Doing business-2016” ҳисоботида, Ўзбекистон рейтингда 141-поғонадан 87-поғонага кўтарилди. Ўзбекистон, ўтган йил давомида камида уч соҳада ислохотлар ўтказиб, рейтингнинг юқори поғоналарига кўтарилган 10 та энг илғор ислохотчи давлатлар қаторидан ўрин олди.

Жумладан, кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 2016 йил 81-поғонадан 2017 йилда 75-поғонага, миноритар инвесторларни ҳимоялаш бўйича 2016 йил 78-поғонадан 2017 йил 70-поғонага, солиқ тўлаш бўйича 2016 йилдаги 139-поғонадан 2017

йил 138-поғонага ва ташқи савдони юритиш бўйича 2016 йилдаги 166-поғонадан 2017 йил 165-поғонага кўтарилганини кўришимиз мумкин.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, республикамизда айрим бизнесни юритиш рейтинг кўрсаткичларида бир неча поғоналаргача пасайиши кузатилган. Масалан, Ўзбекистон “Doing business-2016” рейтингда шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 2016 йил 37 дан 2016 йил 38-поғонага, янги корхоналарни ташкил этишда 2016 йил 23 дан 2017 йил 25-поғонага, кредит олиш бўйича 2016 йил 42 дан 44-поғонагача пасайганини кўришимиз мумкин [2].

Юқорида келтирилган рейтинг кўрсаткичлари таҳлилидан давлатимизда КБХТ субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришда, бизнесни юритиш жабҳаларида сезиларлича муаммолар, фойдаланилмаган имкониятлар борлигини яққол кўриш мумкин.

Бундан ташқари, таъкидлаш лозимки, барча соҳалар каби хизмат кўрсатиш тармоқлари ва КБХТни ривожлантиришда ҳам солиқларнинг роли бениҳоя катта бўлиб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов “...бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ” деб таъкидлаган эди [3].

Дарҳақиқат, 2016 йилда микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди, ҳамда 1996-2016 йиллар мобайнида КБХТ учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизгача, яъни 7,6 марта қисқарди. Бундан ташқари, кейинги йилларда тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги руҳсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725 сонли Фармонига мувофиқ 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлади. Тадбиркорлик субъектларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида республика бўйлаб 194 та “Ягона дарча” марказлари ташкил этилди [4].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848 сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра, КБХТнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш КБХТга кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншини таъминлаш, уларни профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи вазифаси этиб белгиланди [5].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини янада

такомиллаштириш, “ягона дарча” марказларини самарали бошқариш, улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда тизимли ёндашувни ҳамда уларнинг бошқа давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга замин яратади [6].

Ушбу Фармонга кўра, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича кўрсатиладиган хизматларга қуйидаги ўзгаришлар киритилади:

1. Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимларига “фойдаланишга тайёр” шартларда улаш.

2. Бино ва иншоотларнинг ташқи кўриниши ўзгартиришни (фасадни таъмирлашни) келишиш.

3. Бино ва иншоотларни қайта-ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш.

4. Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат бериш.

5. Ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш.

6. Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.

7. Алкоголли маҳсулотлар билан умумий овқатланиш корхоналарида савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.

8. Кўчма савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.

9. Ташқи рекламани жойлаштиришга рухсат бериш.

10. Турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш [6].

Бундан ташқари, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан КБХТни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида мазкур соҳага тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Биргина 2016 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар суммаси 12,1 трлн. сўмни ташкил этди. Бу 2015 йилдагига 9,1 трлн. сўмга нисбатан 32,3 фоизга кўп демакдир [7].

2016 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 15,9 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 3,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди. Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорида ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди [7].

Шунингдек, КБХТ фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 10 мингдан ортиқ инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бунинг натижасида КБХТ субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. КБХТда банд бўлганлар сонининг жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши 2010 йилда 74,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 77,1 фоизга етди [8].

Бугунги кунда нафақат республика миқёсида балки вилоятлар кесимида ҳам КБХТни жадал ривожлантириш орқали ҳудудда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Жумладан, бизнинг Қўйи Амударё минтақаси учун кейинги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 март, ПҚ-2843 сон “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қўшимча қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига

мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг иқтисодийетини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун янада қулай шароитлар яратиш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган юридик шахслар ўзлари ишлаб чиқараётган саноат товарларини экспорт қилиш қисмида валюта тушумини мажбурий сотишдан озод этилди, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида рўйхатдан ўтган, фармацевтика товарлари ва препаратлари, электротехника маҳсулотлари (кабель-ўтказгич маҳсулотларидан ташқари), шунингдек, пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар 2017 йилнинг 1 апрелидан 2022 йилнинг 1 январигача бўлган даврда мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди [9].

Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодийетнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодийетдаги роли ва аҳамиятини қуйидагиларда намоён бўлади:

- соҳанинг ташқи омиллар ўзгаришига боғлиқ эмаслиги;
- истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашга таъсири;
- янги иш ўрни яратишга кетадиган харажатларнинг нисбатан камлиги;
- маҳаллий маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни ошириши;
- капитал талабчанлигининг пастлиги;
- соҳага сарфланган харажатларнинг ўзини тез оқлаши.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келди.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шarti бўлган ички талабни кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Автомобиллар ва маиший техникага сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши шу маҳсулотларга бўлган талабнинг кенгайишига олиб келади.

Хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини ривожлантириш, соҳани модернизация қилиш ва диверсификациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралда “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 29 июндаги 219-сонли қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги устувор йўналишлари ва вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган.

Биринчидан, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодийетдаги улушини 48,7 фоизгача етказиш белгиланган. Чунки келажакда мамлакатимиз иқтисодийетда саноатнинг улуши ошиб бориши ва шу йилларда унинг улуши 40,0 % га етказилиши кўзда тутилган. Кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодийетни юксалтиришнинг дастлабки босқичида

устуворликни ташкил қилди, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 54,5 % гача етказилди. Энди маълум босқичга етгандан кейин саноатни ривожлантириш ва унинг ЯИМдаги улушини ошириш учун тегишли имкониятлар яратилди.

Иккинчидан, 2020 йилга бориб қишлоқ жойларида хизматларни 1,8 бараварга ўстириш ҳам кўзда тутилган. Бу қишлоқ жойларида хизматларни кўпайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилаётганлигидан далолатдир. Чунки, ҳозирги пайтда хизматлар асосан шаҳарларда ривожланган бир паллада қишлоқ жойларда ҳам ушбу масалага етарлича аҳамият берилиб, унинг ривожланишини тўлиқ таъминлашга катта аҳамият қаратилади. Зеро, қишлоқ аҳолисининг яшаш даражаси ва сифатини ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Учинчидан, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига хизматлар соҳасини, таркибий ўзгартиришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам ўта долзарб масалалар сифатида белгиланган. Бугунги ҳаётимизни замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки, глобаллашув жараёни, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг интеграциялашуви ушбу хизматларни ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо қилди ва шунга мос равишда мазкур соҳани ривожлантиришга тегишли аҳамият қаратилмоқда.

Тўртинчидан, соҳада рақобат ва тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, ҳамда бир вақтнинг ўзида КБХТ субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш масаласи ҳам параллел қўйилган. Зеро хизмат кўрсатиш соҳаси асосан КБХТ эвазига шаклланиб ривож топмоқда. Мазкур хизматларнинг ўсиши билан бир қанча муаммоларнинг ҳал қилинишига эришиш мумкин. Жумладан, мамлакатимизда янги иш ўринлари яратилиши билан бирга бандлик муаммоси ҳал қилинади, ишлаб чиқариш жараёнининг хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилади, пировардида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати оширилади.

Бешинчидан, турли инновация хизматларини, янги алоқа воситаларини кенгайтириш масаласи ҳам мамлакатимизда хизматлар соҳасини жаҳон талаблари асосида ривожланишини, мамлакатимизда хизматларни ҳам бошқа товарлар сингари кенг кўламда экспорт қилишга эришиш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришишимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам халқаро андозалар даражасига етказишимиз мумкин.

Олтинчидан, аҳолининг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш техник имкониятларини таъминлаш, улар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш, телефон алоқаси ва телевидениенинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтиш, 2020 йилга бориб алоқа ва ахборотлаштиришнинг республика иқтисодиётидаги улушини 2,5 фоизгача етказишдек устувор вазифа ҳам белгиланган. Ушбу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашув жараёнини таъминлашимиз бироз мураккаб бўлади. Шу туфайли мазкур соҳа келажакда жадал ривожланиш босқичига кириши лозим.

Еттинчидан, энг янги электрон, тўлов технологияларини жорий этган ҳолда молия хизматларини ривожлантириш масаласи қўйилган. Бу барча йўналишларни ривожлантиришни тақозо қилади. Жумладан, мобил савдодан тортиб, иш ҳақининг онлайн тизимига қадар автоматлаштирилган бўлишлигини тақозо қилмоқда. Бу одамларга фақатгина қулайлик туғдириб қолмасдан, жараёнларни тезлаштиради, турли қатновлар билан боғлиқ бўлган харажатларни ва кишилар вақтини тежаш имконини беради.

Саккизинчидан, мамлакатимиз учун муҳим бўлган соҳа, соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияли хизматларни янада ривожлантириш масаласи ҳам устувор қилиб белгиланган. Келгусидаги тадқиқотлар айнан шу соҳаларни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилмоғи, уни янги сифат босқичига кўтармоғи устувор вазифа қилиб белгиланган. Ҳозирги пайтда кўплаб фуқароларимиз катта маблағлар эвазига сарсон-саргардончиликлар билан хорижда даволаниб қайтаётганлиги, буни эса аҳолимизга

нафақат иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам зарар, турли ноқулайликлар туғдираётганлиги ҳамда ушбу хизматларни ўзимизда ташкил қилиш, агар лозим бўлса, фуқароларимизга қулайлик туғдириш учун мутахассисларни мамлакатимизга олиб келишни шахсан мамлакат раҳбарининг ташаббуслари билан амалга оширилаётганлиги мамлакатимизда “2017 йил – халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари йили”даги эришилаётган ҳайрли ишлардан бири десак бўлади. Бунинг амалий натижаси сифатида, Президент Ш.Мирзиёев 2017 йилнинг 27-28 январь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали негизида Россия Федерациясининг А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий марказининг филиали, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали негизида И.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда эндокринология, отолорингология, гематология, аллергология, терапия бўлимларидан иборат клиника ташкил қилинаётганлиги Оролбўйи аҳолиси учун тарихий ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим [10].

Тўққизинчидан, таълим хизматлари бўйича бир томондан халқаро андозаларга мос ва иккинчи томондан, ўзимизга хос янги йўналиш, яъни узлуксиз таълим тизими шаклланганлиги баробарида ҳали уни юқори даражага кўтариш учун анча камчиликларимиз ҳам борлиги эътироф этилиши билан бирга, ушбу соҳани ҳам янги босқичга кўтариш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шунингдек, юртимизда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан халқаро стандартлар асосида 2016-2020 йилларда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур ўз ичига “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари”, “2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари”, “2017-2020 йиллар даврида хизматлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси ҳамда “2017-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг прогноз ҳажмлари”ни олади.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мазкур ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан:

Биринчидан, хизматлар соҳаси тузилмасини янада такомиллаштириш, хизматларнинг замонавий турларини жадал ривожлантириш ва бозорни улар билан тўлдирish масаласи устувор қилиб белгиланган.

Иккинчидан, сервис инфратузилмасини ривожлантириш масаласи ҳам ўта устувор вазифалар сифатида белгиланган. Чунки, ушбу масаланинг яхши йўлга қўйилиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга аҳолининг ҳам хизматларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида тўлиқ қондириш имконини ҳам беради.

Учинчидан, қишлоқ аҳоли пунктларида хизматлар соҳаси ташкилотларини биринчи навбатда ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик субъектларини ҳамда соҳага оид касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларни хизматлар соҳасига кенг жалб этиш масаласи ҳам тегишли тарзда ҳудудий дастурларга киритилган. Ушбу тадбирлар нафақат хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий жиҳатини, балки ижтимоий аҳамиятини ҳам ошириши кўзда тутилган. Хусусан, ушбу ишни амалга ошириш эвазига аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик дастурини бажариш, аҳоли фаровонлигини ошириш каби масалалар ҳам параллел равишда ҳал қилиниб борилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда, унинг иқтисодий қудратини юксалтиришда, ижтимоий ҳаётини барқарорлаштиришда устувор вазифалардан бирига айланган [10].

Сўнги йилларда республикада КБХТни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўтган 2016 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришлар кузатилиб, ушбу даврда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 12,5 фоизга ўсди. Шундан, 2016 йилда иқтисодийда пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида яратилган қўшилган қиймат ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсиши ялпи қўшилган қиймат таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 49,5 фоизгача ошишини таъминлади.

Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (30,6 фоиз), умумий овқатланиш (19,0 фоиз), савдо хизматлари (18,5 фоиз), соғлиқни сақлаш (17,2 фоизни), компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш (16,3 фоизни), алоқа ва ахборотлаштириш (16,0 фоизни), автомобиль транспорт хизматлари (11,8 фоиз) ҳамда таълим (11,2 фоиз) каби соҳаларда кузатилди [11].

Хулоса қилиб айтганда, истиқболда республикада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида КБХТни янада жадал ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз:

биринчидан, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизимини ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга мувофиқлаштириш, шаҳар ва қишлоқ жойларидаги хизмат кўрсатиш даражасидаги фарқларни бартараф этиш ёки мутаносиблаштириш;

иккинчидан, бугунги куннинг заруратига айланган янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожлантириш;

учинчидан, республикада минтақаларида, хусусан, Хоразм вилоятида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлган туристик хизмат кўрсатиш соҳасида кичик меҳмонхоналар, реклама агентликлари, туроператорлар тармоғини ташкил этиш ҳисобига КБХТни жадал ривожлантириш, ички туризм рекламаларини кучайтириш, республика ва хусусан минтақалар ичидаги аҳолига номаълум бўлган туристик йўналишларни ташкил этиш;

тўртинчидан, болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматларини, турли ёшдаги ва тоифадаги аҳоли қатламларига мўлжалланган кичик ҳажмдаги хусусий спорт-соғломлаштириш муассасаларини жадал ривожлантириш;

бешинчидан, янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилишини, айниқса бу ишларга қишлоқ жойларида эътиборни кучайтириш зарур;

олтинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш мақсадга мувофиқ.

Ўйлаймизки, юқори келтириб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш республикада хизматлар соҳасида КБХТни янада жадал ривожланишига ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тошкент, 03.02.2017. Ўзбек телеграф агентлиги маълумотлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь, 2-бет.
3. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010 йилда республикаимизни ижтимоий-

иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган мажлисидаги маърузаси \ \ Ўзбекистон овози. 2011 йил, 22-январь, № 11. 2-бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725 сонли фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.10.2016 йил ПФ-4848 сонли фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

7. Cbu.uz <http://cbu.uz/upload/Monetar/2016B8.pdf>

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // stat.uz

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги ПҚ-2843 сонли “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қўшимча қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

10. <http://qalampir.uz/news/shavkat-mirziyoev-horazmdagi-shifoxona-maktab-va-korxonalar-faoliyati-bilan-tanishdi-5926>

10. Болтабаев М.Р., Пардаев М.Қ. “Хизмат кўрсатиш соҳасини 2017-2020 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари. Самарқанд: СамИСИ. 2017 йил.

11. Бозор, пул, кредит. Илмий-амалий ойлик журнал, № 1. 2017 йил, январь (236), 15-бет.

УДК 334.724

Дилшод Худайбергенов (Урганч давлат университети) ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда товар ва хизматлар бозорида тадбиркорлик фаолиятининг ўрни ёритиб берилган.

Аннотация. В статье рассматривается роль предпринимательской деятельности в развитии рынка товаров и услуг, основные направления их развития в реализации стратегии действий социально-экономического развития Узбекистана на 2017-2021 гг.

Annotation. The article explores the role of entrepreneurial activity in the market of goods and services and the basic directions to use strategy of movement of economical-social development Uzbekistan in 2017-2021.

Калим сўзлар: Товар, хизмат, товар ва хизматлар бозори, тадбиркорлик, кичик бизнес, чакана товар айланмаси, чакана савдо айланмаси, экспорт хизмати, бозор конъюнктураси.

Ключевые слова: Товар, услуги, рынок товаров и услуг, предпринимательство, малый бизнес, розничной товарооборот, розничный торговый оборот, экспорт услуг, рыночная конъюнктура.

Key words: Goods, services, commodity markets and services, entrepreneurship, small business, retail trade, export service, services and market conditions.

Товар ва хизматлар бозори иқтисодий муносабатларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган иқтисодиётнинг йирик тармоқлардан бири ҳисобланади. Ушбу бозорни ривожлантириш товарларни ишлаб чиқариб, уларни айирбошлаш жараёнини жадаллаштириш ва энг мақбул хизматларни кўрсатиш тизимларини яратишни тақозо қилади. Бозорда биринчи объект товар бўлса, иккинчи объект хизмат ҳисобланади. Товар ва хизматлар бозорининг субъектлари томонидан ушбу объектлар билан боғлиқ ишлар бажарилади.

Бевосита ушбу жараёнларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш ишлаб чиқариш, ижтимоий ва саноат инфратузилмалари, савдо соҳаси, молиявий ва инновацион фаолият каби соҳаларга муҳим ўзгартиришларни киритиш заруратини тақозо этади. Ушбу соҳаларни кенг тараққий қилдириш ўз навбатида тадбиркорликнинг ривожлантиришни талаб этади.

Тадбиркорлик фаолияти бугунги кунда бизнес фаолиятининг асосий қисми сифатида қаралиб, уни кенг миқёсда ривожлантиришга муҳим эътибор берилмоқда. Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш керак. Тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳақиқий фуқаролик позициясида туриб, етим болалар ва ночор оилаларга, маҳаллалар ва ижтимоий соҳа муассасаларига беғараз ёрдам бермоқда” [3].

Шунга асосан, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қўйидагиларни назарда тутадиган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди [2].

Ушбу стратегиянинг асосий йўналишларидан бири иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш ҳисобланади.


Шунингдек, тадбиркорлик кичик бизнес субъектларини ҳам ўз ичига бирлаштириб, иқтисодиётни жадал ривожлантиришга қаратилган омил бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. Айни вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлигининг кафолатини таъминловчи кучларидан бири сифатида намоён бўлмоқда [6].

Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш долзарб масала ҳисобланиб, у хўжалик юритувчи субъектлардаги маълум фикрлаш доираси, ўзга хўжалик хулқи ва ўзига хос услубини яратиш тақозо этади. Чунки, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим вазифаси индивидуал тадбиркор фаолияти ёки фирманинг самарали ишлашини таъминлашдан иборат бўлади. Бу эса янги шароит, янгиликлар ва хилма хил манбаларда белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни кўзлайди.

Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш учун кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва мулкдан самарали фойдаланиш лозим. Бу борада махсус Фармон қабул қилиниб, унда республикамиздаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги энг устувор вазифалар белгиланган [1]:

- тадбиркор фаолиятини текширишларини қисқартириш;
- тадбиркор фаолиятига ноқонуний аралашиларни бартараф этиш;
- коррупцияга қарши курашиш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- экспортни рағбатлантириш;
- банк тизимини янада такомиллаштириш;
- “ягона дарча” марказлари хизматларини янада кенгайтириш.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони йилдан - йилга ўсиб бормоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2004-2016 йилларда фаолият кўрсатган тадбиркорлик субъектларининг сони [7]

Тадбиркорлик субъектлари сони 2004 йилда 237500 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 621000 тани ташкил этган. Бундай ўсишнинг асосий сабаби тадбиркорлик субъектлари томонидан қонуний хилма - хил фаолият турлари билан шуғулланишлари, барча имкониятларнинг яратилиши ва янада кенгайтириши ҳисобланади.

Бироқ, нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган тадбиркорликни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган [5]:

- иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш;
- йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш;
- янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш;
- бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш;
- илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш;
- ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш;
- солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш;
- аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш ва бошқалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айлангани эътиборга сазовордир [4]. Тадбиркорлик аҳолининг иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш билан бирга, товар ва хизматлар бозори конъюнктурасининг бўлишини (бозор ўзгариши ва ҳолати) таъминлаб беради.

Шунингдек, ушбу соҳа мамлакат иқтисодиётида муҳим вазифаларни бажариш билан биргаликда, товар ва хизматлар бозорининг ривожига қуйидаги вазифаларни амалга ошириши орқали ижобий таъсир кўрсатади:

- истеъмолчиларга зарур бўлган маҳсулотларнинг тез сотилишини таъминлаш;
- бозорда вужудга келадиган масалаларни ҳал қилиш ва замонавий машина-ускуналар ва технологиядан фойдаланган ҳола сарфланган сармоянинг ўрнини қоплаш;
- рақобат муҳити, шакллари яратиш ҳамда бозор талабига жавоб берувчи ўстириш қобилиятига эга бўлиш;
- ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатдорлиги ва ташаббусини таъминлаш ва ҳ.к.

Товар ва хизматлар бозорида тадбиркорлик фаолиятининг натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси, чакана савдо айланмаси ва пуллик хизмат кўрсатиш каби кўрсаткичлар ҳисобга олиниб, кенг тараккий қилмоқда. Хусусан, республикамизда 2015 йилда йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасининг ҳажми 9185,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу 2014 йилга қараганда 9 фоизга ортди. Ҳамда чакана савдо товар айланмасининг таркибида йирик корхоналарнинг улуши 12,9 фоизни ташкил қилди.

2015 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат мулки ҳиссасига тўғри келди [8].

1-жадвал. 2015 йилда республикамиздаги хўжалик юритувчи субъектларнинг чакана товар айланмаси таркиби ҳақида маълумот

Чакана товар айланмасининг таркиби	млрд. сўмда	2014 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	71025,6	115,1	100,0
давлат мулки	95,4	0,115	0,1
нодавлат мулки	70930,2	114,9	99,9
нодавлат мулк таркибидаги фуқароларнинг хусусий мулки	51949,0	84,0	73,1

Ушбу жадвал маълумотлари 2015 йилда чакана савдо товар айланмаси 71025,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 115,1 фоизни ташкил қилган. Бунда давлат мулки 95,4 млрд. сўмни (2014 йилга нисбатан 95,4 фоиз) ва нодавлат мулки 70930,2 млрд. сўмни (2014 йилга нисбатан 114,9 фоиз) ташкил этган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси 16,0 фоизга кўпайиб, 61839,9 млрд. сўмга етди ва чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмидаги улуши эса 87,1 фоизни ташкил этган.

Тадбиркорлик субъектлари товар айланмаси умумий ҳажмида уюшмаган савдо товар айланмаси 10843,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилга нисбатан 9,8 фоизга ўсди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу секторнинг улуши 15,3 фоизни ташкил қилган.

2015 йилда чакана савдо товар айланмасининг таркиби йирик корхоналар ва кичик тадбиркорлик (шундан уюшмаган савдо товар айланмаси) соҳасига тўғри келди [8].

2-жадвал. 2015 йилда республикамизда чакана савдо товар айланмасининг таркиби

Чакана савдо товар айланмасининг таркиби	млрд. сўмда	2014 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	71025,6	115,1	100,0
йирик корхоналар	9185,7	109,0	12,9
кичик тадбиркорлик	61839,9	116,0	87,1
кичик тадбиркорликдаги уюшмаган савдо товар айланмаси	10843,6	109,8	15,3

Улардан ташқари, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилиб, 15 трлн. сўмни ташкил қилди. Бу умумий ҳажмнинг 56,1 фоизини ташкил қилиб, 7,9 фоизга ошди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг ҳажми 14,9 фоизга ўсиб, 12 трлн.

сўмни ташкил қилди. Пуллик хизматларнинг умумий ҳажмидаги улуши эса 43,9 фоизни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 873,7 минг сўмни ташкил этди ва бу 2014 йилга нисбатан 8,9 фоизга ошди. Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат секторнинг улуши 86,5 фоизни ташкил этди.

Ана шулардан келиб чиқиб, республикамиз товар ва хизматлар бозорининг самарадорлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Бу эса қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- имтиёзлар, қулайликлар, фармонлар ва қарорлар;
- кредитлар (паст фоизли);
- давлат буюртмаларини кўпайтириш;
- экспорт имкониятларини яратиш.

Умуман олганда, товар ва хизматлар бозорида тадбиркорлик фаолияти бозорни самарали кенг тараққий қилдиришга, чакана товар айланмасини тезлаштиришга, товар ва хизматларнинг эркин алмашилишини таъминлашга, пуллик хизмат кўрсатиш тизимининг янада яхшиланишига олиб келади. Бу эса товар ва хизматлар бозорида тадбиркорликни ривожлантириш ҳар бир тармоқнинг мулкдор, тадбиркорларга айланиши ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- бозор субъектларига солиқ имтиёзлари берилишини янада такомиллаштириш;
- бозор субъектларининг товар ва хизматларни айирбошлаш жараёнини ихтисослаштириш ҳамда алоқаларини интеграциялаш;
- товар ва хизматларни самарали амалга оширишга қаратилган савдо маркетингининг концепциясини яратиш;
- бозорда ички иқтисодий алоқаларни самарали ташкил этиб, уларни халқаро иқтисодий алоқалар билан уйғунлигини таъминлаш;
- янги тадбиркорлик фойдасини кўпайтириш имкониятларини топишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама маъминлашга ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифати жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // “Хоразм ҳақиқати” газетаси. 2017 йил 18 январь. № 5 (19351).
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: “Ўзбекистон”. 2007. 41 б.
5. Лешенко Б.А., Матмуродов Ф.М., Бекбасова А.А. Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТАҚИ нащриёти. 2004.
6. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил. Манба: www.iqtisodiyot.uz
7. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Статистик тўплам. Т., 2015 йил 4 ноябрь. 28-30 б.

8. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий веб-саҳифаси

Абдуллаев Ф.О., Исмаилов А.Б. (Урганч давлат университети)
МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИ
(Хоразм вилояти мисолида)

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда лизинг хизматлари диверсификациялашувининг аҳамияти Хоразм вилояти мисолида таҳлилий маълумотлар асосида ёритиб берилган бўлиб, вилоятнинг лизинг хизматлар бозоридаги мавжуд ҳолати юзасидан SWOT таҳлили ўтказилган.

Аннотация. В статье на основе аналитических данных по Хорезмской области освещена важность диверсификации лизинговых услуг в Узбекистане, проведен SWOT анализ нынешнего состояния рынка лизинговых услуг области.

Abstract. The article includes information about the importance of diversification of leasing services in Uzbekistan based on the analytical data of Khorezm region, SWOT analysis were conducted on the current state of the leasing market in the region.

Калим сўзлар: лизинг, лизинг берувчи, лизинг тўловлари, лизинг портфели.


Ключевые слова: лизинг, лизингодатель, лизинговые платежи, лизинговый портфель.

Key words: leasing, lessor, leasing payments, leasing portfolio.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларини тубдан модернизация қилишга киришилган бўлиб, ўтган 2016 йилда мамлакат иқтисодиётига 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди [1]. Бу каби йирик ҳажмдаги лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий ва хорижий молия институтлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар, хусусан лизинг хизматларининг салмоғи ва сифати муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда лизинг фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асоси мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби” тўғрисидаги низоми бугунги кунда лизинг бозори иштирокчиларининг самарали фаолият юритишига кенг шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Ҳуқуқий нормативлар мустаҳкамлиги йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609 сонли Фармонида мувофиқ, шунингдек кредиторлар ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотнинг ягона реестрини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда гаров муносабатларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июнда 155-сонли қарорида “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланган [2]. Шунингдек, кейинги йилларда инвестиция муҳитини яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини, бевосита лизинг хизматлари ва сервис бозорини қўллаб-қувватлаш бўйича республикамиз ҳукуматининг олиб бораётган изчил иқтисодий сиёсати туфайли лизинг хизматлари ва сервис бозори кенгайиб бормоқда [3].

Статистик маълумотларга кўра, 2016 йилда лизинг хизматларини кўрсатувчи 126 та ташкилот рўйхатга олинган. Шу билан бирга, лизинг амалиётлари билан 69 та ташкилот, шу жумладан 21 та тижорат банки фаол шуғулланган [4]. Дарҳақиқат, лизинг хизматлари кўрсатилиш кўлами мамлакат ҳудудлари бўйича таққослаганда шартномалар ҳажми бўйича вилоятлар бир-биридан катта миқдорда фарқ қилмайди. Фақат Тошкент шаҳри катта улушни, яъни 38,1 % ни эгаллаб турган бўлса, Тошкент вилояти 7,4 %, Самарқанд вилояти 7,1 % ни эгаллаб турганини кўриш мумкин. Хоразм вилоятида мазкур кўрсаткич 2014 йилда 5,04 % ни 2015 йилда 4,61 % ни 2016 йилга келиб 2,5 % ни ташкил қилган ҳолда 2014 йилга нисбатан қарийб икки бараварга камайган. Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, охириги 3 йил ичида амалга оширилган лизинг операцияларини таҳлил қилганда вилоятда жами ҳисобда молия институтлари томонидан 2014 йилда 330 та, 2015 йилда 319 та ва 2016 йилда 226 та лизинг хизматлари кўрсатилган (1-расм).




1-расм. Сўнги уч йилда Хоразм вилоятида амалга оширилган лизинг битимлари ҳажми. (млн. сўмда)

Шунингдек, жаҳон тажрибасидан олиб қаралганда, лизинг портфелини диверсификациясини таъминлаш асносида хизматлар соҳасининг ушбу сектори билан боғлиқ рисклар камайишига ҳамда амалга ошириладиган лизинг шартномалари сонининг ошишига олиб келади [5]. 2016 йилда Хоразм вилоятида молия институтларидан жами 12 та лизинг компаниялари ва 2 та тижорат банклари томонидан жами 24 172 600 минг сўм миқдорда 226 та лизинг хизматлари кўрсатилган. Энг йирик лизинг берувчилардан “O‘zselxozmashleasing” компанияси 14259 млн. сўмлик жами 180 та лизинг битимларини имзолашга эришди (2-расм).

Расмга асосан, жорий ҳолат лизинг амалиётлари ҳажми, лизинг хизматларини тақдим қилувчи корхоналар низом жамғармаларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда юқоридаги таҳлилий маълумотларни ўрганиш асосида Хоразм вилояти лизинг хизматлар бозорининг SWOT таҳлилини келтириб ўтиш мумкин. Унга кўра, лизинг хизматларини ривожлантиришнинг **кучли томонлари** сифатида асосан қулай меъёрий-ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги ва солиқ имтиёزلарининг мавжудлиги, лизинг объектларининг

лизинг олувчиларга ўз вақтида етиб бориши, бозорда янги ва кучли лизинг берувчиларнинг пайдо бўлиши кабиларни қайд этиш мумкин.



2-расм. 2016 йилда Хоразм вилоятида лизинг компаниялари томонидан амалга оширилган лизинг битимлари ҳажми (млн.сўмда)

Шунингдек, лизинг хизматларини ривожлантиришнинг **заиф томонлари** сифатида бозорда қишлоқ хўжалик техникалари сегментининг ҳукмронлиги, лизинг сервисининг заифлиги, салоҳиятли лизинг компаниялари сонининг камлиги, тижорат банклари томонидан кредит хизматларига устуворлик берилиши, тўловга қодир лизинг олувчилар сонининг камлиги, лизинг берувчиларда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, лизинг бўйича етарлича ахборотга эга бўлмаслик каби кўрсаткичларни айтиш зарур.

Шунинг билан бирга, лизинг хизматларини **ривожлантиришнинг имкониятлари** сифатида ҳукумат томонидан лизинг хизматларини кўрсатишга устуворлик берилиши, вилоятда лизинг берувчилар сонининг кўпайиши, тўловга қобил мижозларни кўпроқ жалб қилиш, лизинг хизматлари кўпгина сегментларининг ўзлаштирилмаганлиги, жисмоний шахслар микролизингини ташкил қилиш кабиларни таъкидлаш мумкин.

Минтақада лизинг хизматларини ривожлантиришга **таҳдид солувчи** жиҳатлар сифатида баҳолар ва фоиз ставкаларининг ошиши, солиқларнинг ўсиши ва бозор конъюнктурасининг ўзгариши, бошқа ҳудудлардаги ёки хорижий рақиблар бозор мавқеининг ўсиши, валютали лизинг хизматлари учун валюта курсининг нобарқарорлиги, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳамда лизинг объектининг маънавий эскиришини айтиш жоиз.

Ана шу ва бошқа муаммолар юзасидан қуйидагиларни вилоят миқёсида соҳада ривожланишнинг ташкилий иқтисодий-омилларини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- лизинг тўғрисидаги қонуний-меъёрий ҳужжатларда хорижий сармоядорлар учун кафолатлар ва имтиёзларни мустақам белгилаб қўйиш мақсадида зарур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда хорижий сармоядорлар ва кенг омма учун regulation.gov.uz сайтида муҳокамага қўйиш;

- миллий статистика тизимида лизинг хизматлари бозорини таҳлил этиш имконини берувчи кўрсаткичлар тизимининг ҳисобини юритиш;

- бошқарувни автоматлаштириш механизмини яхшилаш орқали аризаларни кўриб чиқиш ва ускуналарни етказиб бериш муддатларини янада қисқартириш ҳамда лизинг берувчиларга агент банкни мустақил равишда танлаш имкониятини яратиш;

- лизинг хизматлари рекламасини кучайтириш мақсадида лизинг компанияларининг электрон веб саҳифаларини такомиллаштириш;

- вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан техника ва технологияларга бўлган талабни лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида маркетинг қилиш, лизинг компаниялари портфелларини ускуналар, ижтимоий соҳа объектлари (мактаб, мактабгача таълим муассасалари) лизинги ҳисобига диверсификациялаш;

- жойларда, айниқса, қишлоқларда ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилмани, хусусан, сервис кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида муайян имтиёзлар бериш эвазига банкларнинг кредит портфелида лизинг операцияларининг улушини кўпайтириш;

- Хоразм вилоятида лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўлган туризм-меҳмонхона хўжалиги бизнеси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ҳамда тиббиёт ва ичимлик сувини қайта ишлаш ускуналари билан ишловчи КБХТ субъектларига имтиёзли фоизлардаги лизинг хизматлари ва сервисини кенгайтириш.

Умуман олганда, минтақа иқтисодиётида лизинг хизматлари иқтисодиётни ривожлантиради ва бу лизинг компанияларининг фаолияти орқали таъминланади. Бу эса, Хоразм вилоятида келажакда лизинг хизматларининг барқарор ривожланишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2017 йил 15 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014 йил. 25-сон, 305-модда; 2015 йил. 26-сон, 338-модда.
3. Абдуллаев Ф.О. Минтақада лизинг хизматлари ва сервиснинг ривожланиши: муаммолар, ташкилий-иқтисодий омиллар ва ечимлар. Монография. Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти. 2012.
4. Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмаси. Ўзбекистон лизинг хизматлари секторининг таҳлили: 2016 йил яқунлари бўйича. Тошкент. 2017.
5. Юсупова А. Развитие российского рынка лизинговых услуг // Журнал «Лизинг». № 6. 2010.
6. <http://uzbekleasing.com/uz> сайти маълумотлари.

ТАРИХ ФАҲЛАРИ**Мавлонов Ў.М. (ТИМИ), Каримов Я.А. (УрДУ)
АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИДА
ТУТГАН ЎРНИ**

Аннотация. Мазкур мақолада Амударё сув йўлининг Марказий Осиё коммуникация тизимидаги ўрни тарихи ёритилган.

Аннотация. В данной статье освещена история значения Амударьинского водного пути в коммуникационной системе Центральной Азии.

Abstract. The given article is devoted to the history of the Amudarya and its role in the communication system of Central Asia.

Калим сўзлар: Марказий Осиё, Амударё, энеолит, бронза, Ўзбой, Сарикамиш.

Ключевые слова: Центральная Азия, Амударья, энеолит, бронза, Узбой, Сарыкамьш.

Key words: Central Asia, Amudarya, Eneolithic Age, Bronze Age, Uzboy, Sarikamish.

Марказий Осиёнинг серсув дарёлари водийларини ўзлаштириш мезолит ва неолит даврларида бошланиб, энеолит ва бронза даврларида бу жараён янада кенгайди. Амударё сув йўли Марказий Осиёнинг қуруқликдаги қарвон йўллари билан бир қаторда минтақанинг ички ва ташқи иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин тутиб келган. Амударё сув йўлидан фойдаланиш минтақада сув транспорти воситаларининг пайдо бўлиши ва эволюциясига боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мезолит ва неолит даврида дарё ва кўлларда сузишга мўлжалланган соллар ва қайиқлар пайдо бўлган [1, 2].

Марказий Осиёда кемачиликнинг пайдо бўлиши ҳам қадимги даврларга бориб тақалади. Хусусан, Нукусдан 20 км. жанубда жойлашган Бештепадаги қоятош суратларда бронза даврига оид деб ҳисобланган кема тасвири [3:15, 75] Хоразм воҳасида кемачилик қадим асосларга эга эканлигини тасдиқлайди. Эски Термиздаги Қоратепа ёдгорлигидан топилган булладаги, Афросиёб деворий суратларидаги кема тасвирлари ўрта асрларда фойдаланилган кемалар шакли ва тузилиши ҳақида муҳим маълумот беради [4:247, 248].

Ўрта асрларда Амударё ва Сирдарё бўйлаб кемачилик ривожланди. Амударёда Кат [5] ва Термиз каби кемалар ясаладиган йирик марказлар вужудга келди. Сўнгги ўрта асрларда Амударёнинг ўрта оқимидаги муҳим кечувлар бўйидаги қалъаларда (Келиф, Керки, Чоржўй ва бошқалар), Бухоро ва Хива хонлигидаги қишлоқларда (Қорамаз ва Жаланди) ҳам қайиқлар ясалган. Сирдарё хавзасида эса, йирик кемачилик марказлари сифатида Хўжанд, Банокат-Шоҳрухия, Чиноз каби шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган [4:250].

Кемачиликда асосий хом-ашё қаттиқ ва сувга чидамли арча, тут, қайроғоч, тол дарахтлари бўлган [6]. Кема ясаладиган ёғочларни танлаш, ишлов бериш ва кемалар, қайиқлар яшаш малакали усталар томонидан бажарилиб, бу жараён давлат томонидан назорат қилинган.

Ўрта асрларда минтақадаги кемалар ва қайиқлардан йўловчилар ва турли маҳсулотлар ташишда ҳамда ҳарбий мақсадларда фойдаланилган [7:58, 78, 88; 8:144-146; 9, I:230-232, 280-281; 10:103; 11:141; 12:33-34]. Минтақадаги сув йўллари бўйлаб кемаларда юклар ва йўловчилар ташиш маълум ҳақ эвазига амалга оширилиб, бу жараён давлат назоратида бўлган.

Дарёлардан ўтишда ва сув оқими бўйлаб сузишда, қайиқлар ва кемалардан ташқари отлардан [13:355; 14:118], теридан тайёрланган мешлардан ҳам фойдаланилган. Юнон муаллифлари мешлардан Қадимги Шарқда мил. авв. I минг йиллик ўрталарида кенг фойдаланилгани ҳақида хабар беради [15:22; 89; 16:138; 17:6-30]. Ўрта аср манбаларида

Амударё ва Сирдарёдан ўтишда мешлардан фойдаланилгани ҳақида маълумотлар мавжуд [10:93,96; 18:167].

Кема ва қайиқлардан нафақат сувда ҳаракатланиш воситаси сифатида, шу билан бирга йирик дарёларда боғлама (понтон) кўприклар барпо этишда ҳам фойдаланилган [19:274; 20:23, 22; 24:118; 9 I:280, 281; 22 II:140, 141; 23:18, 21].

Минтақадаги савдо алоқалари тизимида Амударё сув йўли катта аҳамиятга эга эди. Шуни таъкидлаш керакки, Амударё ўз йўналишини бир неча бор ўзгартириб, гоҳ Орол, гоҳ Каспий денгизига, айрим даврларда эса ҳар иккаласига бир пайтда қуйилиб турган [24:15-94].

Амударё сув йўли ҳақидаги ёзма маълумотлар асосан антик даврдан бошлаб учрайди [25:311; 26:317; 27:155, 188]. Мил. авв. V-IV асрларда Амударё Сарикамиш ва Ўзбой ўзани орқали Каспий денгизига қуйилган. Ҳиндистон савдо шаҳарларидан карвон йўли орқали келувчи маҳсулотлар Амударё сув йўли орқали Каспий денгизидан Кавказорти ва Қора денгизга олиб чиқилгани транзит ҳудуд сифатида Хоразм воҳасининг аҳамиятини оширган [28:9-13]. Ўзбой сув йўлини назорат қиладиган мустаҳкамланган қалъалар [29:29-31], Амударёнинг ўрта оқимидаги Одойдепа [30:27-54], Кампиртепа [31:93; 32:51-52], Келиф, Керки, Амул ва бошқа муҳим кечувлар бўйидаги қалъалар [5:229; 33:189] ушбу сув йўлида муҳим стратегик манзиллар эди. Каспий ва Орол денгизида кемачилик ривожиди хоразмликлар ва суғдийлар фаол иштирок этган [4:243].

Ўрта асрларда Амударё сув йўлидан иктисодий алоқаларда кенг фойдаланилиб, кемаларда турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташилган [34:73]. Туркистон чор Россияси томонидан истило қилинган, минтақадаги сув йўлларидаги аҳамияти янада ошди. 1887 йилда Амударё флотилияси очилиши, дарёда катта кемалар ва пароходлар қатнови йўлга қўйилиши [35] Амударё сув йўлига Россия ҳарбий-сиёсий доиралари эътибори катта бўлганини кўрсатади. Туркистон ҳарбий округи Бош Штаби ҳарбий разведкачилари ҳам Амударё сув йўлида кемачилик ва кечувлар фаолиятининг хусусиятларини жиддий ўрганиб чиққани, бу сув йўлининг минтақа коммуникация тизимида тутган стратегик аҳамиятини кўрсатади.

Ўрта асрларда Хоразмдаги катта каналларда, хусусан, Амударёдан ғарбий йўналишда чиқарилган Ҳазорасп, Говҳар, Кардаранхош (Кардаран-хас), Мадра, Вадак ва бошқа каналлар бўйлаб кемаларда юк ташилган [36:461].

Марказий Осиёдаги Амударёнинг ирмоқлари бўлган бошқа дарёларда ҳам қадимдан кемачилик ривожланиб келган. Масалан, Зарафшон дарёси ва ундан чиқарилган каналларда (Барш, Новкенд, Вакар ва Бармиш) X-XII асрларда қайиқчилик ривожланган. Зарафшон сув йўлидан фойдаланиш сўнгги ўрта асрларда ҳам давом этган. XIX аср охирида Сурхондарёда ҳам қайиқларда юк ташилгани маълум.

Кемачилик ривожиди, кемаларда юк ташиш мавсумга қараб ўзгариб турган. Хусусан, қаттиқ қиш ойларида сув йўлидан фойдаланиш тўхтаб қолган бўлса [7:397], баҳорги тошқинлар ҳам сув йўлларида фойдаланиш ва кечувлардан ўтишда маълум қийинчиликларни юзага келтирган. Ёз фаслида дарёларда кемалардан фойдаланиш даражаси анча ошган.

Хулоса қилиб айтганда, Амударё ҳамда уларнинг ирмоқлари бўйлаб ўтган сув йўлларида фойдаланиш мил. авв. II-I минг йилликларда бошланган. Сув йўллари минтақа коммуникация тизимининг муҳим тармоғи сифатида иктисодий-маданий алоқаларда катта ўрин тутиб, йирик дарёлар бўйида кемачилик билан боғлиқ касб-хунарлар (кема ва қайиқлар ясаш, таъмирлаш) ривожланган, кечувларни назорат қиладиган шаҳарлар ва қалъалар пайдо бўлган, солиқларни ва бож тўловларини ундиришга масъул амалдорлар фаолияти ва бошқа тегишли инфратузилмалар йўлга қўйилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Семенов С.А. Развитие техники в каменном веке. Ленинград: “Наука”. 1963. стр. 261.

2. Алексеев В.П., Першиц А.И. История первобытного общества. Москва: “Высшая школа”. 1990. стр. 224.
3. Толстов С.П. Древней Хоразм. Опыт историко-археологического исследования. Москва: Изд. МГУ, 1948.
4. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Ташкент. 2005.
5. Shamsaddin Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descripio imperii Moslemici / Ed. M. J. de Goeje. Leiden: Lugduni Batavorum apud E. J. Brill, 1967. Bibliotheca geographorum arabicorum. III. P. 325.
6. ЎзР МДА. И-1 фонд, 22-рўйхат, 832-иш, 17-варак.
7. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1996.
8. Мирзо Улуғбек. Тарих-и арбаъ улус (Тўрт улус тарихи). Тошкент: “Чўлпон”. 1994.
9. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. Тошкент. 1999.
10. Сайди Али Раис. Миръотул ма’молик (Мамлакатлар кўзгуси). Тошкент. 1963.
11. Извлечения из “Истории Надир-шаха” (“Тарихи Надири”) Мирза Мехди-хана Астрабадского. МИТТ. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1938. Т. I.
12. Саид Ҳомид Тўра Камёб. Таворих ул-хавонин. Тошкент: “Академия”. 2002.
13. Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-Тарих. Ташкент: “Узбекистан”. 2006.
14. Абулғози. Шажараи турк. Тошкент: “Чўлпон”. 1992.
15. Ксенофонт. Анабассис. Москва: ЛАДОМИР. 2003.
16. Арриан. Поход Александра. М.-Л., 1962.
17. Курций Руф. История Александра Македонского. Москва. 1963.
18. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-Мулук. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1997.
19. Извлечения из «Тарих-и Бейхаки» Абу-л-Фазля Бейхаки. МИТТ. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1939. Т. I.
20. Рашидиддин. Жаъми ат-таварих. Сборник летописей. М.-Л., 1946. Т. III.
21. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойибатлари). 2 жилдлик. Тошкент: “Меҳнат”. 1-китоб. 1992.
22. Извлечения из «История Надир-шаха (“Тарих-и Надири”) Мирза Махди-хана Астрабадского. МИТТ. М.-Л.: Изд-во АН СССР. 1938. Т. II.
23. Массон М.Е. Среднеазиатские мосты прошлого и проблемы их изучения. Ташкент: “Узбекистан”. 1978.
24. Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму-дарьи с древнейших времен до XVI века. Москва: “Наука”. 1965. Т. III.
25. Страбон. География. В семнадцати книгах. Москва: ОЛМА-ПРЕСС Инвест. 2004.
26. Аммиан Марцеллин. Римская история. Москва: ЛАДОМИР, 2005.
27. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х частях. Алма-Ата: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч.2. С. 155, 188.
28. Алимова Д., Ртвеладзе Э., Абдурасулов У. Средняя Азия – Закавказье – Рим: О значении водного пути по Амударье через Каспийское море в Закавказье // «Дорога Страбона» как часть Великого шелкового пути: Материалы международной конференции. Баку, 28-29 ноября 2008 г. Самарканд-Ташкент, 2009.
29. Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1954-1956 гг. // Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1954-1956 гг. МХЭ. М., 1959. Вып. 1.
30. Пилипко В.Н. Древнее городища Одай-депа на среднем течении Амударьи // Каракумские древности. Ашхабад: Ёлым, 1979. Вып. 8.
31. Бартольд В.В. Хофиз Аbru и его сочинения. Москва: “Наука”, 1973. Т. VIII.
32. Дудаков С. Раскопки пристани Кампыртепа // Археология, история и культура Средней Азии: Тезисы докладов международной конференции. Ташкент, 2002.

33. Извлечения из “Ахсан ат-такасим фи-ма’рифат ал-акалим” ал-Макдиси. МИТТ. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1939. Т. I.
34. Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествие по Средней Азии. Москва: “Наука”. 1988.
35. ЎЗР МДА. 2-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш, 6-варақ; ЎЗР МДА. 3-жамғарма, 1-рўйхат, 875-иш, 3-5-варақ.

Собиров К., Абдиримов Р. (Урганч давлат университети)

ҚАДИМГИ ХОРАЗМДА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ ВА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ИЛК МАНБАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Қадимги Хоразмдаги шаҳарсозлик маданияти ва давлатчиликнинг илк манбалари таҳлил қилинади.

Аннотация. В данной статье анализируются первичные источники культуры градостроительства и государственности в Древнем Хорезме.

Abstract. Architectural culture and original sources of statehood in Ancient Khorezm were analyzed in the article.

Калим сўзлар: неолит, энеолит, бронза, Ўзбой, Устюрт платоси, этногенез.

Ключевые слова: неолит, энеолит, бронза, Узбой, Плато Устюрт, этногенез.

Key words: Neolithic age, Eneolithic age, Bronze age, Uzboy, Ustyurt plateau, ethnogenesis.

Ўзбек халқининг асрлар давомида орзу қилиб келган миллий мустақилликнинг 25 йили мобайнида жамиятнинг барча соҳаларида микдорий ва сифат жиҳатидан туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мустақилликнинг илк йилларидан эътиборан ўзбек халқи тарихига янгича ёндошиб, уни бирламчи манбаларга асосланган ҳолда ўрганиш ва ҳаққоний тарзда ёритиш учун кенг имконият вужудга келди. Миллий давлатчиликнинг тарихий илдизларини бирламчи манбаларга асослаиб ўрганиш ёш давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Миллий мустақиллик йилларида ижтимоий фанларнинг аҳамияти ошди. Тарих фанида минтақалар тарихини ўрганиш янги маънога эга бўлди. Собик иттифоқ доирасидан мустақил давлат бўлиб ажралиб чиққан Ўрта Осиёнинг миллий давлатлари аҳолиси янги жамиятга монанд мафкура яратиш, миллий давлатчилик тўғрисида турли хил ғоялар, дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқдилар ва шу асосда ёш давлат пойдевори асосини яратдилар. Уни мустаҳкамлаш ва янада юксакликка кўтариш сиёсатини олиб бордилар. XXI асрга ўзбек халқи миллий давлатчилик тарихини бирламчи манбалар асосида ўрганиш мазмуни билан кирди. Ўзбек давлатчилигининг илк тамал тошлари қўйилишида Хоразм воҳасининг тарихий ўрни бекиёс. Туроннинг муқаддас замини бўлган Хоразм воҳаси аҳолиси Амударёнинг беқарор ҳаракати ва ноқулай иқлим шароитига кўниккан ҳолда, қадимги даврлардан бошлаб қамраб олган тарихий-сиёсий жараёнлар гирдобиди қолиб, турли хил уруғ жамоалари, қабилалар ҳамкорлиги ва этник ва этногенетик муносабатлар шароитида илк шаҳарсозлик ва давлатчиликнинг илк манбаларини яратиш, жаҳон маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлиги бор гап. С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм экспедицияси ходимларининг ярим асрдан кўпроқ Амударёнинг ўнг ва сўл сарҳадларида олиб борган жасоратли меҳнати натижалардан маълум.

XX асрнинг 30-йиллари ўрталарида С.П.Толстов Ўрта Осиёда давлатчилик муаммосини илк мақоласида тадқиқотчилар эътиборига ҳавола қилган эди [1]. Лекин, тадқиқотчининг давлатчилик масаласидаги фикр-мулоҳазаси тадқиқотчилар томонидан ёзма манбалар ва археологик ашёлар таҳлили асосида ривожлантирилмаган.

Маълумки, давлатчилик вужудга келишининг илк манбалари ибтидоий жамиятда умргузаронлик қилган уруғ жамоалар, қабилалар томонидан яратилгани маълум. Тарихий

маълумотларга кўра, Устюрт платосининг шимоли-ғарбий ҳудудидаги Есен 2, 3, Қорақудук, Чурук 1, 2, Айдабол, Кугесем ва Шахпахта ҳавзасида сўнгги палеолит, мезолит ва неолит даври ибтидоий одамлар маконлари маданий қатламларидан олинган моддий ашёлар кейинги тарихий давр жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига манба бўлган. Султон Увайс тоғи атрофларида сўнгги палеолит ва мезолит даври овчиларининг маконларидан моддий ашёлар олинган [2]. Мазкур манба, Хоразм сўнгги тош даврида географик ва этник маконга айланганлигидан дарак беради. Мил. авв. VI-V йилликларга келганда Амударёнинг сув сатҳи кўтарилиши муносабати билан Қизилқум томон ирмоқ ажралиб чиқиб, Оқчадарё ирмоғи Ёнбошқалъа тепалиги шимолий ва шимоли-шарқий кумтепаликлари оралиғида мавжуд бўлган йўлаклар кўпсонли сув ҳавзаларига айланган. Айнан ўша сув ҳавзалари иқтисодий маконга эга бўлиши билан бирга, соҳил этаклари флора ва фаунага сероб бўлиб, аждоқларимизнинг келиб жойлашиб, аввалги касб-корини давом эттириши билан янги хўжалик соҳаларини кашф қилишига имкон яратган. Юқорида қайд қилинган тарихий санада Султон Увайс тоғи атрофларида “кечаги” овчиларнинг янги авлодлари кундалик ҳаётида озиқ-овқат муаммоси вужудга келганлиги боис янги иқтисодий ҳудудларни излашларига ҳаётнинг ўзи тақозо этган. Улар Қизилқум ва Қорақум оралиғида мавжуд бўлган сув ҳавзалари соҳили этакларига уланиб кетган баландлик ён қирраларига ярим ертўла турар-жойларни қуриб, турмуш тарзини олиб бориб, жамият иқтисодиётига янги йўналишларни олиб кирганлар.

Мил. авв. V-IV минг йилликларда Оқчадарё ҳавзасида хўжалик соҳаларини олиб борган уруғ-жамоалари “донишманд она” раҳнамолигида давлатчиликнинг ижтимоий-иқтисодий ва этник асосларини ҳосил қилганлар. Неолит жамиятининг ривожланиш тарихини ёритадиган манбалар Ёнбош-4, Толстов манзили, Кават-7 манзилгоҳлари маданий қатламидан олинган. Мил. авв. IV-III минг йилликнинг биринчи ярмида Амударёнинг ўнг соҳилидаги Оқчадарё ҳавзаси, сўл соҳилидаги Туямўйин ҳудудидаги Капарас воҳаси, Ўзбой, Сарикамиш ва Оролбўйи жанубий соҳили этаклари илк калтаминорликларнинг янги авлодлари томонидан давом эттирилган. Ўша кезларда уруғ жамоалари уюшмаларида ҳунармандчиликнинг лой кулолчилиги, мисдан қилинган меҳнат ва ов қуроллари меҳнат тақсимоти мавжуд бўлганлигини изоҳлайди. Кулолчилик касбини эгаллаб олган кулоллар ранг-баранг безакли митти-митти идиш-тавоқларни ишлаб чиқарганлар. Энеолит даври жамиятини қамраб олган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар Хоразм давлатчилигининг иқтисодий-маданий ва этник асосини яратиб, бронза жамиятининг тараққий этишига манба бўлган. Энеолит жамиятини қамраб олган ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари ва шу асосда шаклланган ишлаб чиқариш усули шаҳарсозлик ва давлатчилик омилларининг янада ривожланишига манба бўлган. Археологик изланишлар натижаларига кўра, Хоразм давлатчилигига манба бўлган моддий ва маънавий ашёлар Суёрган ва Тозабоғёб қабилалари манзилгоҳларидан олинган [3]. Хоразм давлатчилиги этногенези ва этник тарихига оид ноёб материаллар Кўкча-3 қабристонидан олинган эди. Кўкча тоғи атрофидаги тақир ерда қайр деҳқончилигини олиб борган аҳолининг 74 та қабридан олинган антропологик ашёлар Хоразмнинг бронза даврида кечган этнослараро муносабатлари тарихини ёритиш имконини берди [4].

Шу тариқа, юқорида келтирилган тарихий маълумотларни назарга олиб, қуйидаги якуний хулосани қайд қилиш мумкин:

-тарихий маълумотлардан маълум бўлдики, Устюрт платоси жануби-шарқий, шимоли-ғарбий ва Султон Увайс тоғи атрофи ҳудудларида турмуш тарзини олиб борган овчиларнинг моддий маданияти сўнгги тош, мезолит ва илк неолит даври тарихини ёритишга асос бўлиши билан бирга, давлатчиликнинг илк илдизларига манба бўлган;

-аждоқларимизнинг илк фаолияти натижалари кейинги тарихий давр жамиятининг ривожланишига ҳамда давлатчилик илдизларининг янада ривожланишига замин бўлган.

Таъкидлаш керакки, Хоразм атамасининг вужудга келиши ва ривожланиши, давлатчиликнинг илк манбалари неолит ва бронза жамиятлари бағрида намоён бўлган. Ўз

навбатида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жиҳатидан ривожланиши, давлатчилик асосларининг вужудга келишига аждодларимиз маънавиятида ўрин олган ҳаёт ва ижод уйғунлиги сабаб бўлган.

Хоразм воҳаси ва унга уланиб кетган Сарикамишбўйи ва Ўзбой ҳудудларида шаҳарсозлик ва давлатчилик асосларига бўлган омиллар.

Сўнги тош			
Ижтимоий	Иқтисодий	Маънавий	Этник
уруғ жамоаси; она бошқаруви; оилавий муносабатлар; умумий тенглик	Овчилик	тош ҳайкалчалар, табиат ҳодисаларига эътиқод	махаллий уруғ жамоалари (Устюрт платоси, Султон Увайс тоғи)
Неолит			
уруғ жамоаси; она бошқаруви; оилавий муносабатлар	тош ва суяк, меҳнат қуроллари, ҳунармандлар, безакчилик, а) кулолчилик; б) тўқимачилик; в) турар-жойлар; г) овчилик; д) термачилик; е) ўзлаштирувчи хўжалик;	тош ва суяк ҳайкалчалар, идиш-тавоқ. Оташгоҳ – оловни муқаддас билиш	махаллий уруғ жамоаси янги авлодлари
Энеолит			
уруғ жамоаси, оилавий муносабатлар; она раҳномалиги	мисдан қилинган ранг-баранг қуроллар; уй чорвачилиги; ўзлаштирувчи хўжаликлари ишлаб чиқаришга ўтилиши	идиш-тавоқлар, турли безакларга эга бўлиши, оловга сиғиниш	махаллий аҳоли этник таркиби
Бронза			
қабилавий муносабатларга ўтилиши; меҳнат тақсимоти	бронза меҳнат қуроллари; қайр деҳқончилиги; кўп тармоқли ҳунармандчилик	турли безакга эга бўлган идиш-тавоқлар; оташгоҳлар, оловга қараб эътиқод	туб аҳоли келгинди қабилаларнинг галалашishi

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии. Москва: “Наука”, 1938. С. 176-203.
2. Виноградов Е.А. Первые палеолитические находки в Султануиздаге // Приаралье в древности и средневековье. Москва: «Наука». 1998. С.74-77.
3. Итина М.А. Новые стоянки тазабагыбской культуры Ангка-5 и Кават-3 в 1957 г. МХЭ. вып. № 2. Москва: «Наука». 1960. С. 82-103.
4. Итина М.А. Раскопки могильника Тазабагыбской культуры Кокча-3. МХЭ. № 5. Москва: «Наука». 1965. С. 3-96.

**Шохрухмирзо Исмоилов (Хоразм Маъмун академияси)
XVIII-XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИ ВА РОССИЯ
ИМПЕРИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ВА ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ
ТАРИХИДАН**

***Аннотация.** Ушбу мақолада XVIII-XX аср бошларида Хива хонлиги ва Россия империяси билан дипломатик муносабат ва иқтисодий масалалар хорижий муаллифлар асарлари ва архив маълумотлари асосида ёритилган. Шунингдек, шу даврлар мобайнида Хивага келган ва Россия давлатига юборилган айрим элчилар ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.*

***Аннотация.** В статье изложены дипломатические отношения и экономические вопросы между Российской империей и Хивинским ханством в XVIII- и начале XX века на основе трудов зарубежных авторов и данных архивов. Приведены также некоторые данные о послых России и Хивинского ханства того периода.*

***Abstract.** The article deals with diplomatic relations and economic problems between Russian empire and Khiva khanate in 18-20th centuries on the basis of foreign authors' works and archive documents. Some information about ambassadors of Russia and Khiva was given.*

***Калит сўзи:** дипломатик миссия, пуд, рубль, Бекович-Черкасский, Нижний-Новгород, контрибуция, Мажбуриятлар акти, Красноводск, Мангишлоқ, эроли, ёвмут, човдур, Қабарда.*

***Ключевые слова:** дипломатическая миссия, пуд, рубль, Бекович-Черкасский, Нижний Новгород, контрибуция, Акт обязанностей, Красноводск, Мангишлак, имрали, явмут, чавдур, Кабарда.*

***Key words:** diplomatic mission, pood, rouble, Bekovich-Cherkasskiy, Nizhny Novgorod, contribution, act of obligations, Krasnavodsk, Manghishlak, emroli, yawmoot, chawdoor, Qabarda.*

XVI аср давомида рус подшолиги Қозон, Астрахан, Сибирь хонликлари, XVII аср давомида қозоқ қабилаларига тегишли кичик давлатларнинг тугатилиши, Россиянинг Ўрта Осиё билан чегара бўлиб қолишига ва ўз навбатида савдо ва дипломатик алоқаларнинг кенгайишига сабабчи бўлган. Россиянинг Ўрта Осиё бозорларини эгаллашдан асосий мақсади, бу ҳудуд орқали Ҳиндистон ва Хитойга чиқувчи янги савдо йўлларини очиш эди. Буни биз 1717 йилда Хивага юборилган ҳарбий экспедиция раҳбари Александр Бекович-Черкасскийга Пётр I томонидан тақдим этилган йўриқноманинг асосий бандидан ҳам кўришимиз мумкин: "... Агар хон розилик берса, хон кишилари қаторига 2 рус кишисини қўйсин ва улар Сирдарё бўйлаб олтин борлигини аниқлаш учун Ёркентга жўнатилсин. Шунингдек, хондан савдогарларимиз Ҳиндистонга Амударё бўйлаб бориши учун кема бериши сўралсин. Савдогарлар кетаётганларида қуруқлик ва сув йўлларини, айниқса Ҳиндистонга борадиган йўлларни яхшилаб ўргансинлар. Агар Каспий денгизи орқали бориши мумкин бўлган йўл аниқланса, шу йўл билан орқага қайтсинлар ва кўрганларини қозоғга туширсинлар ..." [1:30].

Ўз навбатида ушбу экспедицияни уюштирилишининг ҳам ўз сабаблари бор. 1713 йил Астраханга туркман савдогари Хўжа Нафас боради ва ўз вақтида Эроннинг Ғилон вилояти ҳокими бўлган, кейинроқ Россияга келиб христиан динини қабул қилган княз Михаил Самонов билан учрашади. Хўжа Нафас унга Амударёнинг эски ўзани ҳудудидан олтин топилганини айтиб беради. Айнан шу маълумот билан Санкт-Петербургга борган Сибирь губернатори Матвей Гагарин императорга Сирдарё бўйларидан топилган олтинни тақдим этган. Шу сабабдан мазкур ҳарбий экспедиция ташкиллаштирилиб, унга асли мусулмон бўлган Искандарбек (Александр Бекович-Черкасский) тайинланган. Ушбу шахснинг асл ватани Қабарда (Шимолий Кавказ ҳудудидаги вилоят. 1992 йилдан Россия федерацияси

таркибидаги Кабардино-Балкар республикаси) бўлиб, кейинроқ рус князи Голициннинг қизига уйланган ва христианликни қабул қилган. Кейинроқ поручик (Россия империяси армияси таркибидаги кичик офицер) унвонига тайинланиб Преображенскдаги полкда хизмат қилган. Лекин, бу экспедиция Хива хонининг хийласи оқибатида муваффақиятсиз тугаган [1:33].

Бироқ, бундан олдинроқ ва кейинги даврларда айрим Хива хонлари тахт учун курашда рус императорларидан ёрдам сўраб ва ҳатто рус фуқаролигига ўтиш нияти борлигини билдириб хат ёзишган. Масалан, Хива хони Шохниёз (1698-1702) 1700 йили Пётр I га шу мазмундаги хатни ёзган. Бу таклифни Пётр I кейинчалик кўриб чиқади ва 1703 йилда Хиванинг янги хони Араб Муҳаммадхон II(1702-1704)га хат ёзади. Бу хат ҳақида 1704 йил апрель ойида Москва журналида қўйидаги фикрлар эълон қилинган. *“Бизнинг олий императоримиз ҳузурига Хива хони ўз элчилар гуруҳи орқали мактуб йўллади. Ушбу мактубда Хива хони ўз қўли остидаги барча мулклари билан бирга олий ҳазратимизга содиқлигини билдирган. Олий ҳазратлари ушбу таклифни лутфан қабул қилиб, ўз элчиларини Хива хонига юборган”* [2:538, 539]. Бундай номалар XVIII аср ўрталарида Хива хони Нурали (1741-1742) даврида ҳам ёзилган.

Хива хони Нурали қозоқ хони Абулхайрхоннинг ўғли бўлиб, рус сайёҳи Валихонов маълумотида кўра, хиваликлар 1740 йилдан кейин расман рус фуқаролари ҳисобланган қозоқлардан хон тайинлашган. Бизга эса, қозоқ хони Абулхайрхон 1731 йилда Кичик Жуз қозоқлари давлатига келган рус элчиси Мурза Тевкеле орқали рус фуқаролигига ўтганлиги маълум [1:37].

XVIII аср охири ва XIX асрга келиб Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатлар бир қадар ўсган. Бунга, шу даврда Россияда тўқимачилик соҳасининг ривожланиши ва хом-ашёга бўлган талаб таъсир этган. Лекин, подшо ҳукумати Ўрта Осиёга суқилиб кириш режасини изчиллик билан давом эттирган. Масалан, XVIII асрда қозоқ жузлари ҳудудида 46 та катта ва 96 та кичик қалъалар бунёд этилган. 1819 йил рус капитани Н. Муравьев бир нафар бошқирд расмийларидан бири билан Хива хонлигига музокаралар ўтказиш учун келган. Бироқ, бу ташриф муваффақиятсизликка учраб бироз вақт Хивада асирликда ушлаб турилган.

Рус ҳукумати ўз манфаатларини амалга ошириш учун, ўзбек савдогарлари фаолиятини чеклашдан ҳам тоймаган. Жумладан, 1836 йил август ойида хивалик 46 нафар савдогар Нижний-Новгород ярмақасидан қайтиб келаётган пайтда ушлаб қолинган. Шундан сўнг, Оренбург генерал-губернатори Хива хони Оллоқулихон(1825-1842)га хат ёзиб, Хивада сақланаётган барча рус асирларини озод этиш ва империяга нисбатан душманликни йўқотишни талаб этган. Кейинги йил январь ойида Хива хонидан хабарчи келиб, агар ушлаб қолинган савдогарларни озод этиш ва Каспий денгизи бўйида қурилган Ново-Александровск қалъасини бузиб ташласа, рус асирларини озод этишга тайёрлигини билдиради. 1837 йилнинг ноябрида Хива хонлигидан элчи Қобулбой Россияга келади. Манбаларда келтирилишича, у ўзи билан 25 нафар рус асирини олиб келган. Бироқ, руслар бундан норози бўлиб Хивага яна янги элчи юборишган. Валиханов маълумотида кўра, икки йилдан сўнг 100 нафар рус асирини озод этилган. Бироқ, 1839 йил 200 га яқин рус балиқчилари Каспий денгизи бўйларида хиваликлар томонидан яна асирга олинган [2:547, 548]. Шу сабабдан, 26 ноябрь 1839 йили подшо ҳукумати Хивага қарши ҳарбий экспедиция уюштириш тўғрисида буйруқ чиқаради. Унга капитан (кейинчалик генерал) Перовский қўмондон этиб тайинланиб, 5000 аскар ва ҳарбий экспедиция учун барча нарсалар билан таъминланади. Бироқ, бу экспедиция йўлда туркман, қозоқ, ўзбек қабилалари ҳужуми ва оғир об-ҳаво сабаб орқага қайтишга мажбур бўлган. 1840 йил ҳарбий вазир граф Чернишев Перовскийга махсус хат юбориб, янги юришга тайёрланишга ҳозирлик кўришни буюради. Лекин, шу йил 19 майдаги подшо буйруғи билан бу юриш қолдирилган [1:43].

Хива хони Оллоқулихон Россиянинг янги ҳужуми ҳақидаги хабарни эшитиб, Истанбулга элчи юборган. Истанбулдан жавоб келмагач, инглиз элчилари Аббот ва

Шекспир етиб келиб, хон билан учрашган ва Россия билан янги урушга баҳона қолдирмаслик учун, барча рус асирларини озод этишни тавсия қилади. Хавф бартароф бўлгач хон Истанбулга Қутбиддинхўжа исмли элчини юбориб туркларни хабардор қилган. Кейинчалик инглизларга ҳам элчи юбориб, миннатдорчилик билдирган [1:54].

1841 йили Россиядан Хивага яна бир элчи капитан Никофоров юборилади. Унинг асосий вазифаси нафақат хон билан учрашиб музокара олиб бориш, балки Россия фуқароси бўлган қозоқларга Хива таъсирини қирқиш ва хонни Россия томонидан куйи Сирдарё худудини эгаллаш масаласида бетараф туришга кўндириш бўлган. Лекин, у бу вазифани адо эта олмаган. Бир йилдан сўнг, 1842 йил 27 декабрь куни янги рус элчиси Г.Данилевский Хивага келади ва Хива хони Раҳимқулихонга (1842-1846) “Мажбуриятлар акти” номли ҳужжатни имзолатишга эришган. Унга кўра, хон Россияга нисбатан муносабатларини яхшилашга ва рус савдогарларига катта имтиёз беришга мажбур бўлган. Бу Россия ва Хива ўртасидаги савдо алоқаларини кучайишига сабаб бўлган. Чунки, шартномага кўра, хон рус савдогарларига маҳаллий савдогарлар билан тенг ҳуқуқ бериб, савдо божини 5% дан оширмаган, савдогарларга Хива худудидан бошқа давлатларга ўтишга рухсат берган. 1858 йилдан эса, савдо божи ҳажми 2,5 % гача туширилишга эришилган [3:10].

Бу икки давлат ўртасидаги кейинги дипломатик муносабатларда асосан Россия манфаатлари кўзланган ва иложи борица Ўрта Осиёни иқтисодий жиҳатдан империяга қарам қилишга интилишган. Чунки бу даврда рус енгил саноати жадаллик билан ривожланаётган лекин, Америкадаги фуқаролар уруши сабаб пахта етишмовчилиги сезилаётган эди. Мисол тариқасида шуни кўрсатиш мумкинки, 1860 йилда Россияни Ўрта Осиё давлатларидан пахта импорти ҳажми 174.059 пуд (16,38 кг атрофидаги оғирлик ўлчов бирлиги) бўлган бўлса, 1864 йилгача 459.391 пудгача етган. Ўрта Осиёнинг Россия давлатидан импорти эса, 1862-1867 йиллар давомида 22 % дан 42 % гача ўсган.

1858 йилда Хивага юборилган полковник Н.Игнатъев бошчилигидаги дипломатик гуруҳ Россия учун ниҳоятда аҳамиятга эга бўлди. Чунки, бу элчилар гуруҳи Россия учун жосуслик вазифасини ўтаган бўлиб, уларнинг вазифалари қаторида Хива, Бухоро чўллари ҳақида мумкин қадар кўпроқ маълумот йиғиш, бу икки давлатнинг қозоқ, туркман ва қорақалпоқлар билан муносабатларини ўрганиш, Амударё ўзани ва унинг эски ўзанлари изларини топиш ва шу орқали олдин чизиб олинган хариталарни текшириш вазифаси кўйилган эди.

Ўрта Осиёга юришлар арафасида Хива билан савдо алоқалари янада кенгайган. Чунки, бу даврда Кўкон ва Бухоро билан ҳарбий ҳаракатлар боис асосий савдо алоқалари шу давлат билан бўлган. Шу сабабдан, Россиянинг Бухорога экспорти 1864-1866 йиллар давомида 4.655.000 рублдан 877.000 рублгача камайган бўлса, шу давр оралиғида Хива билан савдо ҳажми 11.000 рублдан 1.565.000 рублгача ошган. Бироқ, Хива хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатлар пайтида бу кўрсаткич яна 2/3 қисмгача камайган [3:51].

Бу даврда икки давлат муносабатларига қозоқ чўлларидаги қозоқ қароқчилари ҳалақит берар эди. Шу сабабдан 1867 йил 19 ноябрдаги Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг хатида Красноводскдан Хивага келувчи янги савдо йўли очишни таклиф этди. Бу даврда Россия-Хива савдо алоқалари асосан 2 йўналишда: 1. Хивадан қозоқ чўллари орқали Оренбургга 65 кунлик йўл (П-4.38 сонли илмий грант материалларига кўра 33 кун [4:78]). 2. Хивадан Манғишлоқ орқали Астраханга борувчи йўллардан фойдаланилар эди. Красноводскдан Хивага келувчи йўл эса, 12-17 кунни ташкил этган. Россия учун бу йўл ҳар томонлама қулай бўлиб биринчидан, дарё ва денгиз орқали Красноводск Россиянинг марказий шаҳарлари билан уланиб турган, иккинчидан туркман қабилаларни назоратда ушлаш учун хизмат қилган, учинчидан келгуси ҳарбий юришларга замин вазифасини ўтаб берган, тўртинчидан инглизларни жанубдан бўлувчи Ўрта Осиёга бўлган таъсирини қирқиш учун хизмат қилган.

Лекин, айрим манбаларга кўра бу таклиф бундан олдинроқ 1819 йил Хивага келган Н. Муравьев томонидан хонга таклиф қилинган экан. Ўша учрашувда Н. Муравьев хонга ўз

совға саломларини топширгач эртаси куни расмий қабул маросими бўлган. Унда хон билан бирга амалдорлардан Хўжа маҳрам ва Юсуф меҳтар қатнашган. Дипломатик тақаллудан сўнг элчи Кавказ армияси бош қўмондони А.П.Ермолов таклиф этган ушбу йўл орқали савдо алоқаларини ривожлантиришни таклиф этган. Бироқ, хон унинг таклифини рад этади [4:78].

Кейинчалик, Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман (1867-1881) ва ҳарбий нозир Д.Милютин томонидан қўллаб қувватланган. Кауфман бу таклифни хонга 1869 йил 12 ва 20 сентябрь ойларида, 1870 йил 18 январдаги 3 та хати орқали такроран таклиф этган ва ҳатто агар таклифни рад этса, бу шаҳарни ҳарбий куч билан босиб олишини таъкидлаб ўтган. Бунга жавобан 1870 йил февраль ойида Муҳаммад Мурод девонбеги ва шу йил сентябрь ойида Хива қушбегиси томонидан ёзилган хатда бу таҳдидга жиддий норозилик билдириб уруш бўлиши билан огоҳлантирган [3:55].

1871 йил Хива ҳукумати Тбилиси ва Петербургга элчи юбориб фон Кауфманнинг ҳаракатига норозилик билдирилган бироқ, шу йилнинг январида Хивага қарши ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик кўриш ҳақида буйруқ чиқариб бўлинган эди. Шу сабабдан, Хива 1872 йилда ўз элчиларини Калькуттага инглиз лорди Нортбурк хузурига ёрдам сўраб юборган лекин, бундан ҳам наф чиқмагач, Хива бўлажак урушга ўзи мустақил равишда тайёргарлик кўра бошлади.

Хива хонлигига қарши асосий ҳарбий ҳаракатлар 1873 йилнинг май ойларида бошланиб шу йил 12 август ойида “Гандимён” шартномаси тузилиши билан тугалланган. Ушбу шартномадан сўнг Хива хонлиги маъмурий, сиёсий, иқтисодий ҳаётида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Хива хонлигига қарашли ерлар Россияга бериб юборилди. Бу ерда Сирдарё вилоятига қарашли Амударё бўлими ташкил қилиниб, Хива хони амалда бўлим бошлиғига бўйсундирилди. Хон ташқи, ҳарбий ва молиявий ишлар бўйича деярли барча масалаларини бўлим бошлиғи маслаҳати билан амалга оширадиган бўлди. Бу эса, урушдан кейин ҳудудлар борасидаги муаммоларга сабаб бўлган. Амударё бўлими бошлиғи ва Хива хони ўртасида шу масала бўйича бир нечта ёзишмалар олиб борилган. Жумладан, Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган Хива хонлари ҳужжатларининг 1 жилдида 1874 йил 24 октябрда Амударё бўлими бошлиғи Ивановнинг хонга ёзган мактубида чегараларни аниқ белгилаш учун бир нафар вакил юборинг деб сўралган. Шунингдек, шу йилда 1874 йил 2 июлида ёзилган хатида Толиқ ва Улкан дарёлар бўйида яшовчи қорақалпоқлар ҳақида маълумот берилган [5 1:4-8].

Бундан ташқари шартномага кўра, Хива Россияга 2.200.000 рубль миқдоридан контрибуция 20 йил давомида тўлашни ўз бўйига олди. Урушдан сўнг 1885 йил ўтказилган бож ислоҳотидан сўнг хонлик бозорлари рус моллари билан тўлдириб ташланди. хиваликлар айнан шу даврда Россия билан савдодан келган даромад анча ошишига муваффақ бўлишган бўлсада, даромаднинг кўпчилик қисми шартнома пулини тўлашга сарфланди. Ваҳоланки, 1881 йилдан сўнг контрибуциянинг йиллик миқдори 200.000 сўмгача оширилган эди. Бу шартнома пули 1893 йилга келибгина тўлиқ тўлаб бўлинди. Лекин, бу контрибуциянинг маълум қисми Хива хонлиги таркибида яшовчи туркман қабилаларига ҳам юклатилган. Ҳозирги кунда Хоразм Маъмун академиясида фаолият юритаётган “Хива хонлари архив ҳужжатлари” номли грант материалларини ўрганиш чоғида шу пайтдаги Амударё бўлими бошлиғи полковник Ивановнинг хонга ёзган мактубида туркманларнинг Имроли, Човдур, Қора йилғин, Ола эли, Ёвмут, Қоратош қабилаларига қўйилган контрибуция пуллари Хива тилласи ва рус рубли қиёсида келтирилиб, тўланмай турган қисмлари аниқ кўрсатилган [5 20:4].

Бу даврда Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) ўзининг ташқи ва ҳарбий ваколатларидан деярли айрилган бўлсада, оз бўлсада ички мустақилликга интилган. Рус ҳукумати хонни ўз измида тутиб туриш учун турли мансабларга тайинлаган ёки турли мукофотлар билан тақдирлаб турган. Масалан, 1908 йил 16 августда Амударё бўлими бошлиғи Глушановский томонидан “...император олий ҳазратлари сизни 12 август куни

авлиё Владимир орденининг I-даражаси билан тақдирлади. Шунинг билан Мосих орқали сизга юбораман” деб ёзилган телеграмма [5 274:2] юборилган. Бундан ташқари, Хива хони Кавказдаги казаклар полкининг генерал-майори қилиб тайинланган бўлсада, ҳеч бир рус амалдори уни бир давлатнинг ҳукмдори сифатида тан олишмаган.

Туркистон генерал-губернатори ва хон ўртасидаги муносабатларни асосан Амударё бўлимида тайинланган Хива консули олиб борган бўлиб, у икки давлат ўртасидаги воситачи вазифасини бажарган.

Шунингдек, хон ҳам рус ҳукумати раҳбарларига дўстлик хатлари юборишга мажбур бўлган. Жумладан, хоннинг янги генерал-губернатор этиб тайинланган генерал-лейтенант Ивановга ёзган хатида қуйидаги фикрлар ёзилган: *“Аъзам император ҳазратлари 1902 йил 21 декабрда равшани олийлари била ўзимизга ва валиаҳд ўғлимиз Асфандиёр тўрага айтган марҳаматлари ва ҳар вақт ишонч била бизга кўз солиб тургонларига ул аъзам император ҳазратларининг тахт олийларига ўз тарафимиздин чин ихлосли қуллуқимизни еткурмакга ниятландик...”* [5 110:2].

Яна бир мактубда эса шу муносабат билан табриклаш учун юборилаётган хивалик элчилар рўйхати келтирилган бўлиб, қуйидаги шахслар элчилар гуруҳига киритилган. Асфандиёр тўра (бошлиқ), капитан Муҳаммад Ҳусайнбек Муҳаммад Мурод девонбеги ўғли, Имроли ҳокими Сардорбой Муҳаммад Мурод девонбеги ўғли, Хонқоҳ ҳокими Аминбой Исмоилбой ўғли, таржимон ва маслаҳатчи Корнилов, Муҳаммад Вафобой Баққол ўғли, ва бир маҳрам, жами 7 киши борадиган қилиб белгиланган [5 110:20].

Кейинги хон Асфандиёрхон (1910-1918) даврида Хиванинг Россияга бўлган тобелиги янада ортиб боради ва деярли барча соҳалар бўйича империяга қарам бўлиб қолади. Буни исботи сифатида биз Асфандиёрхоннинг 1911 йил Петербург шахрига борганда император олдида сўзлаган нутқининг айрим жумлаларини асл ҳолида келтирамиз: *“Сиз император аъзам оқподшоҳ ҳазратларининг ҳузури олийингизга келиб ўзимни ва ҳам юртимнинг тарафидан ихлос эътиқодимни изҳор қилмакимни ўзимга кўп бахт ва саодат билурман. Сиз подшоҳ ҳазратларининг марҳум отамнинг вафотида Аллоҳ таолонинг тақдири билан менга воқеъ бўлган оғир кунда менга қилган марҳамати олийингиз била сарафроз қилгонингиздин менинг вориси юртимга ҳукм қилмоғимга кўп қувват ҳосил бўлиб юртимга ҳам хурсандлик воқеъ бўлди...”* [5 9:15].

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки даврларда Хива ва Россия ўртасидаги дипломатик муносабатлар тенглик руҳида кечган бўлсада, рус императорлари доимий равишда бу давлатни ўзига тобе этишга ҳаракат қилган ва ҳар бир элчилари қиёфасида махсус вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олган жосуслар гуруҳини юбориб турган. Охир оқибат тўпланган маълумотлар оқибатида бу давлатни тўлиқ эгаллашга муваффақ бўлишган. Хива хонлари эса, бу муносабатлардан кўпинча иқтисодий манфаатларни кўзлашган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент. “Шарқ”. 2000.
2. Valikhanov, M. Veniukof. Russian in Central Asia. London. 1865.
3. Seymour Becker. Russia's protectorats in Central Asia (Bukhara and Khiva, 1865-1924). New York. 2005.
4. “XVI асрдан то 1920 йилгача Хива хонлиги тарихи” гранти ҳисоботи. Хоразм Маъмун академияси. 2005.
5. ЎзР. Марказий Давлат архиви. “Хива хонлари архив ҳужжатлар фонди” материаллари. ЎзМДА, И-125 фонд.

Назокат Маткаримова (Урганч давлат университети)

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР – ЮКСАК МАЪНАВИЯТНИНГ МЕЗОНИ

Аннотация. Ўзбек урф-одат ва маросимларини ўрганиш бугунги илмий жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада халқимиз ва асосан ёшларнинг миллий-маънавий қадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш асосий мақсад эканлиги баён этилган.

Аннотация. В современном научном процессе особое внимание уделяется изучению обычаев, традиций и ритуальных обрядов узбекского народа. Основная цель данной статьи- укрепление доверия и преданности народа, молодежи к нашим национально-духовным ценностям.

Abstract. Learning Uzbek customs-traditions and ceremonies is essential in today's scientific process. In this article, it is geiur an accourt that the mair purpose is to consolidate the faith ard conviction of our people and especially youth to the national and spiritual traditions.

Калим сўзлар: Миллий маданият, юксак маънавият, маданий мерос, қадриятлар, анъана, урф-одат, маросим, менталитет.

Ключевые слова: Национальная культура, высокая духовность, культурное наследие, достоинство, обычаи, традиция, церемония, менталитет.

Key words: National culture, evaluated spirituality, cultural heritage, values, customs – traditions, ceremonics, outlooks.

Ер юзидаги ҳар бир миллат фақат унинг ўзигагина хос бўлган анъана ва маросимлари билан алоҳида ажралиб туради. Табиийки, ҳар қайси халқнинг бебаҳо бойлиги бўлган бундай қадрият ва анъаналар бир-икки кунда пайдо бўлиб қолмаган. Инсониятнинг неча минг йиллик тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор-бир нарсанинг анъанага, айниқса, қадриятга айланиши узок даврни талаб қилади. Йиллар, асрлар давомида муайян қараш, одат, тушунча, тажрибалар замонлар, авлодлар синовидан ўтади, сайқал топиб боради. Агар улар кейинги авлодлар томонидан ҳам қабул қилинса, давом эттирилиб, урф-одатга айланса, демакки, энди уларни миллий анъана ва қадрият деб аташ мумкин бўлади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “Қадрият деганда, биз минг йиллар давомида шаклланган, одамлар ҳаёти, ички дунёсидан мустаҳкам ўрин олган, ҳеч қайси расмий ҳужжатда акс этмаган бўлса-да, унга барча амал қиладиган, инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган анъана ва удумларни тушунамиз” [1:83].

Ўзбек миллий маданияти кўп минг йиллик тарихга эга. Энг қадимий ёзма манба “Авесто” дан тортиб то бугунги кунгача яратилган кўплаб диний, илмий ва бадий асарларда ҳам, халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам халқнинг бой маданий мероси ва бетакрор маросимлари акс этганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Асрлар давомида яратилган ўзига хос, хилма-хил урф-одатлар ва маросимларнинг доимий такрорланиши ва халқнинг уларга амал қилиб келиши натижасида улар умрбоқийдир. Урф-одат ва маросимлар узок аждодларимизнинг эътиқодий тасаввурлари билан боғлиқ ҳолда барқарор анъаналар тарзида яшаб келади. Ўзбек халқининг урф-одатлари асрлар бўйи ўзбеклар миллатининг ташкил топишида иштирок этган барча қабилалар ва элатларнинг маданий малакалари, анъана ва маросимларининг уйғунлашувидаги мураккаб жараёнлар оқибатида таркиб топган. Улар ўзига хос ўта ёрқин ва турли-туман бўлиб, кўпчилиги ҳар-хил оилавий маросимлар тарзида намоён бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан эътиборан халқимизнинг хотирасини тиклаш, қадимий урф-одат ва маросимларини ўрганиш юзасидан чинакам тарихий аҳамиятга молик ишлар амалга оширила бошланди. Истиқлол йилларида ўзбек халқи маданияти ва маънавий меросига оид кўплаб рисоалар, мақолалар нашр этилди, илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бироқ ўзбек халқи миллий урф-одат ва маросимларининг ҳажми

хам, салмоғи ҳам шу қадар каттаки, унинг ҳар бир соҳаси, ёки ҳар бир тармоғи алоҳида тадқиқот манбаи бўла олади. Қолаверса, миллий кадриятларнинг бугунги трансформацияга учраётган глобаллашув жараёнида миллатнинг миллий негизини ўрганиш, ўзликни асраш олдимиздаги муҳим вазифалардан саналади.

Халқ маънавиятини янада юксалтиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан халқимизнинг маънавий комиллиги, миллат бутунлигини таркиб топтириш ва ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди. Ўзгараётган замон ва янгиланаётган макон мантиғи халқ характерида илгари етарли ривож топмаган янги фазилатларни таркиб топтириш заруратини кун тартибига қўяётганлиги боис, маънавий уйғониш, ҳушёрлик, атрофга кенг назар ташлаш, қиёслаб ҳаракат қилиш давр талаби ҳисобланади. Шу ўринда маънавият тушунчасига таъриф бераётиб олим М.Имомназаров уни “илоҳий нур” дея атаган эди. Ушбу таърифдан ҳам маълумки, халқ маънавиятининг асосини ташкил этувчи маданий мерос аجدодларимиздан бизгача етиб келган анъаналар, урф-одат ва маросимлар руҳий оламимизни озиклантирувчи, онг ва тафаккуримизни бойитувчи, кундалик ҳаётимизни безовчи муҳим мезон ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳар хил турли зарарли таъсирлардан сақланиш, ҳар қандай шароитда ҳам халқимизга азалдан хос бўлган миллий қиёфа, бетакрор фазилатлар эгаси бўлиб қолишимизда қадимий анъана ва кадриятларимизни асраб-авайлаб, уларга амал қилиб яшаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳар бир киши, миллат, халқ ўз тарихини билишни истайди, шунинг учун олимларимиз ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ўзлиги, маънавияти ва маданияти тўғрисида илмий яхлит концепция яратишлари зарур, деб таъкидлаган эдилар. “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз” [2:144]. Биринчи Президентимизнинг ушбу сўзлари миллий кадриятларимиз ҳисобланмиш ўзбек урф-одатлари ва маросимларини ўрганиш бугунги илмий жараёнда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Таникли этнограф ва тарихчи олим И.М.Жабборов эса “Тарихий меросимизни ўрганиш – фақат илмий жиҳатдан катта аҳамият касб этибгина қолмай, айна вақтда буюк аждодларимиз яратган маънавий хазинадан баҳраманд бўлишда, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ва инсоннинг ҳар томонлама камол топишида муҳим омил ҳисобланади” [3:3] – дея таъкидлайди.

Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва у орқали вояга етаётган инсонни соғлом эътиқодли, ҳар томонлама ривожланган комил инсон қилиб тарбиялашда:

биринчидан, бугунги ёш авлодда миллий кадриятларимизга, жумладан, оилавий анъаналар, урф-одат ва маросимларга оид эътиқодларни шакллантириш орқали уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва уларда оилапарварлик хусусиятларини тарбиялаш,

иккинчидан, бугунги глобаллашув даврида ёш авлодни миллий кадриятларимизга ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан асраш, халқимизнинг эзгу урф-одат ва маросимларининг муносиб давомчилари этиб камолга етказиш долзарб вазифалардан саналади. Бугунги кунда, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, халқимизнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизи ҳисобланмиш миллий маросимларга беписандлик, уларни йўқ қилишга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишлантиради. Уларга қарши курашишда аждодларимизнинг бой маънавий мероси, гўзал ва бетакрор миллий урф-одат ва маросимлари муҳим омилдир. Ана шундай миллий маросим ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва уларнинг бардавомлигини таъминлаш ҳар бир ёш авлоднинг зиммасига улкан бурч ва масъулият юклайди.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганларидек, “албатта биз тарихий синовлардан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган,

йиллар ўтгани сари кадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни кадрият деб биламиз” [1:82]. Албатта, ушбу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилятларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз. Зеро, миллий кадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу кадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русмларга баҳо берилади.

Ўзбек халқининг ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашда катта таъсир эта оладиган урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари ва маросимлари борки, уларни бугунги кунда ҳар бир оилада болалар онгига, кундалик ҳаёт тарзига сингдириш – ёшларнинг маънавий таҳдидлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш долзарб аҳамият касб этади. Бу борадаги мутахассисларнинг фикрига таянадиган бўлсак, ёшлар дунёқарашида миллий маънавий кадриятларга таяниш қуйидаги мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади:

Ёшлар ўз дунёқарашида миллий – маънавий кадриятларга таянмаса, уларнинг онги ва тафаккуридан мутлақо бегона кадриятлар жой олади. Ўзининг миллий маънавий кадриятларига нисбатан беписандлик билан қараш шаклланади.

Ёшларнинг миллий – маънавий кадриятларга бўлган муносабатининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, уларнинг амалий фаолиятларида кўпроқ қайси кадриятлар устувор бўлиб бораётганини аниқлашга ёрдам беради. Бундан кўзланган асосий мақсад уларнинг миллий маданий мерос ва кадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашдан иборат.

Ёшларнинг миллий – маънавий кадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодининг мустаҳкам бўлиши Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва мос тараққиёт йўли талабларидан келиб чиқади ҳамда ёшлар олдига аниқ вазифаларни қўяди [4:15-16].

Миллий кадриятларимиз асрлар синовидан ўтиб, аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб келмоқда. Ўзбек халқининг маросимлари, удумлари, анъана ва кадриятлари жуда кўп ва гўзалдир. Юртимизнинг эртанги кунига ишонч билдираётган, айниқса, унинг келажаги учун тинмай ўқиб изланаётган истеъдодли ёшларимизда, ижтимоий қайфият, миллий урф одат ва анъаналарга бўлган муносабатларни юксак даражада шаклланиши мамлакат келажагини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: “Маънавият”. 2008.
2. Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1999. 144 б.
3. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1999.
4. Эргашев И. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. Тошкент: “Академия”. 2008.

Matluba Egamberanova (Urganch davlat universiteti) XORAZM VOHASI O'ZBEKLARI TO'Y MAROSIMLARINING TRANSFORMATSIYALASHUV JARAYONLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada Xorazm vohasi o'zbeklari to'y marosimlarining transformatsiyalashuv jarayonlari yoritilgan.

Аннотация. В настоящей статье был освещен трансформационный процесс свадебных обрядов хорезмских узбеков.

Abstract. This article describes the transformational process of Uzbek wedding ceremonies in Khorezm region.

Калит со'злар: to'y, marosim, lachak, halaqa, domoqsa, mahgraycha, eshik ochar, kelin, kuyov.

Ключевые слова: *свадьба, обряд, лачак, холака, домокса, манглайча, эшик очар, невеста, жених.*

Key words: *wedding, ceremony, lachak (women's head clothes), muchal wedding (it means when the little boy is 12 years old his parents organize the wedding), damaqsa (part of the lachak), xalaqa damaqsa (part of the lachak), eshik ochar (door open -the ceremony of opening the door at the beginning of wedding party).*

Marosimlar har bir hududning o'ziga xos iqlimi, tabiati va o'sha hududda yashovchi aholining o'ziga xos xarakteri, asrlar davomida shakllangan ahloqiy-huquqiy qarashlaridan kelib chiqqan holda shakllanadi. Xorazm vohasi aholisining marosimlari jumlasiga inson hayotining qaysidir davri va holati bilan masalan, farzand tug'ilishi (beshik to'y, soch to'yi, tushoq kasdi (bola oyog'idagi chigallikni kesish ma'nosida), bolalikdan o'smirlikka o'tishi (sunnat to'yi), balog'at yoshiga yetishi (nikoh to'yi), umrning bir faslidan ikkinchi fasliga o'tishi (lachak to'yi), yosh bilan bog'liq to'ylar (sakson oylik – kumush to'y, oltin to'y) bilan bog'liq marosimlar kiradi.

Xorazmliklar hayotida eng quvonchli va baxtli kun bu to'ylardir. Har bir xorazmlik o'z hayoti davomida juda ko'p to'ylar qiladi. Bular nikoh to'yi, beshik to'yi, sunnat to'yi va keyinchalik kirib kelgan muchal to'y, kumush va oltin to'y (yosh to'ylari).

Nikoh to'yi haqida so'z yuritadigan bo'lsak, nikoh to'y dastlab sovcilikdan boshlangan. Sovchi ikki xonadonga qarindoshlik iplarini bog'lashga da'vat etilgan kishidir. Sovchilar kamida uchta kishidan iborat bo'lib, odatda bunday mas'ulyatli ishlarga keksa onaxonlar va yigitning onasi tayinlangan. Sovchilar qizning uyiga uch-to'rt marta boradilar. Odatda yigitning onasi kelin bo'lmishning uyiga turli shirinliklar tugilgan dasturxon ham olib borgan. Uchinchi marta borilganda qiz taraf rozi bo'lsa patir ushatilib kuyovning onasi olib borgan oq matoni qizning onasi olib qolgan va bu rozilik belgisi hisoblangan. Shundan keyin "o'g'rin patir", "eshik ochar", "ulli (katta) patir" kabi marosimlar o'tkazilib ikkita uyda ham to'y marosimiga tayyorgarlik ko'rila boshlanadi [dala yozuvlari, № 1].

To'ydan 3 kun oldin "non yopar" marosimi o'tkaziladi va unda non yopuvchilikni shu xonadonning eng yaqin qarindoshlari (opasi, kelinoyisi, qo'shnisi) o'z zimmasiga olishgan. Ushbu marosim ichida "rapida go'ydi" degan maxsus marosim ham bo'lib, unda qarindosh-urug' va qo'ni-qo'shni barchasi nonvoyga o'z sovg'asini taqdim etgan.

Ikkala uyda esa keksalar yig'ilishib "ko'rpa yiyma" marosimi o'tkazilgan. Bunda avvalo keksalar ikkala yoshga baxt tilab duo qilishadi. So'ngra shirinliklar – qand, tanga sochiladi. Buni shu yerdagi bolalar terib olishadi. Buning ma'nosi ushbu tikilayotgan ko'rpa va to'shaklarda kelin va kuyovning farzandlari ham tepkilab o'ynab yursin deganidir.

To'ydan bir kun oldin yigitning uyida "yigit yeg'nar" marosimi bo'lgan. Bunda yigitning yaqin do'stlari, qo'ni-qo'shni, qarindoshlar kelishgan. Ovqatdan so'ng hamma o'tirib sabzi to'g'ragan. Shu kuni qizning uyida barcha ayollar "xina yoqar" marosimiga yig'ilishgan. Ular bu yerda o'yin-kulg'u qilib, qo'llariga xina qo'yishgan. Shu kuni qiz o'z otasining uyida oxirgi marta qolishi bo'ladi.

Yigitning otasi qizning ota-onasini rozi qilishi shart bo'lgan. Turkiy xalqlarda hamma ma'noda qizning bahosi baland bo'lgan. Shuning uchun kuyov tomon kelin tomonga albatta qalin to'lagan. Bu to'lov pul, oltin-kumush, qo'y-mol, gilam va kigiz shakllarida bo'lgan. Qiz uchun beriladigan sarpolar esa har bir hududda turlicha ko'rinishga ega bo'lgan. To'y kuni ertalab quda tomondan kelinning uyiga keksalar kelishgan va "ko'shana bichar" ya'ni chimildiq pardasini tikish marosimini o'tkazishgan. Uy egalari ularga sovg'alar ulashgan.

Keyin keksa ayollardan biri "yor-yor" aytgan va kelinni yangasi va dugonalari bilan ko'shanali aravaga chiqarib kuyovning uyiga olib ketishgan. Kelin kelayotganini eshitgan kuyov tomon darhol yo'lga olov yoqadi. Kelayotgan mashinalar albatta uni bosib o'tishi kerak, ya'ni insujinslar shu olovda kuysin, degan maqsadda hamda biz bilamizki, ota-bobolarimiz qadimdan olovga sig'inishgan, olov-poklik ramzi bo'lgan. Demak, kelayotgan kelin honadonga poklik va mehr-muhabbat olib kelsin, degan niyatda olov yoqishgan. Kelin kelib tushgandan so'ng eshik oldida undan salom olishgan:

Avval boshlab xudoni yod atali yor-yor,
 Payg'ambarlar ruhini shod atali yor-yor.
 Yusuf bilan Zulayho yor adilar yor-yor,
 Bir-birini go'rmaka zor adilar yor-yor.
 Payg'ambarni qizini Ali oldi yor-yor,
 Qiz olishib, qiz barmak shundan qoldi yor-yor.
 Tokchadagi qaychini zang bosibdi yor-yor,
 Chiqadigan ukamni g'am bosibdi yor-yor.
 Yig'lama qiz, yig'lama to'y saniki yor-yor,
 Ostonasi tillodan uy saniki yor-yor [dala yozuvlari, № 2].

Kuyov ko'shana (go'shanga)ga kirishidan oldin “yanga salom”, “belbog' yechdi”, “taha tashar” kabi qiziqarli odatlar amalga oshirilgan. Farzandlari ko'p bo'lsin, degan irim qilib kelin va kuyovga ko'shana ichida yosh go'dak berilgan. Turmushlari totuv, shirin bo'lsin deb shirin suv ichirilgan, ulardan qolganini “hammani shu kunga yetkazsin”, - deb bolalariga ichirganlar. Shu irimlardan keyin kelin va kuyov davraga chiqib to'y boshlanib ketgan.

To'yning ertasi kuni “guyov barak” (bunda hamma ayollar mayda chuchvara tugushgan va kelgan mehmonlarga tortishgan), uchinchi kuni esa “tax yengngar” marosimi o'tkazilgan va so'ngi udum “quda donishma” (qudalar tanishuvi) o'tkazilib to'y marosimlari shu bilan tugallangan.

To'ydan keyin kelinlar kelin bo'lib tushgan yangi xonadonida bir yil davomida qaynonasi bilan baland ovozda gaplashmaydi. O'g'il o'stirganning xizmatini qiladi, topshiriqlarini bajaradi, barcha yumushlarini qiladi, ammo churq etib, og'iz ochmaydi. Kelin birinchi farzandini dunyoga keltirib, uni beshikka belagachgina bunday huquqqa ega bo'ladi. To'rt farzandni dunyoga keltirguncha esa qaynotasiga gapirmagan. Bu xalqimizga xos bo'lgan go'zal an'analardan biridir.

Xorazmliklar hayotidagi yana bir quvonchli kunlardan biri bu yubiley to'ylardir. Yubiley-qadimgi yahudiy tilidan olingan bo'lib, “har 50 yilda nishonlanadigan yil” so'zidan kelib chiqqan. Xorazmda esa yubileylar asosan erkak va ayollar 40 yoki 50 yoshga kirganda nishonlanadi. Asosan 40 yoshda keng nishonlanib, keksalarning aytilishicha aynan ushbu davrdan boshlab insonning dunyoqarashi va hayotga bo'lgan munosabati o'zgarib, u ancha bosiq bo'lib qoladi. Yubiley marosimida yubiley egasining yaqin do'stlari va qarindoshlari taklif etiladi. Kelgan mehmonlar unga turli xil sovg'alar ulashib, o'zlarining eng yaxshi tilaklarini izhor qilishadi.

Xorazmda ayollar o'rtasida lachak kiyish marosimi mavjud. Lachak asrlar davomida ayollar bosh kiyimi sifatida shakllanib, tabiiy, iqtisodiy va ijtimoiy omillar ta'sirida yangi mohiyat kasb etib kelgan.

Xorazmlik o'zbek ayollarining an'anaviy bosh kiyimi bo'lgan lachak asosan 2 ta vazifani bajargan:

1. Xorazmning qattiq sovuq qishi va quruq jazirama yozida (ya'ni keskin kontinental iqlim sharoitida) qishda boshni sovuq urishi va yozda oftob urishidan asragan.

2. Lachak kiygan ayolning o'z elotida (mahallasida) mas'uliyati va nufuzi ortgan.

Lachak kiyish - xorazmlik ayollarda qadimdan saqlanib kelayotgan urf-odatlardan bittasi hisoblanadi. Lachak kiyishning ham bir qancha shartlari bor:

1. Avvalo lachak kiyishni xohlagan ayol halol, pokdomon, toat-ibodatli ayol bo'lishi kerak.

2. Mahalla-kuy, el-elot orasida hurmat-e'tiborga loyiq bo'lishi kerak.

3. Ayol kishi nikohli bo'lishi va albatta farzandli bo'lishi kerak.

4. Ayol kishi lachak kiyishi uchun qaynota-qaynonasining va albatta erining roziligi bo'lishi kerak.

Ayol kishi tinch bo'lgandan so'ng, ya'ni o'g'il uylantirib, qiz chiqarib orqayin (hotirjam) bo'lgandan so'ng lachak kiyisa yaxshi, deb hisoblangan. Xiva ayollari bu bosh kiyimini birinchi marta kiyganlarida mahsus marosim – “Lachak to'y” o'tkazilib, qo'chqor so'yilgan.

Lachak gazlamasiga qarab “boy lachak” va “kambag'al lachak”ka bo'lingan. Mana shu jihati bilan lachak ayollarning iqtisodiy ahvoli, jamiyatda tutgan o'rni va mavqeini ko'rsatib bergan. Chunki nomidan kelib chiqqan holda shuni aytish mumkinki, “boy lachak”ni asosan o'ziga to'q,

aslzoda ayollar kiyishgan. U turli xil rangdor, asl ipak matolardan tayyorlangan. “Kambag'al lachak”ni esa aholining o'rtahol va kambag'al qismi ayollari kiygan bo'lib, u asosan takana (yumshoq marli), oq surp, bez (bo'z) va po'ta (katta ro'mol) dan tayyorlangan.

Lachakni ayollar necha yoshda kiyishlari mumkinq-deya savol berganimizda, Xivaning keksa onaxonlari tomonidan 2 hil javob varianti aytili. Ba'zilari lachakni ayol 20-24 yoshlarda ya'ni ikkinchi muchal yoshida 1-2 ta farzandlik bo'lgandan so'ng kiyishi mumkin, desalar, ba'zi birlari lachakni ayol asosan 50-55 yoshlarda-to'rt muchal ko'rgandan so'ng yoki 63 yoshga, ya'ni payg'ambar yoshiga yetgandan so'ng kiyishi mumkin, deb hisoblaganlar. Aslida bu ikkala variant ham to'g'ri bo'lib, XX asr boshlarida ayollar turmushga chiqib farzand ko'rganlaridan so'ng lachak kiyishgan, bu vaqtda esa ayol ikki muchal yoshga kirganda sodir bo'lgan. Hozirgi vaqtda esa lachakni faqat keksa onaxonlarga kiyishadi.

Ba'zi tumanlarda (masalan, Hazoraspda) lachakning ba'zi qismlarini tayyorlash va o'rash bilan-usta lachakchi shug'ullangan. Lachakni faqat elotning (mahallaning) katta kayvoni ayollari ya'ni: Kalomulloh(Qur'on)ni tanigan va bilgan, solih farzand o'stirgan hurmatli onaxonlarga kiygizishi mumkin bo'lgan.

Lachak kiyish marosimi Xivada quyidagi tarzda o'tkazilgan: avval boshlab “Bismillohir rahmonir rahim: shayton bergan ro'molni olib, Rahmon bergan do'ppini (taxyani) kiygizdik, - deb ayol kishi boshiga taxya kiygiziladi. Buning ma'nosi shuki, endi ayol g'iybat so'zlashi mumkin emas, ya'ni kayvoni ayolga aylanadi. Keyin bo'yniga domohcha o'ralib orqasiga bir qizil, bir oq mato-xolaqo o'raladi. Xolaqo juft bo'lishi kerak. Qizil mato yoshlikni, oq mato (gazlama) keksalikni eslatadi. Ustidan oq ro'mol tashlanadi. Lachak kiygan ayol barchaga egilib ta'zim qiladi. Yana ko'p yoshlarga kirsin, deb hamma unga sovg'a-salom beradi. O'z navbatida ayolning eri ham unga va lachakni o'ragan keksa onaxonga o'z sovg'asini beradi. Lachak to'yi ishtirokchilariga ularni ham shunday kunlarga yetkazsin, - degan ma'noda ro'molcha tarqatilgan. Lachak o'rash vaqtida bir keksa ayol muboraklar aytib turgan [dala yozuvlari, № 2]:

Muboraklar bo'lg'ay atgan to'yingiz,
Juft patikli ko'shku ayvon joyingiz.
Mudoma izzatda o'tgay umringiz,
Shu uylarda lachak to'y muborak bo'lsin.

Lachak hech bo'lmasa uch kun kiyilgan (irim uchun), agar imkoniyat bo'lsa doimo kiyib yurilgan. Keyin buzmasdan olib qo'yilgan va oxirgi yo'lga, ya'ni ohiratga kuzatganda kiygizilgan. Urf-odatimizga ko'ra, Xorazmda barcha ayollar (farzandi yo'qlar bundan mustasno, agar yetim bola asrab uni komil inson qilib tarbiyalasa, unda mumkin) lachak kiyishi shart bo'lgan. Agar tirik payti lachak kiyishga ulgurmasa yoki imkoniyati bo'lmasa, vafot etganida boshini tepasiga lachak tuzatilib qo'yilgan. Agar buni imkoni bo'lmasa yuvg'uchiga (murdashuyga) bir bo'lak kuylaklik mato, lozim (ishton), taxya, 2-3ta ro'mol, po'ta alohida tugib berilgan.

Hozirgi vaqtda an'anaviy bosh kiyim sifatida lachakni faqat katta yoshdagi ayollarga kiymoqda, xolos. Yosh ayollar esa bu qadimiy bosh kiyimni turli xil zamonaviy ro'mollar bilan almashtirishgan. Yuqorida aytib o'tganimizdek, lachak – xorazmlik ayollardan tashqari boshqa turkiy xalqlar masalan: qoralalpoqlar, turkmanlar, qirg'izlar va boshqa xalqlar ayollarining ham bosh kiyimi hisoblanadi. Bu qadim-qadimdan qardosh xalqlar o'rtasida o'zaro yaqin qo'shnichilik munosabatlari mavjud bo'lganligini ko'rsatadi.

To'y bilan bog'liq tantanali marosimlar ham bizning madaniy hayotimizning bir ko'rinishi. Bu an'ana o'zbek xalqining mehmondo'stligi fazilatidan dalolat beradi. To'y marosimlarida kurash tushish, ot choptirish, qo'chqor va xo'roz urishtirish kabi marosimlar ham kiritilgan. Lekin, sho'ro zamon davrida to'y marosimining mazmuni ancha o'zgardi. To'g'ri ilgari zamonlarda ham o'zbekning to'yida qozoqning polvoni, qirg'izning o'lanchisi, tojikning ustasi, turkmanning chavandozi, albatta, izzatli mehmon sifatida ishtirok etgan. Tabiiyki, o'zbek to'yida bu xalqlar lafzi-shevasi ham ajralib turgan. Biroq yangi tuzumga kelib, bu qirralar yanada kuchaydi. “Qizil”

to'ylar, "vecher" lar odat bo'ldi. Ichkilikbozlikka ruju qo'yildi. To'y deganda ichkilik, maishat tushuniladigan bo'lib qoldi [4, -B.-20].

Faqat mustaqillik tufayligina yana o'zligimizga qaytdik. To'ylar yana qaytib milliy o'zaniga tushdi. Lekin ayrim kimsalar bugungi kunda ham Yevropa to'ylariga ko'r-ko'rona taqlid qilib, to'y bahonasida o'zlarining kimliklarini ko'rsatib qo'ymoqchi bo'ladilarki, bu ma'naviy tubanlikdir. Hovli to'yi, yosh va tavalludning ma'lum pog'onalari bilan bog'liq bo'lgan nishonlash ommaviy marosimlari paydo bo'ldi. Bular kumush to'y-turmushning birgalikda kechgan 25 yili, oltin to'y-50-yili, brilliant to'y-75-yili kabi turlaridir. Ota-ona, bobo-buvilarimizning turli yubiley kunlari 50, 60, 70, hatto, 100 yillik to'ylarini ko'pchilik bilan nishonlash odat tusiga kirib qoldi. Ayniqsa ayrim to'ylarimizda ortiqcha isrofgarchiliklar behtiyor kishining g'ashini keltiradi [dala yozuvlari, № 1].

Tarixga nazar tashlaydigan bo'lsak, urush yillarida shunday paytlar ham bo'lganki, nikoh o'qilgach, bir idishga osh suzilgan va yig'ilganlarning barchasi undan tatib ko'rib, kelin va kuyovga baxt saodat tilashgan. To'g'ri hozirgi kunga kelib insonlarning farovon turmushi uchun hamma sharoitlar mavjud. Ammo bu ortiqcha isrofgarchilikka yo'l qo'yishga bahona bo'la olmaydi [dala yozuvlari, № 2].

Hozirgi kunda bu kabi marosimlarni chuqur o'rganish va ularning yoshlar tarbiyasiga ijobiy ta'sirini to'g'ri sharhlay olish lozim. Zero bu kabi urf-odatlar, an'ana va marosimlar hozirgi kunda yoshlarni tarbiyalashda, kelajakka ishonch, ota-bobolarimiz qoldirgan g'oyatda boy ma'naviy merosimizga hurmat va vatanparvarlik g'oyalarini targ'ib qilishda dasturilamal bo'lib xizmat qilaveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Dala yozuvlari. Nurullayeva Gulbahor. Xiva tumani, Soyot qishlog'i, 2016 y.
2. Dala yozuvlari. Bobojonova O'g'iljon. Xiva tumani, Soyot qishlog'i, 2016 y.
3. Dala yozuvlari. Vaisova Nuquljon. Yangiariq tumani, Kattabog' qishlog'i, 2015 y.
4. Mahmud Sattor. O'zbek udumlari. Toshkent: "Cho'lpon". 2007.
5. Dala yozuvlari. Nurullayeva Gulbahor. Xiva tumani, Soyot qishlog'i, 2016 y.
6. Dala yozuvlari. Vapoyeva Salomat. Yangariq tumani, Kattabog' qishlog'i, 2017.
7. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2007. 275 б.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**Хулкар Гаипова (Урганч давлат университети)
МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА СЎЗ ВА ШОИРЛИК
ТАЛҚИНИ**

Аннотация. Мақолада таниқли шоир Матназар Абдулҳакимнинг адабий ўйлар жанрида сўз ва шоирлик ҳақидаги публицистик қарашлари таҳлил этилган.

Аннотация. В статье освещаются публицистические взгляды о художественном слове и поэзии в жанре литературных раздумий известного поэта Матназара Абдулхакима.

Abstract. The journalistic views of well-known poet Matnazar Abdulhakim about literary words and poetry in the genre of the literary thoughts were analyzed in the article.

Калим сўзлар: публицистика, адабий ўйлар, бадиий сўз, шоирлик, образлилик, жанр, тасвирий воситалар, ижтимоий-эстетик талқин.

Ключевые слова: публицистика, литературные раздумья, художественное слово, поэзия, образность, жанр, изобразительные средства, общественно-эстетическое толкование.

Key words: journalism, literary thought, artistic words, poetry, figurativeness, genre, pictorial means, social-aesthetic interpretation.

XX аср охири ва XXI аср бошидаги ўзбек адабиёти такомилга муносиб ҳисса қўшган шоирлардан бири Матназар Абдулҳакимдир (1948-2010). У серқирра ижод соҳиби бўлиб, адабий жамоатчиликка талантли шоир, моҳир таржимон ва истеъдодли публицист-тадқиқотчи сифатида танилди. Шоир ижодий мероси мавзу, жанр ва услуб жиҳатдан ранг-баранг, тасвир ва ифода жиҳатдан жозибали, ўзига хос “Теран ижод” (Абдулла Орипов) намунасидир. Бу ноёб бадиий-илмий мерос силсиласида оригинал ва таржима шеърятдан ташқари публицистика намуналарида ҳам муҳим ўрин тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Матназар Абдулҳакимнинг шоирликдаги маҳорати қанчалик юксак бўлса, публицистик қарашлари ҳам шунчалик маънодор ва ибратлидир. Бу қарашларида шоир ижтимоий ҳаёт, жамият ва табиат ҳамда инсон шахси муносабатларидан баҳс этувчи публицистик ижоднинг таниқли вакили сифатида намоён бўлади. Зеро, публицистика фалсафий-интеллектуал ва бадиий-эстетик тафаккур синтези ҳосиласи эканлиги унинг ижодида ёрқин акс этган. Бу ўринда бир мулоҳаза жоиз кўринади, яъни публицистиканинг муайян ижод типига мансублиги ва образлилик даражасига оид фикрлар турли-тумандир.

Бу ҳолни назарда тутган ўзбек публицистикаси тадқиқотчиси профессор О. Тоғаев ёзувчи публицистикасини “синтетик жанрдир” [1:21] – деб ёзади. Бизнингча, “жанр” атамаси публицистикани маъно ва шакл доирасини бироз торайтиради, чунки бу атама одатда асарнинг шаклий кўринишларига нисбатан қўлланилади. Бир неча жанрлардан ташқил топган публицистик умумлашма тушунча эса қоришиқ ижоднинг ўзига хос соҳасидир. Матназар Абдулҳакимнинг бу соҳага оид битиклари турли жанрларда ёзилган бўлиб, уларни умумий ном билан “шоир публицистикаси” деб атаймиз.

Матназар Абдулҳаким ўз адабий ижоди бошланган 60-йилларнинг охиридаёқ бадиий публицистикага кучли майл кўрсатди. Туман газетасида ва мактабдаги фаолияти давомида ижтимоий-маънавий, таълимий-ахлоқий мавзуларда ёзган мақола ва очеркларидан соф публицистик қарашларга амал қилган ҳолда кейинчалик уларни образли ифода ва бадиий фикрлар билан сайқаллаб, такомиллаштириб борди, жанрлар таркибини кенгайтirdи.

Бугунги кунда шоир бисотида публицистиканинг қуйидаги жанрлари мавжуд: 1) мақола; 2) суҳбат-интервью; 3) эссе; 4) адабий ўйлар; 5) очерк. Буларнинг барчасига хос

асосий хусусият-шоирона нигоҳ мантикий тафаккур билан образлилик уйғунлиги ҳамда шоир шахсиятининг тўла намоён бўлишидир. Бу ҳол муаллифнинг сўз ва шоирлик хусусидаги қарашларида яққол кўринади. Бу қарашлар, ўз характерига кўра, адабий ўйлар жанрида шоирнинг бадиий сўз, нафосат, гўзаллик, ижодкор иқтидори ҳақидаги субектив фикрларини ҳиссий – эмоционал тарзида ифода этилади. Энг муҳими-сўз ва шоирлик тушунчаларини яхлит англаш асосида бадиий ижоднинг ижтимои-эстетик моҳиятини ифодалашга, публицистик фикр ва образлилик диффузиясига эришилади. Шоир сўзни “гавҳар-у садаф” (Навоий), “илоҳий неъмат” (Огаҳий) эканлиги ҳақидаги, мумтоз, ҳикматона фикрларни давом эттириш ва бойитишга интилади. Тўғри, Матназар Абдулҳаким ўз шеъриятида ҳам сўз айтиш масъулиятини таъкидлаган ҳолда “ўзи учун сўздан оғир нарса йўқлигини” эътироф этиб, қатор сатрлар битган бўлса ҳам адабий ўйларида уларни такрорламайди, балки “охорли фикрлар” билан китобхонда қизиқиш уйғотади.

Сўз кудрати ҳақида кўп ёзилган. Матназар Абдулҳаким мулоҳазаларида бу фикрларнинг янги қирралари акс этади. У ёзади: “Қадимдан “аввало сўз бўлган” деган ибора юради. Нима бўлганидаям, Сўз, аввало, амал! Шунинг учун ҳам сўз – **бахт**, шунинг учун ҳам сўз – **кулфат**. Батафсилроқ айтадиган бўлсак, **айтилган сўз** бир кун келиб бажарилиши, **бажарилган амал** бир кун келиб айтилиши мумкин. Сўзнинг кудрати ана шунда” [2:317]. Бу мухтасар ақида чинакам бадиий-публицистик фикр намунаси. Ундан кўзланган асосий маъно “сўз” ва “амал” тушунчаларида мужассам. Уларни ўзаро муносабати талқинида сўзнинг ижтимоий моҳият-амал (фаолият), бадиийлик эса “бахт” ва “кулфат” сўзларида зуҳурланади. Публицист шоир-бу ўринда сўзнинг ўзаро зид икки қиррасини тазод бадиий санъати орқали таъкидлаб, фикрнинг туйғу ва ақлга таъсирини кучайтирган, натижада “сўз-тушунча-образ” модели вужудга келган. Бахт ва кулфат сўзлари бадиий контекстга эстетик моҳиятга йўналтирилгани боис сўзни образга айлантирган. Унинг “бир куни келиб айтилиши ёки бажарилиши” эса инсонга хос яхши ва ёмон амаллар характерига ишорадир.

Матназар Абдулҳаким тасавурида сўз муайян фикр ифодасигина эмас, балки жонли, ҳаракатдаги ҳилқат ҳамдир. Сўз сеҳри ва кудрати олдида “лол у хайрон қолган” муаллиф уни поэтик идрок билан зийнатлар экан, унга инсонга хос хусусиятларни юктиради, уни сафардан музаффар қайтган ғолибга қиёслайди, ҳатто, “поклик ҳам сўздан таҳорат олади”, “сўз билан нодонлар доно”, “хом хаёл пишиқ” бўлишини алоҳида уқтиради. Шу боис сўз айтиш шунчаки оддий нутқ эмас, қийин масъулият эканига урғу берар экан, “ҳатто Навоийдек буюк зотлар ҳам сўз айтиш масъулиятдан хайиққан эди” дея шоирнинг

Эй Навоий, сўздан маъни йўқ турур, маънида сўз,

Дурри маъни истасанг, сен айлагил гуфтар бас, [3:132] –

мисраларини келтириб, донишмандларнинг “Одам гапириши одамдан, сукут сақлаши эса худодан” деган ҳикматини ҳам бу ўринда эслаб ўтиш жоиздир” деб ёзади.

Маълумки, сўз бирон тилга мансуб турлича “Тил эса робита воситаси сифатида мавжуд. Шу маънода у ўлик сўзлар хазинасидан иборат. Унинг муайян вазифа бажариши эса нутқ жараёнида воқе бўлади” [4:22]. Шоирлик шундай жараёнлардан бири, шоир эса “ўлик” сўзларга “жон” бағишловчи ижодкордир. Шу сабабли муаллифнинг сўз ва шоирликка оид қарашлари бир-бири билан алоқадорликда, бир-бирини изоҳлаган, тўлдирган ҳолда баён этилади. Матназар Абдулҳаким маҳорати шундаки, шоирликни идеаллаштирган ёки ҳавойи талқин қилган эмас. Аксинча, шоирликнинг юксак мартабасини унинг мураккаб вазифаси билан бир бутунликда кўради, устоз Огаҳийнинг шоирлик ўзига хос “хунар” эканлиги хусусидаги фикрларига ижодий ёндашиб уларга “улуш” кўшишга ҳаракат қилади. Бу хусусиятнинг бир қисми кўйидаги сатрларга жойлашган: “Шеър ёзадиган одам ўз олдида катта мақсадлар кўйиб, кўлига қалам олиши керак. Катта мақсаднинг ўзи билангина иш битмайди. Ана шу катта мақсадга яраша ҳам руҳий, ҳам маърифий тайёргарлик керак. Бу ҳам кифоя қилмайди. Ижодкор ватани, ўзи униб-ўсган

маво билан барча томирлари воситасида чамбарчас боғланган бўлиши, ватансиз ўз ҳаётини тасаввур қилолмаслиги зарур. Унинг ватани ўз тақдирида, у ўзининг ватани тақдирида собит бўлмоғи зарур. Шоирсиз, ижодкорсиз ватан бўлмаганидек, ватансиз шоир, ижодкор ҳам бўлмайди. Ватансиз шоир осмондан қулаб тушган қушга, сувдан чиқиб қолган балиққа ўхшайди” [3:132].

Кўринадики, бу парчада бадий-публицистик тафаккурнинг асосий унсурлари мавжуд бўлиб, ижтимоий-эстетик мазмун образли ижодига йўғрилган ҳолда мантиқий тугаллик касб этган. Зеро, шоирнинг **ижодкор** ва **шахс** сифатидаги **бурчи**, юртга **садоқати** ғояси диққат марказига қўйилган. Бу ғоя “катта мақсад”, “руҳий ва маърифий тайёргарлик”, “ватан”, “тақдир” таянч тушунчалари талқини мутаносиблигида тадрижий равишда намоён бўлади. Бир қарашда ижодкор қисмати ўз юртидан айро бўла олмаслиги якуний фикрдай туюлса ҳам муаллиф бу билан чекланмай, уни образлилик ёрдамида таъсирчан бўлишига эришади: “**Ватансиз шоир бўлмайди**” афоризми муаллифга тегишли бўлиб, мазмун теранлигини оширади, шундай шоирлик ҳалокатли қуш ва балиққа ўхшатилиши эса бетакрор (ташбих) ифода йўсинига экспрессив-эмоционаллик ва қизиқарлилик бағишлайди.

Матназар Абдулҳакимнинг публицистикага дахлдор айрим адабий ўйлари ривоят ва тарихий воқеаларга боғлиқ мотивлар фонида туғилган. Бунда уларнинг умумий мазмуни эмас, бадий сўз ва шоирликка оид қарашлар талқин асосини ташкил этади, шахс концепсияси олдинги ўринга чиқади. Масалан, бир ривоятга кўра, ўтмишда Доғистон сардори имом Шомил шоирларни синаш мақсадида, шеър ёзганларни жазолажагидан огоҳлантирувчи сохта фармон чиқариб, “Мана шу фармондан кейин ҳам ким шеър ёзишга журъат этса, демак, у ҳақиқий шоир”, - дейди. Бу масалага муаллиф шоирнинг муносабати қуйидагича:

“Ўйлайманки, имом Шомил талабчанликни ҳаддан ошириб юборган. Сунъий дард билан шоир шоир бўлмайди. Шоир ўз дарди билан туғилади. Демак, унга дард яратиб беришнинг кераги йўқ. Унга ўз дардини изҳор қилиш баробарида халқнинг дардига шифо бахш этиш учун имкон яратиб бериш керак. Чунки бадий Сўз маънавиятнинг қудратли қуроли, инсоннинг инсон бўлиб камол топишидаги муҳим маърифий воситадир” [3:128]. Бу ўринда публицистик мазмун моҳиятни “дард” ва “бадий сўз” тушунчалари таъминлаган. Булардан биринчиси чинакам шоирликнинг асосий шarti, ижодкор безовта қалбининг рамзи бўлса, иккинчиси шу хислатларни ифодаловчи компонентдир. Шоирнинг таббий туғма дарди эзгуликка тўйинган, ҳақиқий шеър бўла олсагина шифога айланганлиги публицистик фикрнинг лейтмотивидир. Зид маъноли “дард” ва “шифо” сўзларининг ўринли қўлланиши, бадий сўзнинг қудратли қурол ва маърифий воситага менгзалиши умумий матндаги бадийлик кўринишидир.

Диққатга лойиқ жиҳатлардан бири шундаки, Матназар Абдулҳаким ижодига хос шоирлик табиати, поэтик идрок ва образли ифодага хос мойиллик каби ўзак хусусиятлар унинг публицистик асарларига ҳам кўчган. Айниқса, ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш, мажозийлик, сўзнинг маъно товланишлари каби бадий-тасвирий воситалар кенг қўлланилиб, фикрнинг таъсирчан, жозибали ва мароқли бўлишига эришилади. Бу жиҳатдан истеъдод ҳақидаги қарашлар характерлидир. Муаллиф истеъдодини чинакам ижоднинг бош мезони эканлиги хусусидаги қарашларини қуйидаги парчада ишонарли ва оригинал ўхшатиш воситасида баён этадики, уни истеъдоднинг образлашган тавсифи дейиш мумкин: “Истеъдод бу – ижоднинг унумдор тупроғи демакдир. Суғорилмаган, куриб-қақшаб ётган ерга мағзи тўқ уруғни минг эксангиз ҳам кўкариб чиқмайди. Бўлиқ тупроқми ё тўйиб озиклантирилган ерга пуч уруғ эксангиз ҳам натижа бўлмаслиги тайин. Шунинг учун ҳам истеъдод дарахти нафақат парваришга, балки илоҳий тасодифларга ҳам муҳтож”. Ушбу матнда “истеъдод” ҳам тушунча ҳам, образ сифатида бадий вазифа бажаради, “тупроқ”, “уруғ”, “дарахт”га қиёсланади. Асосий ижтимоий-эстетик маъно истеъдоднинг воқе бўлиши эса **парвариш** ва **илоҳийлик** тушунчалари синтезида мужассамлашиши таъкидланади. Муаллиф ерга нисбатан “суғорилмаган”, “озикланган”, уруғга нисбатан “мағзи тўқ”, “мағзи

пуч” сифатлашларини қўллаш орқали тасвирда контрастлаш усулидан фойдаланади, умумий баён йўсинида эса бадиий аналитик услуб устувордир.

Ушбу мухтасар кузатишимиз ниҳоясида шоирнинг 1997 йил Тошкентда чоп этилган “Ойдинлик” китоби муқоваси орқасига “Ёзувчи” нашриёти томонидан ёзилган қуйидаги фикрни келтиришни маъқул кўрдик: “Шеърят – руҳият йўли. Сўз-азоб, имконият. Шоир Матназар Абдулҳаким сўз масъулиятини чуқур англаган. У шунчаки шеърин мисралар тизмайди. Баъзида куйгин ва латиф, баъзида аччиқ ва совуқ туюлган сўзлар ортида бедордил шоир шахсияти кўринади. Сиз унинг ҳақиқий, самимий сўзларига шубҳа қилмайсиз”.

Дарҳақиқат, бу адолатли, чин юракдан айтилган холис эътироф шоир бадиий публицистикасига ҳам дахлдордир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тоғаев О. Адиблар ва жанрлар. Тошент. Адабиёт ва санъат. 1976.
2. Матназар Абдулҳаким. Тафаккур чорраҳаларида. Урганч. “Хоразм” нашриёти 2013. Б. 317.
3. Матназар Абдулҳаким. Кўприк. Асарлар тўплами. Тошкент. “Янги аср авлоди” нашриёти. 2009. Б.132.
4. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Тошкент. 2004. Б. 22.

Абдулла Ўразбоев (Хоразм Маъмур академияси)

ОҒАҲИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДАГИ АЙРИМ ТЕОНИМЛАР ХУСУСИДА

Аннотация. Ушбу мақолада Огаҳий тарихий асарларидаги айрим теонимларнинг тарихий-этимологик ва семантик таҳлили ёритилган.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы историко-этимологического и семантического анализа некоторых теонимов в исторических произведениях Агахи.

Abstract. The article includes historical-etymological and semantic analysis of some theonomy in historical works of Ogahi.

Калим сўзлар: теоним, этимология, семантика, қиёсий-тарихий тавсиф.

Ключевые слова: теоним, этимология, семантика, сравнительно-историческая характеристика.

Key words: theonomy, etymology, semantic, comparative-historical description.

Эски ўзбек тилида диний, шунингдек, тасаввуфий терминларнинг катта кўпчилиги араб тилидан ўзлашганлиги табиий, албатта. Шундай бўлишига қарамай, эски ўзбек тилидаги ҳам, ҳозирги адабий тилимиз ва шевадаримиздаги диний терминларнинг генетик мансублиги араб тили билан чегараланмайди. Ўзбек тили диний терминлар тизимида форс тилига мансуб сўзлар ҳам, ўз қатламга мансуб сўзлар ҳам анча. Биз қуйида мавзумиздан келиб чиққан ҳолда Огаҳий тарихий асарларида қўлланилган генетикаси эроний тилларга, хусусан, форс тилига алоқадор диний терминлар хусусида сўз юритамиз.

Огаҳий тарихий асарларида қўлланилган форс тилидан ўзлашган диний терминлар ўз навбатида кичик мавзу гуруҳларига бўлинади. Буларни а) мутлақ илоҳ тушунчасини ифодаловчи сўзлар; б) пайғамбар тушунчасини оифодаловчи сўзлар; в) фаришта тушунчасини ифодаловчи сўзлар; г) жаннат ва дўзах тушунчасини ифодаловчи сўзлар; д) ибодатга алоқадор тушунчаларни ифодаловчи сўзлар; ж) турли мазмундаги диний терминлар каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Мутлақ илоҳ (худо) тушунчасини англатувчи сўзлардан бири худо бўлиб, ҳозирги адабий тилимиз ва шевадаримизда ҳам бу сўз мазкур синонимик қаторда доминанта вазифасини бажаради. Ўзбек тилида мазкур сўз икки хил маънода ишлатилади: 1. Мусулмон киши тилида ягона холик номи. 2. Бошқа динларга мансуб адабиётларда илоҳ

тушунчасининг умумий ифодаси. Масалан, *олов худоси*, *қуёш худоси*. Кейинги ҳолатни назарда тутган ҳолда айрим диний адабиётларда ягона холиқ номи сифатида фақат *Аллоҳ* лафзини қўллаш лозимлиги ҳақида сўз юритилади. Албатта, лафзуллоҳнинг ишлатилиши ҳар қандай гумонга чек қўяди. Лекин, бизнингча, бу фикр унча маъқул эмас. Чунки мусулмон киши нутқида *худо* сўзи ягона холиқ маъносинигина ифодалайди. (Агар бошқа диний эътиқодлар, инончлар хусусида гап кетмаётган бўлса). Масалан, Алишер Навоий асарлари тилида туркий *тенгри* ва форсий *худо* сўзлари Аллоҳ лафзининг мутлақ синоними сифатида намоён бўлади. Мисол тариқасида “Лисон ут-тайр” ва “Садди Искандарий”нинг биринчи мисраларига ёки “Маҳбуб ул-қулуб”дан олинган машҳур ҳикматга эътибор қаратайлик:

*Худоё, мусаллам худолик санга,
Бирав шаҳки, даъби гадолик санга [1:7].
Жон қуши чун мантиқи роз айлағай,
Тангри ҳамди бирла оғоз айлағай [1:7].*

Ёки “Шогирд агар шайхул ислом агар қозидур, агар устод андин розидур, *тенгри* розидур” [2:23].

Юқоридаги “тенгри ҳамди бирла оғоз айлағай” мисрасидаги “оғоз”нинг денотатив маъноси *бошлаш* эканини назарда тутсак, Алишер Навоий ғоят санъаткорона тарзда Куръони карим Тангри – Аллоҳ ҳамди – “Фотиҳа” (“Алҳамду”) сураси билан бошланишига ишора қилмоқдаки, бу бизнинг юқоридаги мулоҳазаларимизни қатъий далиллайди.

Худо сўзининг умуман илоҳ маъносини англатиши тасодифий эмас. Чунки мазкур сўз паҳлавий тилида шоҳ маъносини ифодалаган бўлиб, *xvateya* // *xvatey* шаклида ишлатилган. Жумладан, эроний шоҳлар тарихи битилган китоб “Хватайнмак” (“Шоҳнома”) деб номланган [7:818]. *Xvatey* сўзининг дастлабки маъноси “эга”, “соҳиб” бўлганини “уй эгаси” маъносидаги кадхудо ЯП ОПЗ; ОЗде ОПЗ каби сўзларда ёки *Бухорхудом* каби истаризмлар таркибида кўришимиз мумкин. Мазкур сўзнинг этимологияси хусусида К.Бартоломэ каби эроншунослар билдирган фикр эътиборлидир. Улар паҳлавий тилида *Xvateya* бўлган бу сўзнинг генетикаси қадимги ҳинд тилидаги *svatasteyu* (ўз-ўзидан тирик) ёки *svatastedī* (ўз-ўзидан бошланувчи) сўзига бориб тақалишини қайд этганлар [5:862].

Огаҳий тарихий асарларида *худо* сўзи ёлғиз ҳолда (бирор сўз таркибий қисмида бўлмаган ҳолда) ягона холиқ маъносинигина ифодалаган. Буни Огаҳийнинг лирик ва таржима асарлари тилига ҳам хос дейиш мумкин. Масалан:

*Эй кўнгул, қил барча комингни худодин мултамас,
Истасанг роҳат замона аҳлидин пайванд кас [6].*

Эски ўзбек тилида, жумладан, Огаҳий асарлари тилида илоҳ тушунчасини англатувчи сўзлардан бири *яздон* нТПЗд дир. Бу сўз “Авесто”да *yazatanam*, паҳлавий тилида *yazten*, *yazden* шаклларида ишлатилган бўлиб, аслида авестовий “илоҳ” маъносидаги *yazata* сўзининг кўплигидир. Форс тилида эса бирлик мазмунини англатган ҳолда ўтган. Форс мумтоз адиблари тилида бу сўз илоҳ номи; хайрли ишларни қилувчи фаришта номи ва зардуштийлар эътиқодидаги яхшилик тангриси Ахурамазда номи сифатида ишлатилган. Шунинг учун бу сўзга Шамсиддин Муҳаммад Табризий “фиқҳан ботил худо, шеъран (бу ерда урфий маъно назарда тутилмоқда) Ҳақ таолони англатади” деб берган изоҳи тўғридир. [7:2432]. Мазкур сўз ўзаги бўлган *yazata* *Яздонбахш*, *Яздигард* каби тарихий номлар таркибида ҳам учрайди [8].

Пайғамбар тушунчасини англатувчи сўзлардан бири *пайғамбар* ЫҒИСЎҒ ёки *паёмбар*ҒИЗҒИС дир. Унинг иккинчи шакли кўпроқ шеърий нутқ учун хосдир. Ўзбек тилининг XIV асрдан кейинги тараққиётида бу сўз мазкур тушунчанинг туркий ифодаси бўлган *савчи*, *ялавач* сўзларига нисбатан фаоллашган [5]. *Пайғамбар* сўзи тарихан икки қисмдан иборат: *пайғом* ЫЗҒЎҒ ва *бар* ИС дан ташкил топган. *Пайғом* ЫЗҒЎҒ - “хабар” ва *бар* ИС - “элтиш”, “етказиш” [6]. Бу сўз Огаҳий тарихий асарларида ўзининг арабий

эквиваленти *расул* СУжб га ўхшаб луғавий маъносида кўзга ташланмайди, яъни дипломатик термин сифатида ёки бирор хабарни етказувчи шахс маъносида учрамайди. Фақат *пайғом* ЫЗгЎГ сўзи “хабар”, “янгилик” маъносида ишлатилган ҳолатлар бор. Масалан, Бекиш халифани Солорға элчи қилиб, мундоқ *пайғом* йибордиларким,.. (ЖВС).

Огаҳий асарларида бу сўз кенг маънода пайғамбарлик макоми билан мумтоз шахс, тор маънода Муҳаммад алайҳиссаломни назарда тутувчи сўз сифатида қўлланилган.

Бизнингча, *пайғамбар* сўзидаги *бар* қисми фаришта ЭСнФКе сўзида ҳам бор. Чунки *фаришта* сўзининг ўзи санскрит тилида *prkshita* шаклида ишлатилган бўлиб, *ksh + pra* таркибидан ташкил топган ва айнан “*хабар берувчи*”, “*хабар етказувчи*” маъносини беради [5:1463]. К.Бартоломэ қадимги эронийда *fraishta* шаклида бўлган бу сўз *aish + fra* таркибидан ташкил топиб, “элчи”, “хабар етказувчи” маъноларида ишлатилганини қайд қилади [3:31].

Огаҳийнинг мазкур асарида бу сўз арабча *малак* гбЯ сўзига синоним сифатида ишлатилган. Фаришта ҳақидаги тасаввурлар ва эътиқодлар натижасида унинг “беғуноҳ”, “маъсум” маънолари келиб чиққан.

Жаннат тушунчасини англатувчи *беҳишт* ИеФК сўзининг тарихий илдизларига назар солсак, унинг “Авесто”да *vahishta* шаклида ишлатилган ва *vohu* - яхши, нек ва *isht* – кичрайтириш, эркалаш қўшимчаларидан таркиб топганини кўрамиз. Аслида бу сўз дастлаб *vahishta anghu* шаклида бўлган бўлиб, унинг *anghu* қисми “олам”, “жаҳон” маъноларини беради. Пахлавий тилида бу сўз кейинчалик аниқланмиши қисқарган ҳолда *vahisht* шаклида қўлланилган [7:327]. Демак, *vahishta anghu* айнан “энг яхши жой” маъносини беради ва унинг аниқланмиш қисми қисқариши, яъни форс тилида *beḥ* Ие [6] шаклини олган. *Vahin*инг луғавий маъноси унутилиши ва сифатнинг отга кўчиш ҳолати билан изоҳланади. Огаҳий тарихий асарларида бу сўз бир неча изофий кўринишларда кенг қўлланилган. Масалан, *беҳишти барин* ИеФК ИСнд - юксак жаннат.

Асарда диний ибодатларга алоқадор сўзлардан бўлган *намоз* дгЗТ кенг қўлланилган. Эски ўзбек тилида бу сўз фақат исломга хос ибодат (арабча салот ХБЗЙ) маъносида ишлатилган бўлса ҳам, қадимги эътиқодларда ҳам ибодат *намоз* сўзи билан ифодаланган. Бу сўз пахлавий тилида *namas* бўлиб, қадимги эроний тилида “эгилмоқ”, “таъзим қилмоқ” маъносидаги *nam* сўзи билан алоқадордир [3:1041]. “Авесто”да *namah* “дуо” маъносини англатган бўлса, бу сўз санскритда *namas* кўринишига эга бўлган [7:2167].

Огаҳий тарихий асарларида исломдаги беш вақт намоз вақтлари арабча номлари билан бирга аслида форс тилидан ўзлашган ва халқ орасида ишлатиладиган шакллари кўпроқ қўлланилган. Масалан, *бомдод намози* ИЗгПЗП дгЗТн ёки *намози бомдоддгЗТ*

ИЗгПЗП. *Бомдод* сўзи эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги адабий тилимиз ва шеваларда исломга хос ибодат номинигина англатса ҳам, унинг генетикаси зардуштийлик ақидаларига бориб тақалади. Чунки *бомдод* сўзи тарихан *бом+dod* қисмларидан таркиб топган бўлиб, *бом* қисми “Авесто”да *Бамйаҳ* номи билан қайд этилган қуёшга чиқиш вақтида жиловдорлик қиладиган илоҳ номи сифатида учрайди [9]. *Дод* қисми эса қадимги эронийда *daita* шаклида учровчи “қонун” маъносидаги сўздир.

Пешин ИнФнд сўзи сутка қисмларидан бирининг номи бўлиши билан бирга шу вақт давомида (кун қиёмдан кейин соя икки баробар бўлгунга қадар вақт) адо этиладиган намоз номидир. Айнан “олдинги” (пеш+ин) маъносини англатган бу намознинг шундай номланиши хусусида Фиёсиддин Рампурий “Жаброил алайҳиссалом Пайғамбар с.а.в.га таълим берган илк намоз шу вақтда адо қилинган. Кейинчалик мазкур намоз пешин номини олган” [10] деб ёзади. Масалан: “*пешин* бўлгондин сўнг отдин тушуб, бепарволиғ била бир мавзеъда ўлтурмиш эрдилар”. (ЖВС).

Яна бир намоз номи *намози дигар* дгЗТПнЯС бўлиб, ҳозир ҳам халқ орасида шу намоз ва шу намоз адо этилиши мумкин бўлган вақт *намозгар* деб юритилади. Айнан “бошқа намоз” деган маънони англатувчи *намози дигар* сўзи ҳақида уни *бомдод*, *пешин* намозларига нисбатан олиб шундай номланган, деган мулоҳазалар бор. Бизнингча, бу

Тўртликда ҳаммаси бўлиб 19 та сўз ишлатилган. Шу сўзларнинг 6 таси туркий (*бу, кўз олур, кўнгил, ёқар, бордур*); 9 таси форсий (*нотавон, зор, жон, ширин, гуфтор, рафтор, хуш, шона, тилло*); 4 таси арабий (*шиқ, гамза, ажаб, санам*) қатламни ташкил этади [2:27].

Кўринадики, ҳатто оғзаки вариантларда ҳам форсий қатлам устуворлик қилади. Кўлэзма нусхалар орқали етиб келган дostonларда форсий қатлам билан биргаликда арабий қатлам ҳам салмоқдорлик касб этади. Аммо арабий қатламга қараганда форсий қатлам оғзаки нутқда фаолроқ қўлланилади.

Бу ҳолатнинг сабабини фольклоршунос олим Х-ХII асрларда Хоразмда ҳукм сурган икки тиллилик билан изоҳлайди.

Ҳақиқатдан ҳам тарихий манбаларда қайд қилинишича, араб истилосидан сўнг Хоразмда араб-форс алифбосидан фойдаланила бошланган. Хоразм ён атрофдаги туркий қабилалар билан яқиндан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатгандан кейин эрон тиллар гуруҳига кирувчи Хоразм тилига кўплаб туркий сўзлар ҳам кириб кела бошлаган. Бора-бора аҳоли икки тилда қадимий Хоразм тили ва туркий тилда сўзлаша бошлаган. Бу жараён XV асрда тугалланган [3:147].

Мана шу омиларнинг барчаси халқ оғзаки ижодиётида, хусусан, дostonларда ўз изларини колдирган.

Дostonлардаги форсий қатламнинг мавзу доираси ниҳоятда кенгдир.

Уни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. **Белги-хусусият билдирувчи сўзлар:** **Шахло:** *Мафтун қилди шахло кўзларинг сени* (“Ошиқнома”, 3-китоб, 151-бет). **Зебо:** *Бормикан ушбу жаҳонда сен каби зебо пари* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 27-бет). **Тар гунча:** *Тоза очилган тар гунчани кўрдингми?* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 7-бет). **Сиё:** *Зарафшон гулоқлар, сиё кокиллар* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 50-бет)

2. **Уй-рўзғорга оид номлар:**

Парда: *Чекма пардани юзлара* (Гўрўғли, 301-бет). **Силобча:** *Силобчани кўтариб Гўрўғлининг калласига урди* (Гўрўғли, 394-бет). **Ғоли**–гилам: *Қараса, дангиллама саройлар, ғоли-палослар тўшалган* (Гўрўғли, 63-бет). **Чироқ** – *Отам чирогини ёққан* (Гўрўғли, 378-бет). **Чакқи** – Қаламгарош: *Киссасидан паранги чакқисини чиқариб, олмаларни сўйди* (Ошиқнома, 5-китоб, 239-бет).

3. **Уй-жой қурилишига оид номлар:**

Девор: *Қалъа деворидан ошиб, Чамлибелга йўл олди* (Гўрўғли, 241-бет). **Хода:** *Бир арава ходани олиб бориб кемтикни ямадилар.* (Гўрўғли, 238-бет). **Капча** – белкурак: *Капчасини дутор этиб бир шеър айтди.* (Гўрўғли, 170-бет). **Гумбаз:** *Уч гумбаза йўлни тутдик* (Гўрўғли, 47-бет).

4. **Дарахт, ўсимлик билан алоқадор сўзлар:**

Олма, анор; писта, бодом: *Ўпсамки яногиндан, тар олма, анордур деб* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 81-бет). **Писта-бодом тегра тошинг...** (“Ошиқнома”, 5-китоб, 92-бет). **Дарахт, гул:** *Осмон ўпар дарахтлар, қийғос очилган гуллар шавқ-завқ берар эди* (Ошиқнома, 5-китоб, 152-бет). **Мева:** *Олма, анор, писта, бодом–ҳар турли мевалар пишиб ётар эди* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 240-бет). **Зарчечак:** *Уни шиқ зарчечакдай чирмаб олди* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 35-бет).

5. **Чорвачилик билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:**

Чўпон: *Бир чўпонни Чамлибелга юборди* (Гўрўғли, 437-бет). **Подабон:** *Мана бу подабонликдин қутилиб билмадим, - деди Ғариб.* (“Ошиқнома”, 2-китоб, 24-бет). **Говсола** – бир яшар бузок: *Ғариб богбоннинг говсолларини боқиб юрур эрди.* (“Ошиқнома”, 2-китоб, 28-бет).

6. **Дехқончиликка алоқадор номлар:**

Зомориқ – замбуруғ – заморуғ: *Ердан чиққан зомариқдай бирдан икки отлиқ олдидан чиқди* (Гўрўғли, 317-бет). **Тарнак** – сапча: *Кеч кузнинг тарнақларидай тарпайиб*

ётибди (Гўрўғли, 108-бет). **Хорос** – хайвон кучи билан юргизиладиган тегирмон. *Сен одамзодга борсанг хорос қўшасан, ер ағдарасан* (Гўрўғли, 65-бет).

7. Уй-рўзгорга алоқадор предметлар номи:

Кажава – ёғочдан тўқилган юк юкланадиган идиш. *Туяга юкланган кажавани туширдилар* (Гўрўғли, 97-бет). **Тунча** – тунгча – чойдиш: *Ўчоққа ўмчани ташлаб, тунчани соз эттириб ётаверсак бўлмасмиди* (Гўрўғли, 337-бет). **Жом**: *Йигитлар келтиринг жомни* (Гўрўғли, 97-бет). **Капгир**: *Қозон-товоқ, капгир-ошпичоқ барини отга юкладилар*. (Гўрўғли, 437-бет). **Жўроп** – пайпок: *Ўтирибсан ҳулла ўраб, Оёгингда гулли жўроп*. (“Ошиқнома”, 2-китоб, 142-бет). **Тиллопўш** – усти олтиндан ишланган гумбазли сарой. *Ошиқ Аҳмад тиллопўш саройга қараб йўлга тушди* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 229-бет).

8. Озиқ-овқат номлари:

Чакида: Санинг бахтинг **чакида** халта билан урса-да, оқармайди (Гўрўғли, 328-бет). **Новвот**: Лабинг **новвот**, тилинг шаккар... (Гўрўғли, 82-бет). **Зомча** – хандалак: **Зомчадай** келадиган бир гўштни олди. (Гўрўғли, 308-бет). **Кади** – қовоқ: **Йилимнинг кадисидай** лўнқиллаб подшонинг олдига борди (Гўрўғли, 102-бет).

9. Хайвонот ва ҳашаротларга оид номлар:

Пишик – мушук. Сичқонини қочирган **пишикдай** бўлиб турибсизлар, - деди Гўрўғли. (Гўрўғли, 253-бет). **Курра** – хўтик: Емдан қолган **куррадай** ичикиб ётаберди. (Гўрўғли, 267-бет). **Шоғол** – чиябўри: Сувдан чиққан **шоғолдай** бўлиб турибсан, - деди. (Гўрўғли, 23-бет). **Мурғ** – товуқ: Бугун **мурғзорли** кўла етишди. (“Ошиқнома”, 5-китоб, 45-бет). **Мор** - илон: Ғамза-ю ҳуснда икки **мордин** айрилмишам (“Ошиқнома”, 5-китоб, 48-бет). **Мўрча** – кумурсқа: Писта даҳон, **мўрча** миён, қоши камон бир қиз. (“Ошиқнома”, 6-китоб, 162-бет). **Занбур** – ари: **Занбур** асалидан тўти шаккардан, Булбул гулистондан айрилмадимми? (“Ошиқнома”, 4-китоб, 244-бет).

10. Қариндошлик ва жинсни англаувчи сўзлар:

Падар – ота, дада: Салом, эй **падари** бузрукворим, Жисмимнинг эгаси, танда мадорим. (“Ошиқнома”, 3-китоб, 216-бет).

Писар – ўғил: Дастагул дер, аё ҳилола пари, Оти Ғариб Ҳасан вазир **писари**. (“Ошиқнома”, 4-китоб, 49-бет). **Духтор** - қиз: Рум шаҳринда бир **духтори**, Гўрўғлибек келсин, - деди. (Гўрўғли, 275-бет). **Занон** – аёл: Эй қизим, **занон** тоифасига сафаркашлик номуборак бўлур. (“Ошиқнома”, 5-китоб, 130-бет). **Бачча** – бола, ўсмир: Эй, **ғуломбачча**, сен менинг зулм-зўрлигимдан кўркмадингму? (“Ошиқнома”, 5-китоб, 114-бет).

Айрим дostonларда **модар, мардон, ҳамшира** каби қариндошликка алоқадор сўзлар ҳам ишлатилган. Дostonлар лексикасида осмон жисмлари билан боғлиқ кўпгина сўзлар ҳозирда ҳам сўзлашув тилида қўлланилади.

11. Осмон ёритқичлари номлари:

Офтоб: **хуришид**: *Шоҳижаҳондан бир офтоб дунёга келди* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 5-бет). *Ойи рухсори била хуришиди ховарим керак* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 77-бет).

Моҳ – ой: *Зухра отли моҳи пайкар, кўзлари хунхорими* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 77-бет). Бу сўзнинг моҳитобон, моҳипора, моҳигул шакллари ҳам учрайди. Шунингдек, ойнанинг ҳилоли шакли ҳам мавжуд: **Ҳилол** – янги чиққан ой. *Ҳижрон чекиб ҳилол бўлган қоматим* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 44-бет). **Ситора** – юлдуз: *Ғўч йигитнинг ситораси Очилар майдон ичинда* (Гўрўғли, 183-бет).

Ушбу ёритқичларнинг форсий номлари тўлалигича инсон исмлари сифатида ҳозирда фаол ишлатилади.

12. Вақт мезонини англаувчи сўзлар:

Моҳи сол – ой-йил. *Йиғлаб ўтган моҳи солим, арз айла* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 30-бет). **Соат** – **замон** - дақиқа, фурсат: *Шум фалак илгидан омон, Айламасман соат-замон* (Гўрўғли, 355-бет).

Хоразм дostonлари ишқий-саргузашт характерида бўлганлиги сабабли уларда ёр гўзаллиги, ошиқ ва маъшуқа таърифи асосий ўринни эгаллайди. Ўша жараёнда турли

ўхшатишлар, сифатлашлар, муболаға ва жонлантиришлар рўёбга чиқади. Ўша бадий ифода воситаларида форсий қатламдан олинган ўзлашма сўзларга фаол мурожаат қилинади. Бу тоифа сўзлар поэтик оҳангдорликни кучайтиради. Бадий нутқнинг бўёқдорлигини оширади. Қуйида биз уларни тасниф қилган ҳолда таҳлилга тортамыз.

13. *Ошиқ ва маъшуқа қиёфасини тасвирлашда қўлланиладиган сўзлар:*

а) *ёрнинг чехраси ва кўзи тасвири.*

Моҳитобон, моҳипайкар, моҳи пора, моҳи анвар; хунхор кўз, жоду кўз, оху кўз.

Ҳасратингда қон йиғлар гул юзли *моҳитобон* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 68-бет). *Зухра отли моҳи пайкар, кўзлари хунхорими* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 77-бет). *Маҳвашишдек фоний олам ичра бир моҳи пора йўқ* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 48-бет). *Шу ўлканинг султонининг духтари, Жамоли фалакнинг моҳи анвари* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 93-бет). *Кўзлари хунхорим келди* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 10-бет). *Кўзлари бор жоду Хўтан* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 131-бет). *Оху кўзли ул киприги пайкона тасаддуқ* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 128-бет).

б) *Ёр қадди қоматига алоқадор ифода воситалари: сарвқад, нахли шамшод, зебо.*

Бу сарви қадду жилваи Канъона тасаддуқ (“Ошиқнома”, 6-китоб, 128-бет). *Нахли шамшодим, паризодим, жигарим қандасан* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 89-бет). *Бошдин оёгинг турфа гўзал дилбари зебо.*

Ҳар учала мисолда ҳам ёрнинг тик, баланд қомати ҳақида сўз боради.

Сарв - қадди расо, хушқомат дарахт, доимо яшил кўринишда бўлади.

Шамшод - тик ўсадиган, доимо яшил рангда товланувчи дарахт ёки бута.

Нахл - кўчат маъносини беради.

Зебо - ғоят гўзал, хушманзара, кўркем дарахт.

в) *ёрнинг сочи, қоши, киприги тасвирига оид сўзлар:*

Сиё зулф, зар кокил, болу нар, мужгони тар, қоши камон, мужгони зебо.

Сиё зулфинг нозик белга чўлошиб... (“Ошиқнома”, 6-китоб, 122-бет). *Қўли тархиноли, кокили зарим...* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 133-бет). *Ақл-хушим кетди сардан, Жудо тушдим болу гардан* (“Ошиқнома”, 1-китоб, 28-бет). *Қора кўз, қалам қошлининг, Мужгони тар савашлининг* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 136-бет). *Ханжар мужгони зебо, ул қоши камоним бор* (“Ошиқнома”, 1-китоб, 144-бет).

Ушбу мисолларнинг барчасида икки-учтадан форсий сўзлар қўлланилган. Улардан айримларига изоҳ бериб ўтамыз.

Болу нар бирикмаси айнан олганда қушнинг қаноти деган маънони англатади. Биз уни *қош* тушунчасини ифодалаганлиги учун мисол тарикасида танладик. Учиб бораётган қушнинг икки қаноти олдиндан қараганда икки қайрилма қошни эслатади. Шу сабабли ҳам мисрада метафора яширинган бўлиб, унда “*қайрилма қош*” дан айрилдим деган маъно мужассамлашган.

Мужгони тар бирикмаси айнан олганда *киприги хўл, намли* деган маъноларга эга. Бу ерда хижрон ғамида кўзи намланган маъшуканинг киприкларининг ўша намли кўз ёшига ботиши тасвирланган. *Мужгони зебо* бирикмасида узун, худди ханжардек тўғри тизилган киприклар ҳақида сўз юритилган.

г) *Маъшуканинг сўзлаши, холи ва бадани тушунчасини англаувчи тасвирий ифодалар: Шири забон, тўти сухан, жўра хол, сиймин бадан, гул бадан, киприги пайкон.*

Кулиб-ўйнамоққа шири забондир (“Ошиқнома”, 1-китоб, 20-бет). *Тўти сухан, хуш гуфторим, қол энди* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 83-бет). *Оху кўзли ул киприги пайкона тасаддуқ* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 128-бет).

Ушбу мисолларнинг ҳар иккаласи ҳам маъшуканинг чиройли сўзлашини ифодалашга қаратилган. Аммо биринчи мисолда умуман шири тил ҳақида, тўғрироғи муомаласи ҳақида сўз юритилса, иккинчидан гапириш манераси, нутқий баркамоллиги назарда тутилган. Шу сабабли гап таркибида “*гуфтор*” сўзи ҳам ишлатилган. Маъшуқа ҳақида гап

кетганда юздаги холга ҳам эътибор кучли. Унинг қорахол, кишмишдай хол, қўша хол шакллари учрайди. Форсий ўзлашмаларда **жўра хол**- қўша хол кўпроқ тилга олинади.

Оқ юзингда жўра-жўра холингни, Берсалар бермасман дунё молини (“Ошиқнома”, 6-китоб, 127-бет.)

Ёрнинг тани-бадани ўзбекча тасвирларда **оқ-оппоқ**, **кузнинг қоридай** тарзда берилади. Форсий сўзларда қуйидаги ўхшатишлар қўлланилади:

Сарви қад, рухсори гул, сиймин бадан, гул юзли ёр (“Ошиқнома”, 5-китоб, 64-бет).

Нозик ниҳолу гул бадан, Зулфи сиё мисли саман (“Ошиқнома”, 6-китоб, 131-бет).

Сиймин бадан бирикмасида оқ кумуш ранг назарда тутилса, **гул бадан** бирикмасида умумий гўзаллик кўзда тутилади.

д) Маъшуқанинг тиши, яноғи, оғзи тасвири:

Дурдона тиш, олма яноқ, ол яноқ, бодом қабоқ, писта даҳан, ганжина даҳон.

Дурдона тишли лаъли бадахшона тасаддуқ (“Ошиқнома”, 6-китоб, 128-бет). *Дона-дона холлари ол ёноқда* (“Ошиқнома”, 4-китоб, 55-бет). *Олма ёноқларинг ўлмака қойим* (“Ошиқнома”, 4-китоб, 106-бет). *Юпқа дудоқ, бодом қабоқ, писта даҳон, қоши камон бир оводон қиз* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 162-бет). *Симин тану ганжина даҳона* тасаддуқ (“Ошиқнома”, 6-китоб, 128-бет).

Тиш ҳамиша дурдона, дур, хинжу, садаф тарзида форсий, арабий ўзлашмалар орқали ифодага эга бўлади.

Ёноқ баъзан қабоқ шаклида ҳам ишлатилади. Улар олдидан ол-қизил сифатлаши, гоҳида қирмизи, олма каби эпитетлар ҳам қўлланилади. **Бодом** сифатлаши бўртиб чиққан, мўъжаз, чиройли қабоқни-ёноқни англатади.

Маъшуқанинг оғзи даҳан, даҳон шаклларида берилади ва унга нисбатан **писта** эпитети кўп ишлатилади. Бу эпитет негизида кичик, мўъжаз тушунчалари ётади.

Охирги мисолда эса ганжина даҳон бирикмаси ишлатилган. Бу ифодада оғиз билан бирга тиш ҳам ўхшатишга қўшиб олинган. Ганжина сўзи негизида тиш назарда тутилган.

ж) Маъшуқа ва ошиқнинг кийимларини ифодаловчи форсий ўзлашмалар:

Қирмизи либос, гулгун кийим, заррин либос, тилло тумоға, зарбоф.

Ул қирмизи либоси қаддига ярашибдур. Гулгун кийиб, ул дилбар ўтларга тутушибдур (“Ошиқнома”, 6-китоб, 123-бет). *Заррин либосларини кийиб, қошларига ўсма, кўзларига сурма чекди* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 40-бет). *Бошинда тўп жига, тилло тумоға. Ёрга бўлсин ширин жоним садоға* (“Ошиқнома”, 6-китоб, 122-бет). *Зарли зарбоф кийган, тўни қирмизи* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 132-бет).

Форсий ўзлашмалар орасида кийим, тақинчоқлар номи салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳатто кийим-кечакларнинг умумлаштирувчи номи дублет шаклида ишлатилади:

Тоҳиржонга бош-оёқ қимматбаҳо саруполар кийдирдилар (“Ошиқнома”, 5-китоб, 44-бет.)

Қирмизи сифатлаши қизил маъносига эга. Тилло тумоға олтин тақинчоқли бош кийими. Бу бирикманинг тилло узук, тилло жиға шакллари ҳам мавжуд.

14. Диний тушунча ва тасавурларни ифодаловчи сўзлар:

Ислом дини доирасида кўплаб сўзлар форсий ўзлашмалар орқали оммалашган.

Худо-Тангри, Оллоҳ: *Бир Худонинг севар дўсти, Расул ҳам ўтди ўғилсиз* (“Ошиқнома”, 1-китоб, 102-бет). **Беҳишт-юзингдур беҳиштнинг боға, Юрагимга қўйма доғи** (“Ошиқнома”, 2-китоб, 236-бет). **Пир** - кекса, қари. Тарикат асосчиси. **Пир** йўлига бошим қурбон (Гўрўғли, 27-бет). **Эшон**-дин пешвоси. *Қирқ бир Эшон соҳиб калом юбарсин* (“Ошиқнома”, 1-китоб, 274-бет). **Дарвеш**-тарки дунё қилган киши, гадо. **Дарвешлик** кўйина етгандан мадад (“Ошиқнома”, 1-китоб, 68-бет). **Девона** – сўфийликка берилган киши. *Юракдаги ишқдан дали-девона бўлар эрдилар* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 7-бет). **Банда**-оллоҳнинг қули. *Шул қора кўзинга банда бўлойин* (“Ошиқнома”, 5-китоб, 261-бет).

Бу мисолларда Худо, эшон каби сўзлар ҳамиша ўз маъносида қўлланилади. Бошқа келтирилган сўзлар аксарият ҳолларда кўчма маънода ишлатилади. Масалан, беҳишт сўзи

гўзал маскан, умуман гўзаллик маъносида фойдаланилади. Пир сўзи ошиқ-маъшуқаларга ҳомий сифатида тилга олинади.

Дарвеш, девона сўзлари ёр йўлида мажнунсифат бўлиб юрган ошиқ аҳволига нисбатан, унинг рухий ҳолатини ёритиш учун қўлланилади.

Банда сўзи ҳам ёрга банда бўлиш маъносига эга.

Хуллас, дostonлар тилида форсий лексика салмоқли ўринни эгаллайди. Ушбу лексик қатламнинг аксарияти қадимги хоразмийлар тилининг шевада сақланиб келаётган қолдиқларидир.

Форсий қатламнинг яна бир манбаи форс тилининг Хоразмда муайян даврларда давлат тили бўлиб хизмат қилиши ва Эрон билан турли иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг натижасидир.

Хоразм тарихида Эрон билан бўлган алоқадор ўзига хос кўплаб воқеаларни ўз ичига олади. Эроний халқларнинг кўчириб келтирилиши каби ҳодисалар ҳам тилда ўз изини қолдирган.

Фойдаланилган адабиётлар:

3. Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шеваларидаги форсча ва тожикча лексик бирликлар. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013, № 3. 40-46 Б.
4. Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. Урганч, “Университет”, 2008.
5. Машарипов О. Хоразмнома. Қадимги Хоразм. Урганч: “Хоразм”. 2005. 272б.

Анвар Матниёзов (Хоразм Маъмун академияси) ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИ (Илк хоразмий ёзма манбаларининг очқиламаси)

Аннотация. Ушбу мақолада Қадимги Хоразм ёзма ёдгорликлари таҳлил қилинади.

Аннотация. В статье анализируются корпус письменных памятников Древнего Хорезма.

Annotation. The article analyzes written monuments of ancient Khorezm.

Калим сўзлар: графика, эпиграфика, нумизматика, битик, курсив, палеография.

Ключевые слова: графика, эпиграфика, нумизматика, надпись, курсив, палеография.

Key words: grafica, ephigraphica, numismatica, kursiv, paleographia.

Қадимги Хоразм тилига оид ёзма манбаларни шартли равишда иккита гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ илк хоразмий ёзувида битилган ёзма манбалар бўлиб, улар милoddан олдинги IV асрдан милodий X асргача бўлган даврларга оиддир. Фанда илк хоразмий ёзуви деганда оромий графикаси асосида хоразмий тилига мосланган ёзув тушунилади. Иккинчи гуруҳ сўнгги хоразмий ёзувида битилган ёзма манбалар ҳисобланиб, улар милodий X асрдан XIV асргача бўлган даврларда яратилган. Сўнгги хоразмий ёзуви араб графикаси асосида яратилган ёзув ҳисобланади.

Илк хоразмий ёзма манбалар – Қадимги Хоразм ёзма ёдгорликларининг асосини ташкил қилади. Уларнинг аксарияти Хоразм воҳасида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида аниқланган. Бу манбаларнинг барчаси эпиграфик характерга эгадир. Уларнинг энг қадимгилари сопол парчалари, сополаклар, шунингдек, керамика маҳсулотлари, тери, пахса лойга битилган ва жуда кам миқдордадир. Илк хоразмий ёзма манбаларга хоразмшоҳлар давлатининг ҳукмдорлари зарб қилган тангалар, шунингдек, Россия Федерациясининг Камабўйи ва Волгабўйи ёдгорликларидан археологик қазишмалар жараёнида топилган кам сонли металл идишлар сиртига хоразмий ёзувида битилган матнлар ҳам киради. Биз ушбу мақолада Қадимги Хоразм қалъа, кўрғон ва манзилгоҳларидан аниқланган ёзма ёдгорликларни очқилаймиз.

1-жадвал. Илк хоразмий ёзма ёдгорликлари хронологияси

асрлар	ёдгорликлар	материал
м.о. IV-II	Қалъали-қир II, Хумбуз-тепа, Говур I	оссуарий, сополак
м.о. III аср	Қўйқирилган-қалъа	хум, сопол
мил. III аср	Тупроқ-қалъа, Акча-қалъа	тери, девор
мил. IV аср.	Қалъалиқир II, Якка-Порсон, Бурли-қалъа, Аёз-қалъа	тери, суяк, лой
VI-VIII аср.	<u>Я.Смирнов</u>	<u>кумуш идиш</u>
VII аср.	Тўқ-қалъа, Миздахкон	оссуарий
VIII-IX асрл.	Волга, Кама ва Урал бўйи	кумуш, мис

К.О-Қ – Катта Ойбўғир-қалъа (м.о. V-IV аср). Катта Ойбўғир-қалъадан қазилмалар натижасида археологик жихатдан милoddан олдинги V асрнинг охири ва IV асрларга тегишли қатламдан хум сиртига ўйиб ёзилган қисқа битик аниқланган [Мамбетуллаев 1979:46-48]. В.А.Лившиц ва М.Мамбетуллаевларнинг фикрича, археологик жихатдан м.о. V-IV асрларга мансуб ушбу битикда умуман “империя оромий” ёзувига бегона бўлган бирон-бир палеографик белги йўқ [Лившиц, Мамбетуллаев 1986:42].

Х-Т – Хумбуз-тепа ёдгорлиги (м.о. IV-I асрлар). Хумбуз-тепа Амударёнинг чап соҳилида Хазорасп шаҳридан 17 км шарқда жойлашган. Бу ёдгорлик илк маротаба Ўзбекистон ФА Қорақалпоқ филиалининг Тарих, тил ва адабиёт институти отряди таркибида М.Мамбетуллаев ва Н.Ю.Юсуповлар томонидан ўрганилган [Мамбетуллаев, Юсупов 1974:483]. 1978 йилги такрорий текширишлар натижасида манзилгоҳнинг шимолий қисмидаги сопол қатламидан идиш деворининг икки тарафига ҳам сиёҳ (туш) билан ёзилган матн топилган [Лившиц, Мамбетуллаев 1986:35]. М.Мамбетуллаевнинг фикрича, ушбу матннинг ёзуви ё оромий, ёки қадимги хоразмий ёзуви бўлиши керак. Матн ёзилган идиш кулолчилик доирасида юпқа лойдан ясалган. Сопол синиги қизғишсимон рангда бўлиб, каттароқ қисмининг узунлиги 6,3 см, эни 5,5 см, қалинлиги эса, 1,2 см ўлчовга эгадир [Мамбетуллаев 1984:35, 36; Лившиц, Мамбетуллаев 1986:36].

М.М.Мамбетуллаевнинг қайд этишича битикнинг дастлабки таҳлили В.А. Лившиц томонидан амалга оширилган. Унинг хулосасига кўра, остракннинг фрагментарлиги ва ташқи томонининг яхши сақланмаганлиги сақланиб қолган барча харфларни етарли даражада ўқилишига имкон бермайди.

2015 йили Хумбузтепада Хоразм Маъмун академияси археологик гуруҳи олиб борган археологик қазилмалар жараёнида С.Р.Баратов, Б.Садуллаев ва Ш.Раҳимовлар томонидан сопол идиш сиртига ёзилган бир сўздан иборат матн аниқланди. Ҳозирда ушбу матн Хоразм Маъмун академияси илмий ходими А.Р.Матниёзов томонидан расшифровка қилинмоқда.

Қ-Қ 2 – Қалъали-қир 2 манзилгоҳи (м.о. IV-II асрлар). Маҳаллий аҳоли орасида Кўзали-қир ёки Айртон номи билан машҳур бўлган Қалъали-қир 2 ёдгорлиги 1939 йили С.П.Толстов томонидан Хоразмнинг сўл соҳили бўйлаб қилган биринчи маршрути даврида очилган. XX асрнинг 80-90 йиллари давомида Б.И.Вайнберг раҳбарлигида олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида камсонли илк хоразмий эпитафик матнлар аниқланган. Жумладан, улар орасида Хоразм ва Марказий Осиёдаги энг қадимги битик - хум ва остракга ёзилган хоразмий ёзуви намунаси ҳам бор эди [Калалы-гыр 2, 2004:4].

Қалъали-қир 2 қўрғонида олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида Б.И. Вайнберг томонидан қадимги хоразмий ёзуви намуналари аниқланган. Хум ва сопол парчаларига битилган мазкур ёзув намуналари ҳаммаси бўлиб 20 нусхадан ортиқдир. Шунга ўхшаш сопол парчаларига битилган ёзув намуналари Хумбузтепада олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида ҳам аниқланган [Лившиц, Мамбетуллаев 1986:34-45].

Б.И.Вайнберг Қалъали-қир 2 қўрғонидан аниқланган 24 та битикни сурати билан 2004 йили нашр қилдириди [Калалы-гыр 2, 2004].

Г-Қ 3 – Говур-қалъа-3 қўрғони (м.о. IV-II асрлар). Қалъали-қир 2 ва Говур 3 ёдгорликлари матнларининг битилган даврини аниқ белгилаш мушкул. Б.И.Вайнбергнинг фикрича Қалъали-қир 2 ва Говур 3 қўрғонлари матнлари м.о. II асргача бўлган даврга тегишлидир. В.А.Лившиц Қалъали-қир 2 ва Говур 3 қўрғонларидан аниқланган битикларни палеографик белгиларига кўра м.о. III асрнинг иккинчи ярми ёки охиридан милодий II аср оралиғига мансуб деб ҳисоблайди [Лившиц 2004:188]. Говур-қалъадан 1980 йили 2 та битик аниқланган. Қалъали-қир 2 ва Говур 3 битикларининг дешифровкасини В.А.Лившиц амалга оширган.

АҚ-Қ – Ақчохон қалъа (м.о. III аср охири II боши - мил. IV аср). Ушбу қалъа Беруний туманида жойлашган бўлиб, бу манзилгоҳда Австралиянинг Сидней университети олимлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур қалъа Амударё соҳилидаги қалъаларнинг энг каттаси бўлиб, унинг ҳудуди 50 гектардан ортиқдир. 2000, 2007 йилларда халқаро симпозиум ўтказилиб, етакчи археологлар билан кенгашилган ҳолда Ақчохон қалъа қадимги Хоразмнинг пойтахти, деган фикрга келинди [Акбаров 2015]. В.Н.Ягодиннинг фикрига кўра, Ақчохон қалъада тадқиқотлар 1956 йили бошланган. 2004 йилдан буён асосий диққат “муқаддас шаҳар” Қазақли-ятган деб аталувчи сарой-ибодатхонага қаратилган. Бу атрофи девор билан ўралган қадимий шаҳарнинг асосий қисми бўлиб, марказида Хоразмнинг дастлабки шоҳлари дафн этилган мақбара бўлгани тахмин этилмоқда. Бу ердан 45 та деворий лавҳа топилди, улардан 36 тасида одамнинг кўкрагидан юқори қисми портрет тарзида тасвирланган [Акбаров 2015]. В.Н.Ягодиннинг фикрига кўра, милoddан аввалги I асрдан бошлаб ўтган ҳукмдорларга оид бутун бошли бир галереяда сақланиб қолган ёзувга асосланиб, дастлабки ҳолатда улардан бирининг исмига аниқлик киритилди. Йирик эроншунос олим, Санкт-Петербурглик Владимир Лившиц билан биргаликда ёзувлар ўқилмоқда. Аниқланган сулолага тегишли биринчи исм ўқилди. Қолган қадимий деворий ёзувлар кўплаб исмларни аниқлашга асос бўлади. Чунки 300 йил ҳукм сурган сулоладан чиққан элликдан ортиқ ҳукмдор исмини аниқлаш катта меҳнат талаб қилади. Бу ҳозиргача бизга номаълум бўлган қадимги Хоразм тарихидаги катта бир даврнинг кашф этилишидир [Акбаров 2015].

А-Қ I – Аёзқалъа 1 қўрғони (м.о. I - мил. IV аср). 1937 йили С.П. Толстов раҳбарлигида Хоразм археология этнография экспедициясининг ташкил топиши биланок, қадимги Хоразмни археологик жиҳатдан кенг доирада ўрганиш ишлари бошланди. Экспедиция аъзолари томонидан ўрганилиши бошланган илк ёдгорликлардан бири Аёзқалъа 1 қўрғони эди. Қалъа деворлари ва ички ҳовлини текширган археолог А.И.Тереножкин ёдгорликни милодий I асрга тегишли деб белгилади. Аммо, А.И.Тереножкин бошқа бир мақоласида ўша аниқланган археологик материаллар асосида ёдгорликни м.о. I асрга тегишли эканлигини қайд қилади. 1939 йили архитектор В.И.Пилявский ва рассом Н.П.Толстов ёдгорликнинг деталли архитектура ўлчамларини олдилар ва манзарали чизмасини амалга оширдилар. С.П. Толстов, “ярим овал миноралар антик давр Хоразм қалъалари учун хос эмас, улар африқий истехкомлари шаклига яқиндир” деган фикрдан келиб чиқиб, қўрғонни милодий II-IV асрларга мансублигини таъкидлайди. 1946 йили Хоразм археология ва этнография экспедицияси аъзолари томонидан қўрғоннинг юза қисми кўтарма материали олинди. Я.Ғ.Ғуломов Аёзқалъа 1 қўрғонини милодий I асрга таъаллуқли деб фикр билдиради [Маньлов, Хожаниязов 1981:32].

Аёзқалъа 1 кўрғонида, шимолий кириш жойининг айланма биносиди, ўтиш жойининг сувоғида, уч харфдан иборат битик ва унинг пастида 1 белгидан иборат тамға топилган. Белгилар хом лойга 23 мм чуқурликда ўйиб ёзилган. В.А.Лившиц уч харфдан иборат битикни *HMR* (хоразмийча ўқилиши *HAMR*), яъни «юмшок», «майин», «етарли даражада қаттиқ бўлмаган», «мустаҳкам» маънолари билан ўқийди. Битик пастидаги белгини эса, “уста”нинг, тўғрироғи қурилиш бошлиғининг белгиси деб ҳисоблайди. Шунга ўхшаш тамға Қўйқирилганқалъа кўрғонидаги бир идишда ҳам аниқланган эди [Маньолов, Хожаниязов 1981:37].

Б-Қ – Бурлиқалъа (м.о. IV-III асрлар). Бурлиқалъа – Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманининг шимол тарафида, Султон Увайс тоғ тизмасининг жанубий тармоғининг ясси тепалик чўққисиди, Аёзқалъа археологик кўрғонлари комплексида 6 км ғарброқда жойлашган.

Кўрғон 1946 йили (июль-октябрь) Хоразм археология ва этнография экспедицияси томонидан авиаразведка натижасиди маълум бўлган эди. Бурлиқалъа С.П.Толстов томонидан м.о. IV аср – мил. I асрларга тегишли деб баҳоланган [Толстов 1962:101]. Я.Ғ.Ғуломов эса, кўрғонни “сўнгги қанғ (кангюй) даврига оид”лигини таъкидлаган эди [Ғулямов 1957:99].

Бурлиқалъа кўрғонидан топилган, кўпсонли топилмалар орасиди яхши сақланган 10 сўздан иборат туя суягига қора сиёх (туш) билан ёзилган матн алоҳиди қимматга эга [Маньолов, Хожаниязов 1981:44]. Матн ёзилган суяк 1 бинонинг материк чуқуридан, м.о. IV-III асрларга тегишли сополлар билан бирга топилган. Археологик материалларга кўра, битик шу даврга оиддир.

Қ-Қ-Қ – Қўйқирилганқалъа (м.о. IV - мил. IV асрлар). Қўйқирилганқалъа - Хоразмдаги классик Қанға маданиятининг ажойиб ёдгорлигидир. Унинг вайроналари дастлаб 1938 йили Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан аниқланган [Толстов 1954:225]. Қўйқирилганқалъадаги асосий археологик қазилмалар 1951-1957 йиллар оралиғиди С.П.Толстов раҳбарлиғиди олиб борилди.

Қўйқирилганқалъадаги археологик қазилмалар жараёнида сопол идиш сиртига ёзилган қадимги хоразмий ёзуви намуналари топилди. Бу ёзув намуналари м.о. III-II асрларга оид бўлиб, улар нафақат Хоразмда балки бутун Марказий Осиёда топилган ёзув намуналарининг энг қадимийси сифатида эътироф этилган эди. В.А.Лившицнинг фикрича Қўйқирилганқалъа матнларининг орасиди милодий V-VI асрларда ёзилган битиклар ҳам мавжуд [Лившиц 2004:188].

Т-Қ – Тупроққалъа кўрғони (мил. II-III асрлар). Тупроққалъа кўрғони ХАЭЭ томонидан 1938 йили очилган [Толстов 1953:301]. Тупроққалъа кўрғонидаги шоҳ саройиди олиб борилган археологик қазилмалар вақтида топилган хужжатлар III-IV асрларга оиддир.

Кушон даврига хос қалъалардан бўлган Тупроққалъа м.о. I асрдан эрамизнинг VI асригача – етти аср давомида мавжуд бўлган. Кушон подшолигининг шимолий чегаралари Хоразмдан ўтган эди. Эрамизнинг II асри ярмига келиб Кушон подшолиғи маълум муддатга Эрон таъсири остига тушиб қолади. Бу даврда Хоразмнинг ҳам қудрати анча пасаяди. Хоразм эрамизнинг III асри бошларида Кушон истибдодидан халос бўлади [Авдусин 1967:208]. Шунингдек, археологик қазилмалар натижасиди Тупроққалъа кўрғонидан Хоразмнинг ҳукмдорлари ҳақида қизиқарли маълумотларни берувчи нумизматик материаллар ҳам топилган [Мартынов 1973:201].

Хоразмий хужжатлар сарой комплекси марказий массивининг жанубий-шарқий қисмидаги пастки тўртта бинодан топилган. Топилмаларнинг ўрни уларни юқори қаватдан тушганлигини билдиради [Толстов 1952:42-44; Лившиц 1984:251]. Саройда тери ва ёғочга (таёқ ва чўпхат) ёзилган хужжатлар сақланган.

Тупроққалъа саройидан топилган чарм, лой ва чўпхатга ёзилган хоразмий тилидаги матнларнинг интерперетацияси ва сурати Хоразм археология этнография экспедициясининг XIV тўпламида келтирилган (ТХАЭ 1984:251-286). Булар терига ёзилган 8 та, ёғочга ёзилган 15 та (Док I-XV) ҳужжат, шунингдек, 4 та хўжалик ҳужжатлари (Док XVI-XIX) ва чўпхатлар (5 та таёқча, шунинг 1 таси таёқча-буток) матнидан иборат.

М – Миздахкон (мил. VII-VIII асрлар). Миздахкон илк дастлаб 1928-1929 йиллари А.Ю.Якубовский томонидан текширилган. Кейинчалик, 1946 йили С.П. Толстов раҳбарлигидаги ХАЭЭ томонидан ўрганилган. Ёдгорлик 1962 ва 1964-1965 йилларда узок вақт Ўзбекистон ФА Қорақалпоқ филиалининг археология ва этнография стационар отряди томонидан ўрганилди [Ягодин, Ходжайов 1970:6]. Миздахкон Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳридан 4-5 км жанубда жойлашган. Маҳаллий аҳоли уни Говур қалъа деб атайдди. Миздахкондан 27 та хоразмий ёзуви намуналари аниқланган [Лившиц 1970:247]. Ёзув намуналари палеографик маълумотларга қараганда VII-VIII асрларга оиддир. Миздахкондан аниқланган ёзув намуналари Тўққалъадан аниқланган ёзув намуналарига жуда яқин туради. 1964 йили 22 та ёзув намуналари аниқланган: 1965 йили 2 та ёзув намунаси аниқланган.

ТҚ-Қ – Тўққалъа (мил. VII-VIII асрлар). Тўққалъа Нукус шаҳридан 14 км шимолий-ғарбда жойлашган. Тўққалъада милодий VIII асрнинг иккинчи ярмигача ҳаёт давом этган. Тўққалъа илк бора 1946 йили С.П.Толстов томонидан ўрганилган ва у томонидан қалъанинг кўп қатламли эканлиги қайд этилган эди. 1958 йили Ўзбекистон ФА Қорақалпоқ комплекс илмий-текшириш институтининг тарих сектори Тўққалъада археологик қазишмаларни бошлади [Гудкова, Ягодин 1961:49; МХЭ 6:248, 249]. Археологик қазишмалар натижасида Тўққалъа некрополидан хоразмий битиклари ва рангбаранг тасвирларга эга 54 дона оссуарий топилган. А.В. Гудкованинг китобида 49 та битик намунаси келтирилган. Қолган 5 тасини ёмон сақланганлигидан ўқишни иложи бўлмаган. Айрим битиклар бир неча мисрадан иборат бўлса, айримлари бир сўздан таркиб топган. Оссуарийларнинг юзасида бир сўз уч марта такрорланганлик ҳолати ҳам учрайди. Битиклар турлича дастхатларда амалга оширилган. Тўрттасини истисно қилганда, барча қопқоқ ва оссуарийлардаги ёзувлар ўнгдан чапга томон одатий йўналишни сақлаган ҳолда вертикалига ёзилган. Кўринишидан, оссуарийларни торецга қўйиб ёзганлар. Баъзи ҳолларда, битикни қопқоқ ва оссуарийга бир вақтнинг ўзида ёзганлар. Чунки, кўпчилик ҳолларда, оссуарийларнинг корпуси ва қопқоқлари ҳар турлидир. Гоҳ (қопқоқлардаги) битикнинг бир қисми сатр бошини англатса, бошқаси (корпуслардаги) сатр охири билдиради. Кўпчилик битиклар яхши сақланган. Ушбу битикларни ўқишга киришган С.П.Толстов, битик саналарини аниқлашга муваффақ бўлди. Улардан энг қадимийси 605 йилни билдиради. Унинг фикрича, саналар Шах эрасида берилган. У ҳолда юқоридаги сана бизнинг йил ҳисобимизда 683 йилни ҳосил қилади. Бу археологик материаллар ва тангалар асосидаги даврлаштиришга тўла мос келади. Ёзувлардаги алифбо Тупроққалъадан аниқланган алифбонинг такомиллашган шакли бўлиб, Хоразмдан [Гудкова 1964:94; Толстов 1948:192-194] ва Уралбўйидан [Гудкова 1964:94; Смирнов 1904:286] топилган идишлар ва Якка-Порсондан [Гудкова 1964:94; Толстов 1962:257, 258] аниқланган ёзувлар билан айнан бир хилдир [Гудкова 1964:93, 94]. С.П.Толстов ва В.А.Лившиц ўз мақолаларида 8 та битик намунасини келтирганлар [Tolstov, Livshits 1964].

Я-П – Якка-Порсон ёдгорлиги (мил. VIII аср). Якка-Порсон Бургутқалъа воҳасининг ажойиб ёдгорлиги ҳисобланади. Нодир архитектура ансамбли бўлган Якка-Порсонда археологик қазишмалар 1959 йили бошланган. Якка-Порсон кўрғонидан археологик қазишмалар жараёнида тери ва ёғочга битилган икки ҳужжат топилган. Мазкур матнлар Хоразмда араб графикаси қўлланмасдан олдинги даврдаги хоразмий ёзувининг характерли жиҳатларини ўзида мужассам қилган. Бунгача, хоразмий тангалардаги битикларни ҳисобламаганда VII-VIII асрларга оид хоразмий ёзуви намуналари

аниқланмаган эди. С.П.Толстов, Якка-Порсондан топилган терига ёзилган хужжатдаги битикка асосланиб, бу даврга келиб хоразмий ёзуви шаклан ривожланиб курсивлашаётганини таъкидлайди [Толстов 1962; МХЭ 6, I:15].

Мутахассислар Якка-Порсон хужжатларидаги харф тузилишларини Тўққалъадан топилган оссуарийлардаги ёзувлар [Гудкова 1963], сўнги африғий тангалари ва кумуш идишлардаги ёзувга ўхшашлигини қайд этганлар. Кумуш идишлардаги ёзувлар хоразмий ёзуви эканлиги эҳтимол қилинарди. Якка-Порсондан топилган ёзувлар туфайли бу эҳтимол ўзининг янги исботини топди [Толстов 1962:258; МХЭ 7, II:13-14]. Якка-Порсондан 2 та терига ёзилган хужжат парчаси ва ёғоч тахтага ёзилган 1 та хужжат аниқланган.

Илк хоразмий ёзма ёдгорликлари сирасига нумизматик материаллар ҳам киради.

2-жадвал. Илк хоразмий ёзма манбалари сирасига кирувчи нумизматик материаллар.

№	тангалардаги матн	аниқланган жойи
1	'rt'w	Катқалъа
2	MR'Y MLK' Sy'wršpm	Тешиққалъа, Якка-Порсон
3	Hwt'w (титул)	Якка-Порсон
4	S'nb'r MLK'	Дингилжа, Анқалъа, Қизилқалъа, Тупроққалъа
5	R'st MLK'	Дингилжа, Аёзқалъа III, Тупроққалъа
6	Sy'wsprš MLK'	Дингилжа, Анқалъа, Қизилқалъа, Қўш Порсон, Тупроққалъа
7	Wzm'r MLK'	Дингилжа, Думанқалъа, Қаватқалъа, Одамликқалъа, Анқалъа, Қизилқалъа, Қўзикирилган, Қўш Порсон, Аёзқалъа III, Тупроққалъа, Кўна Уаз, Бургутқалъа

Фойдаланилган адабиётлар:

Авдусин 1967 – Авдусин Д.А. Археология СССР. Москва: «Высшая школа».

Акбаров 2015 – Акбаров Х. Тамаддун тилсимлари. O'zbekiston adabiyoti va san'ati. 2015 yil 3 iyul, № 27.

Гудкова 1963 – Гудкова А.В. Некрополь городища Ток-кала // СЭ, № 6.

Гудкова 1964 – Гудкова А.В. Ток-кала. Ташкент.

Гудкова, Ягодин 1963 – Гудкова А.В., Ягодин В.Н. Археологические исследования в правобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи в 1958-1959 гг. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. МХЭ 6. Москва: АН СССР, 1963.

Гудкова, Ягодин 1961 – Гудкова А.В., Ягодин В.Н. Археологические исследования на городище Ток-кала в 1959 году. Общественные науки в Узбекистане. № 5.

Гулямов 1957 – Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент. 1957.

Калалы-гыр 2 2004 – Калалы-гыр 2: Культурный центр в Древнем Хорезме IV-II вв. до н.э. /отв. ред. Б.И.Вайнберг/ Москва: “Восточная литература”. 286 с. : ил., карты.

Лившиц 1970 – Лившиц В.А. Хорезмийские надписи на оссуариях с некрополя Миздахкана. Некрополь древнего Миздахкана. Ташкент.

Лившиц 1984 – Лившиц В.А. Документы. Топраккала. Дворец. Москва.

Лившиц 2004 – Лившиц В.А. Надписи и документы. Калалы-гыр 2: Культурный центр в Древнем Хорезме IV-II вв. до н.э. Москва: “Восточная литература”. С. 188-212.

Лившиц, Мамбетуллаев 1986 – Лившиц В.А., Мамбетуллаев М.М. Острак из Хумбуз-Тепе // Памятники истории и литературы востока. Москва. 1986.

Мамбетуллаев 1979 – *Мамбетуллаев М.* Хум с городище Большая Айбуйир-кала с древнейшей надписью в Средней Азии // «Вестник Каракалпакского филиала АН Узбекской ССР». № 1 (75), с. 46-48, рис. 2.

Мамбетуллаев 1984 – *Мамбетуллаев М.М.* Хумбузтепе – керамический центр Южного Хорезма // Археология Приаралья. Вып. II. Ташкент: “Фан”. 1984.

Мамбетуллаев, Юсупов 1974 – *Мамбетуллаев М., Юсупов Н.* Археологические работы в Хорезмской области // Археологические открытия 1973 года. Москва. 1974.

Манылов, Хожаниязов 1981 – *Манылов Ю.П., Хожаниязов Г.* Городища Аяз-кала I и Бурлы-кала. - Археологические исследования в Каракалпакии, Ташкент.

Мартынов 1973 – *Мартынов А.И.* Археология СССР. Москва: «Высшая школа».

МХЭ 6, I – Материалы Хорезмской экспедиции. Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958-1961 гг. вып. 6. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. часть I. Москва: АН СССР. 1963.

МХЭ 7, II – Материалы Хорезмской экспедиции. Неразик Е.Е. Раскопки Якке-Парсана. МХЭ, вып. 7. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. часть II. Москва: АН СССР. 1963.

Смирнов 1909 – *Смирнов Я.И.* Восточное серебро. Атлас древней серебряной и золотой посуды восточного происхождения, найденной в пределах Российской империи, СПб.

Толстов 1948 – *Толстов С.П.* Древний Хорезм. Москва.

Толстов 1952 – *Толстов С.П.* Хорезмская Археолого-этнографическая экспедиция Академии наук СССР (1945-1948 гг.). ТХАЭЭ вып. I. Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945-1948. часть I. Археологические работы. Москва: АН СССР.

Толстов 1953 – *Толстов С.П.* Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция Академия наук СССР 1950 г. // Советская археология. Том XVIII. Москва: АН СССР.

Толстов 1954 – *Толстов С.П.* Археологические работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции Академия наук СССР в 1951 году. СА, том XIX. Москва: АН СССР.

Толстов 1962 – *Толстов С.П.* По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва.

Ягодин, Ходжайов 1970 – Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. Ташкент.

Tolstov, Livshitz 1964 – *Tolstov S.P., Livshitz V.A.* Decipherment and interpretation of the khwarezmian inscriptions from Tok Kala. Acta Antiqua. Tomus 12.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**Бахтияр Собиров (Ургенчский государственный университет)
ВЛИЯНИЕ СЛОЖНОГО НАГРУЖЕНИЯ НА ДЕФОРМАЦИИ БЕТОНА ПРИ
ТРЕХОСНОМ СЖАТИИ**

***Аннотация.** В статье анализируются типовые проекты образцовых жилых домов для строительства в сельской местности. Идея статьи заключается в представлении некоторых изменений в проектировании и строительстве выгребных ям наружного туалета в приусадебных участках хозяйственных пристроек для улучшения качества сооружения, сокращения сроков строительства и уменьшения сметной стоимости объекта.*

Изложены результаты анализа опытных деформаций бетонов в условиях сложного нагружения при трехосном неравномерном сжатии.

***Аннотация.** Уч ўқ бўйлаб мураккаб юкланиш ҳолатида нотекис сиқилган бетонларда ўтказилган тажрибалардаги деформациялар натижалари тахлил қилинган.*

***Abstract.** In the article, type designs of standard residential houses were analyzed for construction in rural areas. The sense of the article consists of presenting of some changes in projection and construction of cesspools for outdoor lavatories in homestead lands of outhouses, in order to improve the quality of constructions, to reduce the time and estimated cost for the building.*

Besides, the results of the analysis of experimental deformations of concrete under the conditions of complex loading on triaxial irregular compression are presented.






***Ключевые слова.** Сложные нагружения, напряженное состояние, трехосное сжатие, относительная деформация, объемная деформация.*

***Калим сўзлар.** Мураккаб юкланиш, кучланганлик ҳолати, уч ўқ бўйлаб сиқилиш, нисбий деформация, ҳажмий деформация.*

***Key words.** Complex loading, stress condition, triaxial compression, comparative deformation, volumetric deformation.*

Деформирование бетона в условиях трехосного напряженного состояния представляет собой гораздо более сложный процесс, чем при плоском напряженном состоянии и тем более, при одноосном сжатии. Влияние сложного (непропорционального) нагружения на деформацию и прочность бетона в условиях трехосного сжатия исследованы в работах 1, 2.

В статье изложены результаты анализа ранее проведенных экспериментальных исследований автора [3]. В экспериментах некоторые опытные образцы (по 2-3 образца в каждой серии) в режиме простого (пропорционального) нагружения не разрушились из-за ограниченной возможности испытательной установки. При этом, включая достигнутый уровень напряжений, осуществлялось простое нагружение бетонных образцов, измеряя деформации на каждой ступени. После чего каждый образец выдержали в течение 20-30 минут под действием достигнутого напряжения, а затем разгружали по направлению наименьшего главного напряжения σ_1 до разрушения, сохраняя соотношения σ_2/σ_3 , ($\sigma_1 \geq \sigma_2 \geq \sigma_3$; $\sigma_1 < 0$) постоянным, т.е. подвергались сложному нагружению.



Прочность R_b, R_{bt}	Соотношение $\sigma_3 : \sigma_2 : \sigma_1$	Пределные значения $\sigma_3 : \sigma_2 : \sigma_1$, в МПа	Относительные деформации $\times 10^{-5}$				Время выдержки, мин.	μ_{σ}	$\varepsilon_{\text{плт}}$ при $\sigma_1 =$, МПа
			ε_1	ε_2	ε_3	θ			
$R_b = 34,5 \text{ МПа}$ $R_{bt} = 2,1 \text{ МПа}$ Без добавки	Образец 3-14 -1:-0,25:-0,10* -1:-0,25:-0,0764	-85:-21,25:-8,5* -85:-21,25:6,5	433*	177	-655	-45	25	-0,666	6,5
			547**	272	-672	147			
			641	385	-658	368			
	Образец 3-15 -1:-0,50:-0,075* -1:-0,50:-0,056	-80:-40:-6* -80:-40:-4,5	443*	66	-538	-29	5	-0,081	5,0
512**			186	-546	152				
676			340	-500	516				
$R_b = 40,74 \text{ МПа}$ $R_{bt} = 2,612 \text{ МПа}$ с добавкой НИЛ-21+СН	Образец 4-12 -1:-0,15:-0,10* -1:-0,15:-0,0875	-80:-12:-8* -80:-12:-7	267*	234	-608	-107	20	-0,888	6
			368**	405	-659	113			
			430	505	-650	284			
	Образец 4-14 -1:-0,20:-0,10* -1:-0,20:-0,065	-85:-17:-8,5* -85:-17:-5,5	362*	308	-654	16	15	-0,777	6,0
			450**	341	-681	110			
			456	370	-690	136			
Образец 4-15 -1:-0,50:-0,10* -1:-0,50:-0,05	-80:-40:-8* -80:-40:-4	238*	-38	-551	-350	30	-0,111	7	
		362**	113	-626	-150				
		422	241	-626	36				

Примечание: * - значение величин на достигнутом уровне напряжений. ** - то же в конце выдержки

В представленных иллюстрациях наглядно показан характер изменения компонентов относительных и объемных деформаций, развивающихся в направлениях главных сжимающих напряжений, бетона различной прочности по осевому сжатию. Полученные результаты подтверждают, что в условиях трехосного сжатия бетон претерпевает значительные деформации (укорочения и удлинения), в несколько раз превышающие деформации бетона при осевом сжатии.

В таблице даны значения компонентов относительных и объемных деформаций бетона в момент достигнутого уровня, в конце выдержки и в момент близкой к разрушению.

Анализ опытных данных показал, что значения относительных деформаций в условиях трехосного неравномерного сжатия при сложном (непропорциональном) нагружении зависят от параметра Лоде-Надаи $\mu_\sigma = \frac{2\sigma_2 - \sigma_1 - \sigma_3}{\sigma_1 - \sigma_3}$, от соотношения главных напряжений σ_2/σ_3 и времени выдержки под нее. С увеличением μ_σ и σ_2/σ_3 до достигнутого уровня возрастают все компоненты деформации бетона. В достигнутых уровнях напряжений в зависимости соотношения σ_2/σ_3 и времени выдержки под напряжением развиваются значительные деформации ползучести. При сложных разгрузках с уменьшением σ_2/σ_3 деформации $\varepsilon_1, \varepsilon_2$ и θ возрастают, а значения деформаций ε_3 по оси действия наибольшего сжимающего напряжения σ_3 остаются почти неизменными, а в отдельных случаях происходит некоторое его уменьшение.

В статье из-за малочисленности испытанных образцов не выполнено количественное сравнение полученных значений компонентов деформаций, в зависимости от прочности самого бетона, режима и условия загрузки. Изложенные выводы строились на основе анализа качественной картины деформированного бетона. Нужно указать, что характер изменения компонентов деформаций бетона при сложных разгрузках отличается от пропорционального простого случая.

Список литературы:

1. Яшин А.В., Кульманов А.К. Влияние сложного (непропорционального) нагружения на деформации и прочность бетона при трехосном сжатии. // Поведение бетонов и элементов железобетонных конструкций при воздействии различной длительности. Москва: Стройиздат, 1980. С.4-17.
2. Кульманов А.К. Прочность бетона при сложном нагружении в условиях трехосного сжатия. // Новые исследования по технологии расчета и конструирования железобетонных конструкций. Москва: НИИЖБ, 1980. С.79-83.
3. Сабиров Б. Прочность, деформации различных бетонов в условиях кратковременного и длительного трехосного сжатия: Автореф. дисс. канд. техн. наук. М. НИИЖБ, 1990. 24 с.

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ**Бабаджанова С.Х., Рахимова Ш.О., Сиддиқов Х., Матқурбанов Н. (УрДУ)
СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯЛАШДА СКОЛИОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ САЛБИЙ
ОҚИБАТЛАРИ**

Аннотация. Мамлакатимизда соғлом авлод тарбиялашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, уни даволашдан кўра анча осонроқ. Шундай касалликлар борки, уларни эрта аниқламаслик даволашда анча қийинчиликлар туғдиради, мисол қилиб, сколиоз касаллигини айтиш мумкин. Сколиоз – ўсиш даврида ёш болаларда умуртқа поғонасининг нотўғри эгрилик ҳосил қилишидир. Тадқиқотда ёшлар ўртасида сколиоз касаллигини келтириб чиқарувчи бир қанча омиллар аниқланди ва уларнинг олдини олиш учун тавсиялар берилди.

Аннотация. В настоящее время в нашем государстве большое внимание уделяется воспитанию здорового поколения. Профилактика всех болезней лучше, чем лечить его.

Есть такие заболевания, которые необходимо диагностировать вовремя, иначе лечить их будет очень сложно, например, заболевание сколиоз. Сколиоз – это искривление позвоночного столба в период роста детей. В исследовании приводятся несколько факторов, приводящие к сколиозу среди молодежи и даются советы для предотвращения этого заболевания.

Abstract. At the present time in our country, much attention is paid to a healthy generation. Prevention of all diseases is better than curing it. There are such diseases, if they are not determined at the time, then it will be very difficult to treat them, for example, the scoliosis. Scoliosis is the curvature of the vertebral column in the period of growth of children. During the researches, several factors leading to scoliosis among the youth were revealed and recommendations were given to prevent this disease.

Калим сўзлар: Сколиоз, умуртқа поғонаси, эгрилик, рахит.

Ключевая слова: Сколиоз, позвоночный столб, искривление, рахит.

Key words: Scoliosis, vertebral column, curvature, rachitis.

Бугунги кунда ёш авлоднинг тарбиясида унинг соғлигига эътибор қаратиш жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, уни даволашдан кўра анча осон кечади. Ҳар бир оилада ота-онанинг муҳим вазифаси соғлом болаларни тарбиялашдан иборат. Боланинг гавда тузилиши, қадди-қомати халқнинг соғломлик кўрсаткичи ва маданияти кўзгусидир. Қадди-қоматни тўғри тарбиялаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бу узоқ давом этадиган жараён. Қадди-қомат – одам танасининг вертикал ҳолатини белгилайди. Ҳар кунги турмуш тарзи ҳам одамнинг қадди-қомати ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин, унинг кайфияти яхши ёки ёмонлиги, ўз кўринишини тутиш ҳолатлари, ўта чарчоқлик шулар жумласига киради. Нормал қадди-қомат номувофиқ ҳаётий жараёнда ёмонлашиши мумкин, бундай ҳолат бола мактабда биринчи йил ўқиш пайтида кузатилади. 7 ёшларда боланинг мускул бойлам бирлашмаси ўтиришнинг физиологик ҳолатига мослашиб боради. Умуртқа поғонасига бириккан мускул ва бойламларнинг таъсирида унинг функцияси ўзгариб туради. Бу танадаги катта-кичик мускул фаолиятига бевосита боғлиқдир. Бу мускуллар одам танасини нормал ушлаб туришдан ташқари қарама-қарши кучларни бир-бирига мутаносиб қилишдан иборат. Агар мускуллар яхши ривожланган бўлса, уларнинг ҳаракати бир-бирига мутаносиб бўлади. Бу ўз навбатида умуртқа поғонаси қийшаймасдан тўғри ривожланишига ёрдам беради. Инсон танасининг тўғри шаклланишида умуртқа поғонаси суягининг аҳамияти жуда катта. Умуртқанинг физиологик эгриликлари нотўғри ривожланиши натижасида ўқувчининг қадди-қомати қийшиқ бўлиб қолиши ва боланинг соғлом ўсишига таъсир этади. Физиологик эгриликлар

умуртқа поғонасининг эгилувчан хусусиятларини оширади ва одам ички аъзоларини ташқи муҳит шикастланишларидан асрайди.

Айрим ҳолатларда умуртқа поғонасининг физиологияси ва тузилишида вақтинчалик ёки доимий органлар дисфункцияси кузатилади. Натижада болалардаги таянч-ҳаракат тизими касалликлари, жумладан, умуртқа поғонасининг қийшайиши юзага келиши мумкин. Болалардаги қадди-қоматнинг нуқсонларидан бири сколиоз касаллигидир. Бу касаллик умуртқанинг ўнг ёки чап ён тарафга қийшайиши натижасида пайдо бўлади. Бу фақат умуртқа поғонаси касаллиги эмас, балки бир бутун организмда чуқур ўзгаришлар бўлиши билан фарқланади. Бу касаллик секин ривожланади, безовта қилмагани учун кеч аниқланади. Шунинг учун ҳам уни даволаш ниҳоятда қийин кечади, бу касалликни баъзан бартараф этиш мумкин эмас. Бола бу касалликда тез чарчайди, кўпроқ ўтирган ва юрган пайти умуртқа поғонасида оғриқ сезади. Сколиоз ўсиш даврида яъни болалар ва 5 дан 16 ёшли ёшларда тез-тез учрайди. Ёш болаларнинг ҳар бир ҳаракати унинг келгуси ҳаётдаги саломатлигига жуда катта таъсир кўрсатади.

Сколиоз - умуртқа поғонасида нотўғри эгрилик пайдо бўлишидир. Сколиоз касаллиги бор болалар текширилган пайтда умуртқа поғонасида қийшиқлик ҳолати кузатилади. Бу умуртқа поғонасининг чап ёки ўнг тарафга оғанлиги билан изоҳланади. Қийшайган тарафда курак юқорига кўтарилган бўлади. Курак суяги умуртқа поғонасига яқинроқ бўлиб қолади.

Сколиоз касаллигининг 2 хил тури учрайди:

- 1) Ёйсимон тури;
- 2) S симон турлари учрайди.

Ҳар иккала ҳолат ҳам бола саломатлигига хавф солиб, илк белгилариданок мутахассис қабулида бўлиш тавсия этилади.

Касаллик оғир-енгиллигига қараб 4 даражага бўлинади:

- 1-даражали сколиоз – енгил тури бўлиб, текширилган пайти умуртқа қийшиқлиги бола горизонтал ҳолда ётганда йўқолади.
- 2-даражали сколиоз – бола текис жойда ётган пайти ҳам қийшиқлик йўқолмайди. Кўкрак ва бел соҳасида қийшиқлик натижасида мускул ўрами ёки бўртмасини аниқлаш мумкин.
- 3-даражали сколиоз – эса қийшиқлик бир хил ҳолатда, стабиллашган қийшиқлик кузатилади. Бундай сколиозда букрилик пайдо бўлади. Тос қийшайиши натижасида оёқнинг функционал калталиги пайдо бўлади. Бола ён тарафга эгилиб, ўша калталикни йўқотишга ҳаракат қилади.
- 4-даражали сколиоз – энг оғир формаси бўлиб, боланинг ички аъзоларида патологик ўзгаришларни юзага келтиради. Бола ташқаридан букрилик ҳолати бўлади. Оёқ соҳаларида фалажлик, невралгия, парез қайд қилинади.

Касалликни даволамаса, унинг хуружи натижасида умуртқанинг ўз ўқи атрофида айланиб кетиши натижасида яна ҳам мураккаб деформацияловчи асоратларга олиб келади. Бундай нуқсонлар ўз-ўзидан боланинг ички аъзолари ўрnidан силжишига сабаб бўлади ва уларнинг функцияси бузилишига олиб келади. Ўпка, юрак-қон системаси иши бузилади. Сурункали ҳаво етишмагандек бўлади. Агар ўз вақтида сколиоз касаллигининг бошланғич даражаларида ёрдам берилмаса, келажакда бола ногирон бўлиб қолиши мумкин.

Агарда қиз болада сколиоз касаллиги пайдо бўлса, вояга етиб турмуш қургандан сўнг унда туғруқ жараёни қийин кечиши мумкин. Бўйин ёки бел умуртқаларининг қийшайиши оқибатида уларда букрилик ҳолати вужудга келиши ёки умуртқа поғонасининг орасига туз ва суюқликлар йиғилиши мумкин. Касалликнинг биринчи белгиларидан бири кўкракда оғриқ, оёқларда чарчоқ сезилади.

Сколиозни келтириб чиқарувчи аниқланган бир қанча омиллар

№	Сколиозни келтириб чиқарувчи омиллар
1	Мақтаб ўқувчисига елканинг бир томонига осиладиган сумка олиб берилса,

	суяклари ҳали тўлиқ қотмаган бўлганлиги сабабли, ҳар доим бир томонга сумкани осиб юриш натижасида тана суякларининг шу томонга қийшайиши кузатилади.
2	Мактаб ўқувчиларининг уйда дарс тайёрлаётган вақтида стулга тўғри ўтирмаслиги ва шу стол-стулларни боланинг ёшига тўғри келмаслиги ҳам касаллик юзага чиқишида етакчи омиллардан бири ҳисобланади.
3	боланинг эркин юрганида эгилиб ёки бошини эгиб юриши мумкин, бу ҳам сколиозга сабаб бўлади.
4	боланинг рахит касаллигига чалинган бўлса, суякларда кальций етишмаслиги оқибатида умуртқа поғонасининг қийшайиши кузатилади.
5	болаларни оғир юк кўтаришга мажбур қилиш туфайли умуртқа поғонаси қийшайиши мумкин.
6	пружинали каравотлардан фойдаланишда ҳам умуртқа поғонаси қийшайиши мумкин
7	ёш болалар атрофига ёстик қўйиб, ўтиришга мажбур қилиш оқибатида ҳали бунга тайёр бўлмаган нозик умуртқа поғонасида эгилиш ҳолати пайдо бўлади.
8	овқатланиш рационидан таркибидан кальций сақловчи озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги натижасида суякларнинг мустаҳкамлиги бузилади, бундай ҳолат ҳам сколиоз касаллигининг юзага келишига сабаб бўлади.

Касалликнинг олдини олиш мақсадида бир ойлигидан бошлаб болаларга витамин D₃ беришни, тоза ва қуёшли ҳавода сайр қилишни тавсия этамиз. Шунингдек, боланинг 6 ойгача она сuti билан озиқланишига жиддий эътибор қаратиш керак. Кейинчалик қўшимча озуқалар бериш мумкин. Айниқса, тухум сариғи, витаминларга бой бўтқалар, кефир, творог бола ривожланишида муҳим ҳисобланади. Болалар соғлиғи ва қадди-қомати бузилишида энг аввало, яхши овқатланмаслик, очиқ ҳавода сайр қилмаслик, етарли ухламаслик, сузиш, гимнастика билан шуғуланмаслик, мактабда болаларга мос келмайдиган парта бундай нуқсонлар ривожланишига олиб келади. Сколиоз касаллиги 7 ёшдан 15 ёшгача учрайди. Унинг профилактикасида боланинг қадди-қоматига чақалоқлик давридан эътибор қаратиш муҳим роль ўйнайди.

Ота-оналар болаларини, авваламбор, бу касалликларга чалинтирмасликка ҳаракат қилиши керак. Касалликнинг дастлабки белгилари кузатилгандан, муолажа учун шифокор билан суҳбатлашиш керак. Жисмоний тарбия машқлари ва чиникиш омилларидан оқилона фойдаланиш, болаларда учрайдиган ҳар хил касалликларни жумладан сколиозни даволашда ва уларнинг олдини олишда катта ёрдам беради.

Ёшларнинг қадди-қоматини шаклланишида сколиозга чалинмаслиги учун амалий тавсиялар

№	Сколиозга чалинтирмасликка тавсиялар
1	Мактабда ўқийдиган болага икки елкага баравар осиладиган сумкадан фойдаланишни тавсия қилиш
2	мактабда ўқийдиган ўқувчиларни стол-стулда тўғри ўтиришга ўргатиш
3	болаларни спорт тўғаракларига қатнашишга ундаш
4	болада рахит касаллиги бўлса, уни ўз вақтида даволатиш
5	имкони борича болага оғир юк кўтартирмаслик
6	текис, ёғоч каравотларда кўпроқ ётқизиш
7	бола ҳали ўтира олмаса, уни ўтиришга мажбур қилмаслик
8	болаларнинг овқатланиш рационидан қатиқ, сут, творог, балиқ алоҳида ўрин олиши керак.

Бугунги кунда республикамиз миқёсида болалар спортини ривожлантириш йулга қўйилган. Болаларга қайси спорт турига мос эканлигини аниқлаш (албатта шифокор кўригидан ўтказилгандан кейин), айниқса, қадди-қомати нуқсонли болаларга спорт турларини режим асосида ташкил этиш биз шифокор-ортопедлар, болалар шифокори, мактаб шифокорлари, педагоглар ва тарбиячилар олдидаги муҳим вазифадир. Юқоридаги барча тавсиялар ҳаётга тадбиқ этилганда болаларнинг соғлом ривожланиши ва ўсиши таъминлаш мумкин. Бундай чора-тадбирлар ёшларда сколиоз касаллигининг олдини олишда жуда катта самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аминов В. Соғлом турмуш тарзи - инсон омилини кучайтириш гарови. Тошкент. 1999.
2. Баходиров К. Соғлигингиз ўз қулингизда. Тошкент. “Медицина”. 2010.
3. Бойков В.П. Вопросы медицинского контроля над физическим воспитанием. 1985.
4. Дубровский В.И. Лечебная физическая культура. 1999.
5. Шафрановский А.Э. Врачебно-педагогический контроль за физическим воспитанием 1992.
6. Хрушев С.В. Врачебный контроль физическим воспитанием школьников. 1992.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси 2006 йилдан буён бир йилда 4 (3 ойда бир) марта чоп қилинади. Ахборотномада илм-фаннинг барча соҳалари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги мақолалар нашр этилади. Ахборотномага мақолалар қуйидаги тартибда қабул қилинади: мақола ҳажми 0,25 босма табоқдан кам бўлмаслиги, 1 б.т. дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Мақола таҳририятга Times New RomanUz шрифти, 14 ўлчовда, 1,5 қатор оралиғида, чап томондан 3 см., юқори ва паст томондан 2,5 см., ўнг томондан 1,5 см. қолдирилган ҳолатда А4 форматли стандарт қоғознинг бир томонига чоп этилган ва муаллиф(лар)нинг шахсий имзоси билан тасдиқланган ҳолда бир нусхада топширилиши зарур. Электрон шакли Word 2007 дастури, rtf. форматида диск орқали ёки anvar_1977@rambler.ru электрон почта манзили орқали қабул қилинади. Мақола тегишли фан соҳаси бўйича фан доктори тақризи ва ИТМ ёки ОТМ томонидан эксперт хулосасига эга бўлиши талаб қилинади.

Мақола расмийлаштирилганда, дастлаб юқори чап томондан УЎТ (УДК) қайди, бир ораликдан сўнг бош ҳарфларда мақола мавзуси, кейинги сатрда муаллиф(лар)нинг исми, шарифи, отасининг исми, илмий даражаси ва илмий унвони, иш жойи ва лавозими тўлиқ ёзилади. Кейин ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар келтирилади. Аннотация 2-3 жумладан иборат бўлиб, ўзида мақола мазмунини ифодалаш лозим. Калит сўзлар мавзунини очиқ берадиган 10 тадан ошмаган сўз ва иборалардан иборат бўлиши керак. Мақолада кириш, мавзунинг долзарблиги, масаланинг мазмуни, ечим ҳамда тегишли хулоса ва тавсиялар келтирилиши, сўз, ибора ва формулалар аниқ ифодаланган, гап ва жумлалар тизимли бўлиши талаб қилинади.

Таҳририят мақолаларни таҳрир қилиш ва қисқартириш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида расмийлаштирилмаган мақолалар ахборотномада эълон қилинмайди. Мақола муаллифларига таҳририят қўлёзмаларни қайтариш ва ёзма жавоб бериш мажбуриятини олмайди. Ахборотномада мақола чиқариш 1 бетга 20 минг сўм тўлаш орқали амалга оширилади.

Таҳририят

ОБУНАЧИЛАРГА ЭСЛАТМА!

Хоразм Маъмун академияси ахборотномасининг бир йиллик обуна баҳоси 60000 (олтмиш минг) сўм бўлиб, Ахборотномага “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ вилоят филиалининг бўлимлари, “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси ҳамда банк бўлинмалари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномасига мақола юборишни ва обуна бўлишни хоҳловчилар учун қуйидаги ҳисоб рақамига пул ўтказишларини сўраймиз.

Хоразм Маъмун академияси

Манзили: Хива, Марказ 1.

Тел: +99894 312-54-84; anvar_1977@rambler.ru

ШХ/Р: 4001 1086 0332 2679 5010 0043 001

СТИР 202463612 ОКОНХ 95110

Ҳазначилик бўлинмасининг номи: Молия вазирлиги ҳазначилиги

ЭКС: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

МФО 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси (обуна ёки мақола чиқариш) учун

